The addition of gypsum actively contributes to the prevention of film formation in steamed clay-silicate mixtures. Alumina, released during alkaline cleavage of impurities, in the presence of  $\text{SO}_4^{2-}$  ions, binds calcium hydrosulfoaluminates, which do not interfere with further reactions of the formation of cementing phases. The optimal amount, expressed as  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , required to activate the silicate mixture from 7.5-12% clay admixture, ranges from 0.5 to 2.5%, depending on the nature and content of clay minerals.

In the absence of clay components in the sand, the presence of more than 1% gypsum in the pres-

ence of a large amount of calcium hydrosilicate, the strength of the samples decreases with prolonged processing. Apparently, the resulting anhydrite breaks the contacts and prevents the formation of a continuous layer of hydrosilicate intergrowth. A decrease in strength indicators is also caused by an increase in the size of crystals of neoplasms during recrystallization.

Significant increase in the strength of products obtained by autoclaving for 30 days. at a low gypsum content (up to 1%), it is probably due to the introduction of sulfate ions into the tobermorite lattice, which inhibits the recrystallization process. 0.4-0.5% SO<sub>3</sub> can penetrate into the lattice of tobermorite (1.1 nm). (2) This explains the increase in the strength of the samples obtained by autoclaving for 24 hours. In addition, the presence of sulfate ions in the liquid phase increases the

crystallization rate of calcium hydrosilicates.

#### References:

1. Shaumyan Z., Valtr Z. The introduction of sulfate ions into the crystal lattice of 11A<sub>0</sub>-tobermorite. Proceedings of the 6th International Congress on the Chemistry of Cement, Volume II, Book 1. Moscow 1976 p. 220-223.
2. Sanakulov K.S. State and development trends of complex use of zinc and copper-molybdenum production wastes at AGMK // Mining Bulletin of Uzbekistan. No. 2 (69). - 2017.- S. 139-144.
3. Akhmadiev F.G., Gilfanov R.M. - Mathematical modeling and optimization "composition-property" of multicomponent mixtures. Izvestia KGASU, 2012, No. 2 (20). S. 289-297.
4. Chemical technology of ceramics and refractories. Edited by I.Ya. Guzman, Moscow, RIF LLC, "Stroimaterialy", 2005, 336 p.

УДК 691.115+536.712

### ЁҒОЧ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДА ОЛИНАДИГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ҲАВОДАН НАМ ЮТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Mahmudov M.**, texnika fanlari nomzodi, dotsent; **Mahmudova Sh.**, katta o'qituvchi  
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Мақолада саноат микёсида ёғочга ишлов беришда ва ундан конструктив элементлар ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган ёғоч қириндилари ҳамда улар асосида олинадиган бир неча хил қурилиш материалларининг ҳаводан нам ютиш хусусиятлари таҳлил қилинган, экспериментал сорбция изотермаларини аналитик ифодалаш учун эмпирик формулалар тавсия қилинган ва уларнинг статистик таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** сорбцион намлик, сорбция изотермаси, ҳавонинг нисбий намлиги, қолдиқ дисперсия, корреляцион нисбат, эмпирик формула.

#### Сорбционные свойства древесных отходов и полученных из них строительных материалов

В статье проанализированы свойства поглощения влаги из воздуха древесных отходов, выделяющихся при обработке древесины и изготовлении из них конструктивных элементов, а также аналогичные свойства полученных из них различных строительных материалов, предложены эмпирические формулы для аналитического выражения изотерм сорбции и приведены результаты их статистического анализа.

**Ключевые слова:** сорбционная влажность, изотерма сорбции, относительная влажность воздуха, остаточная дисперсия, корреляционное отношение, эмпирическая формула.

#### Sorption properties of wood waste and building materials derived from them

The article analyzes the properties of moisture absorption from air of wood waste released during the processing of wood and the manufacture of structural elements from them, as well as the similar properties of various building materials obtained from them, are proposed empirical formulas for the analytical expression of sorption isotherms, and the results of their statistical analysis are presented.

**Key words:** sorption humidity, sorption isotherm, relative air humidity, residual dispersion, correlation ratio, empirical formula.

Бинолардаги қурилиш конструкцияларининг, айниқса, бино ични ташқи муҳитдан ажратиб ташқи тўсиқ конструкцияларнинг деярли барча эксплуатацион хусусиятлари кўп жихатдан уларнинг намлик ҳолатига боғлиқ. Биноларни эксплуатация босқичида стационар ва ностационар шароитлар учун уларнинг намлик режимини ҳисоблаш орқали конструкциядаги материалларнинг мувозанатдаги намлигини башорат қилиш мумкин. Бунда материаллар намлигининг ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқлигини, унинг ўзгариш қонуниятини ҳисобга олинади.

Конструкциядаги материал учун сорбция изотермасининг формуласи маълум бўлса, конструкция намлик режимини ҳисоблаш анча қулай бўлади, айниқса, намлик режимини намлик алмашинувининг ностационар шароити учун компьютер дастурлари ёрдамида ҳисоблаганда бунинг муҳимлиги яққолроқ намоён бўлади.

Биноларнинг қурилиш конструкциялари эксплуатация қилинадиган шароитларда унинг қатламларидаги ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$ , одатда, 40 % дан паст бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, ушбу мақолада материаллар сорбцион на-

млигининг ҳаво нисбий намлигига боғлиқ конуниятларини ифодаловчи формулалар нисбий намликнинг 30 % дан 100 % гача бўлган диапозонда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

Маълумки, бино ва иншоотлар қурилишида ёғочнинг ўзидан, унга турли хилда ишлов беришда, улардан турли қурилиш ёки бошқа буюмлар тайёрлашда чиқадиган майда, йирик чиқиндилардан кенг қўлланилади. Улар асосида нафақат юк кўтарувчи конструкциялар, кўплаб бошқа мақсадларда қўлланиладиган қурилиш буюмлари ишлаб чиқарилади [1]. Мазкур мақолада қурилишда кенг қўлланилаётган, ёғоч чиқиндилари асосида тайёрланган фибролит, арболит ва ёғоч қипиғи (опилка) учун сорбцион намлик  $\omega$  ва ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  нинг 30 дан 100 % гача бўлган қийматлари чегарасидаги боғлиқлигини аналитик ифодалаш учун қуйидаги кўринишда эмпирик формула тавсия қилинади:

$$\omega = \frac{a + b \cdot \varphi}{1 - c \cdot \varphi} \quad (1)$$

Бу формуладаги ўзгартувчи функция ( $1-c \cdot \varphi$ ) даги  $c$  катталиқнинг қиймати (0 билан 0,99 нинг орасида ўзгаради), ҳар бир материал учун кетма-кет яқинлашиш усулини қўллаган ҳолда, кўп кадамли регрессион анализ ёрдамида аниқланади. Ҳисобларда ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  нинг қийматлари 1 нинг бўлақлари кўринишида қабул қилинади. Регрессион анализни персонал компьютерлар ёрдамида EXCELL дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Формуладаги  $a$  ва  $b$  коэффициентлар энг кичик квадратлар усулида аниқланади. Эмпирик  $c$  катталиқнинг қийматини танлашда сорбцион намликнинг экспериментал қийматлари  $\omega_x$  ва (1) формула ёрдамида аниқланадиган ҳисобий қиймат  $\omega_x$  лар орасидаги фарқлар ҳисобига содир бўладиган қолдиқ дисперсия  $S_{\omega}^2$  нинг минимал қийматга эга бўлиши мезон қилиб олинди.

Статистик таҳлилда ҳар бир экспериментал нуқтадаги нисбий хатолик қуйидаги формула билан аниқланди [2]:

$$\varepsilon_i = \frac{\omega_x - \omega_x}{\omega_x} \cdot 100\% .$$

Ўртача нисбий хатолик қуйидаги формула билан аниқланди [2]:

$$\varepsilon_{\text{ўрт}} = \frac{\sum |\varepsilon_i|}{n}, \%$$

Ҳар бир материал учун аниқланган эмпирик формуланинг адекватлигини текшириш учун Фишер критерийсининг ҳисобий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади [2]:

$$F_x = \frac{S_{\omega}^2}{S_0^2} ,$$

бу ерда  $S_{\omega}^2$  - сорбцион намлик экспериментал қийматларининг ўзининг ўртачасига нисбатан дисперсияси; қуйидаги формула билан аниқланади:

$$s_{\omega}^2 = \frac{1}{n-1} \left[ \sum_{i=1}^n \omega_i^2 - \left( \sum_{i=1}^n \omega_i \right)^2 / n \right], \quad (2)$$

бу ерда  $n=8$  - экспериментал нуқталарнинг умумий сони;  $\omega_i$  - экспериментал нуқталардаги сорбцион намликнинг қийматлари, %.

Қолдиқ дисперсия  $S_0^2$ , яъни сорбцион намликнинг экспериментал ва ҳисобий қийматлари орасидаги фарқлар ҳисобига содир бўладиган дисперсиянинг қиймати қуйидаги формула билан аниқланади [2]:

$$s_0^2 = \frac{1}{n-k} \cdot \sum_{i=1}^n (\omega_i - \tilde{\omega}_i)^2, \quad (3)$$

бу ерда  $\tilde{\omega}_i$  - сорбцион намликнинг (1) формула билан аниқланган қийматлари, %;

$k=2$  - тенгламадаги номаълум коэффициентлар сони.

Фишер критерийсининг жадвалий қиймати  $F_{ж} = 4,22$  дисперсияларнинг озодлик даражаси  $f_1 = n-1=7$  ва  $f_2 = n-k=6$  га мос равишда жадвалдан [2] аниқланди. Маълумки,  $F_x > F_{ж}$  бўлган ҳолда (1) кўринишдаги эмпирик формула адекват ҳисобланади.

Қурилиш материалларининг сорбция изотермалари асосан эгри чизиқ кўринишига эга бўлади. Шунинг учун, муаллифлар томонидан тавсия этилган эмпирик формула билан материалларнинг сорбция изотермалари орасидаги боғланишларнинг зичлигини баҳолаш учун корреляцион нисбат кўрсаткичидан ҳам фойдаланилди. Унинг қиймати  $\eta$  қуйидаги формула ёрдамида аниқланди [3]:


$$\eta = \sqrt{1 - \frac{S_0^2}{S_{\omega}^2}} . \quad (4)$$

**Ёғоч қипиғи** (опилка)нинг ўзидан, унга чиришга қарши ишлов бериб, чордоқ ёпмаларида иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланиш мумкин (1-расм).



1-расм. Ёғоч қипиғидан иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланишга мисол.

2-расмда зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун 1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қолдиқ дисперсия  $S_{o\text{мин}}^2$  ни аниқлаш натижаси кўрсатилган.



2-расм. Зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун  $S_o^2$  қийматларининг эмпирик қиймат  $S$  га боғлиқ ҳолда ўзгариши.

Зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун эмпирик қиймат  $C=0,64$  бўлганда энг кичик квадратлар методи ёрдамида аниқланган (1) формуладаги  $a$  ва  $b$  коэффицентларнинг қийматлари  $a=2,067305$  ва  $b=13,38676$  га тенг. У ҳолда бу материал учун сорбция изотермасининг эмпирик формуласи


$$\omega_x = \frac{2,067305 + 13,38676 \cdot \varphi}{1 - 0,64 \cdot \varphi} \quad (5)$$

кўринишга эга бўлади. (5) формуланинг адекватлигини текшириш бўйича статистик таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ёғоч кипиғи учун  $\omega_o$  нинг экспериментал қийматлари [4] манбадан олинган.

1-жадвал  
 $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун  $C=0,64$  бўлган ҳолатдаги статистик маълумотлар

№	$\varphi$	$\omega_o, \%$	$\omega_x, \%$	$\omega_x - \omega_o, \%$	$\varepsilon_i, \%$	$\varepsilon_{\text{ўрт}}, \%$	$F_x$	$F_{ж}$	$\eta$
1	0,3	8,3	7,53	-0,77	-10,2	4,39	251,48	4,22	0,998
2	0,4	8,7	9,97	1,27	12,73				
3	0,5	12,5	12,88	0,38	2,95				
4	0,6	17,4	16,39	-1,01	-6,16				
5	0,7	21,0	20,72	-0,28	-1,35				
6	0,8	26,0	26,18	0,18	0,68				
7	0,9	33,0	33,29	0,29	0,87				
8	1,0	43,0	42,93	-0,07	-0,16				

Зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун сорбция изотермасининг экспериментал қийматлари ва ҳисобий графиги 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғининг сорбция изотермаси: • - сорбцион намлиқнинг экспериментал қийматлари; 1- сорбцион намлиқ ҳисобий қийматларининг ўзгариш графиги.

Статистик таҳлилдан кўришиб турибдики, Фишер критерийсининг ҳисобий қиймати  $F_x=251,48 > F_{ж}=4,22$ , демак, зичлиги  $\gamma_o = 120 \text{ кг/м}^3$  бўлган ёғоч кипиғи учун эмпирик қиймат  $C=0,64$  бўлганда (5) формулани адекват деб ҳисоблашимиз мумкин. Корреляцион нисбат  $\eta=0,998 \approx 1$ , демак, ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  билан ёғоч кипиғининг намлиги  $\omega$  орасида жуда кучли корреляцион боғланиш мавжуд.

Ёғоч чиқиндилари ва портландцемент асосида олинадиган қурилиш материалларидан бири **фибролит** ҳисобланади. Фибролитни тайёрлаш учун дарахтларнинг узунлиги 50 мм дан кам бўлмаган шах-шаббаларининг парчалари, кесилган бутуқлар ишлатилади. У унча зич материал бўлганлиги сабабли яхши иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланилади.

4-расмда зичлиги  $\gamma_o = 400 \text{ кг/м}^3$  бўлган цементли фибролит учун 2-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида  $S_{o\text{мин}}^2$  дисперсияни аниқлаш натижаси кўрсатилган.


Зичлиги  $\gamma_o = 400 \text{ кг/м}^3$  бўлган цементли фибролит учун  $c=0,9$  бўлганда энг кичик квадратлар методи ёрдамида аниқланган (1) формуладаги  $a$  ва  $b$  коэффицентларнинг қийматлари  $a=3,258857$  ва  $b= - 0,58786$  га тенг. У ҳолда бу материал учун сорбция изотермасининг эмпирик формуласини

$$\omega_x = \frac{3,258857 - 0,58786 \cdot \varphi}{1 - 0,9 \cdot \varphi} \quad (6)$$

кўринишда ёзишимиз мумкин.

Бу формуланинг адекватлигини статистик текшириш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Цементли фибролит учун  $\omega$ , нинг экспери-

ментал қийматлари [4] манбадан олинган.




4-расм. Зичлиги  $\gamma_o=400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли фибролит учун қолдик дисперсия  $S_o^2$  қийматларининг эмпирик қиймат  $C$  га боғлиқ ҳолда ўзгариши.

2-жадвал

$\gamma_o = 400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли фибролит учун  $C=0,9$  бўлган ҳолатдаги статистик маълумотлар

№	$\phi$	$\omega_{\Sigma}, \%$	$\omega_x, \%$	$\omega_x - \omega_{\Sigma}, \%$	$\epsilon_i, \%$	$\epsilon_{\text{ўрт}}, \%$	$F_x$	$F_{\text{ж}}$	$\eta$
1	0,3	4,0	4,22	0,22	5,21	4,05	263,98	4,22	0,998
2	0,4	4,8	4,72	-0,08	-1,69				
3	0,5	5,7	5,39	-0,31	-5,75				
4	0,6	6,6	6,32	-0,28	-4,43				
5	0,7	7,5	7,69	0,19	2,47				
6	0,8	9,2	9,96	0,76	7,63				
7	0,9	15,0	14,36	-0,64	-4,45				
8	1,0	26,5	26,71	0,21	0,78				

$\gamma_o=400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли фибролит учун сорбция изотермасининг экспериментал ва ҳисобий графиклари 5-расмда кўрсатилган.




5-расм. Зичлиги  $\gamma_o = 400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли фибролит-нинг сорбция изотермаси: 1 - сорбцион намлиқнинг экспериментал қийматлари; 2 - сорбцион намлиқ ҳисобий қийматларининг ўзгариш графиги.

Статистик таҳлилдан кўришиб турибдики, Фишер критерийсининг ҳисобий қиймати  $F_x=263,98 > F_{\text{ж}}=4,22$ , демак, зичлиги  $\gamma_o = 400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли фибролит учун эмпирик қиймат  $C=0,9$  бўлганда (6) формулани адекват деб ҳисоблашимиз мумкин. Корреляцион нис-

бат  $\rho=0,998 \approx 1$ , демак, ҳавонинг нисбий намлиги  $\phi$  билан цементли фибролитнинг намлиги  $\omega$  орасида жуда кучли корреляцион боғланиш мавжуд.

**Арболит** ҳам ёғоч чиқиндилари ва портландцемент асосида олинадиган қурилиш материалларидан бири ҳисобланади. Арболитни тайёрлаш учун ёғоч чиқиндиларининг барча турларидан ишлатилади. Уни, одатда, ташқи девор конструкциялари учун конструкцион-теплоизоляция материал сифатида қўллаш тавсия этилади.

6-расмда зичлиги  $\gamma_o=600$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли арболит учун 3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида  $S_o^2_{\text{мин}}$  дисперсияни аниқлаш натижаси кўрсатилган.



6-расм. Зичлиги  $\gamma_o=600$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли арболит учун қолдик дисперсия  $S_o^2$  қийматларининг эмпирик қиймат  $C$  га боғлиқ ҳолда ўзгариши.

Зичлиги  $\gamma_o=600$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли арболит учун  $c=0,71$  бўлганда энг кичик квадратлар методи ёрдамида аниқланган (1) формуладаги  $a$  ва  $b$  коэффициентларнинг қийматлари  $a=2,5995$  ва  $b=3,20675$  га тенг. У ҳолда бу материал учун сорбция изотермасининг эмпирик формуласи

$$\omega_x = \frac{2,5995 + 3,20675 \cdot \phi}{1 - 0,71 \cdot \phi} \quad (7)$$


кўринишга эга бўлади. Бу тенгламанинг адекватлигини статистик текшириш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Цементли арболит учун  $\omega_x$  нинг экспериментал қийматлари [4] манбадан олинган.

3-жадвал

$\gamma_o = 600$  кг/м<sup>3</sup> бўлган цементли арболит учун  $C=0,71$  бўлган ҳолатдаги статистик маълумотлар

№	$\phi$	$\omega_{\Sigma}, \%$	$\omega_x, \%$	$\omega_x - \omega_{\Sigma}, \%$	$\epsilon_i, \%$	$\epsilon_{\text{ўрт}}, \%$	$F_x$	$F_{\text{ж}}$	$\eta$
1	0,3	4,6	4,53	-0,07	-1,54	1,81	852,14	4,22	0,999
2	0,4	5,5	5,42	-0,08	-1,47				
3	0,5	6,5	6,52	0,02	0,3				
4	0,6	7,6	7,88	0,28	3,55				
5	0,7	9,5	9,63	0,13	1,35				
6	0,8	12,0	11,95	-0,05	-4,18				
7	0,9	15,5	15,19	-0,31	-2,04				
8	1,0	20,0	20,02	0,02	0,1				

Зичлиги  $\gamma_0=600 \text{ кг/м}^3$  бўлган цементли арболит учун сорбция изотермасининг экспериментал ва ҳисобий графиклари 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Зичлиги  $\gamma_0=600 \text{ кг/м}^3$  бўлган цементли арболитнинг сорбция изотермаси: • - сорбцион намликнинг экспериментал қийматлари; 3 - сорбцион намликнинг ҳисобий қийматларининг ўзгариш графиги.

Бу ҳолатда ҳам статистик таҳлилдан кўришиб турибдики, Фишер критерийсининг ҳисобий қиймати  $F_x=852,14 > F_{ж}=4,22$ , демак, зичлиги  $\gamma_0=600 \text{ кг/м}^3$  бўлган цементли арболит учун эмпирик қиймат  $C=0,71$  бўлганда (7) формулани адекват деб ҳисоблашимиз мумкин. Корреляцион нисбат  $\eta=0,999 \approx 1$  га яқин, демак, ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  билан цементли арболитнинг намлиги  $\omega$  орасида жуда кучли корреляцион боғланиш мавжуд.

Ёғоч ва ёғоч чиқиндиларининг ҳаводан намликни, хусусан, сув буғларини ютиш хусусияти жуда кучли бўлганлиги сабабли, уларнинг таркибига унчалик гигроскопик ҳисобланмайдиган боғловчилар, масалан, цемент кўшилгани билан фибролит, арболит каби қурилиш материалларининг сорцион намлиги  $\omega$ , ҳавонинг нисбий намлиги  $\varphi$  катта бўлган (90 % ва ундан баланд) ҳолларда, қурук материал массасининг 1/4...1/5 қисмини ташкил этиши мумкин.

УДК620.1

### ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР БИНОЛАР ҚУРИЛИШИДА ИССИҚЛИК ХИМОЯЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Турсунов Б.А., таянч докторант; Акрамов Х.А., профессор; Агламов О.З., магистрант  
Тошкент архитектура-қурилиш институти

Мақолада иссиқлик химояловчи материалларнинг ўртача зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, иссиқлик химоялаш материаллар билан таққослаш кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш, ўртача зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, вермикулитбетон, газобетон, пенобетон, арболитбетон.

В данной статье рассмотрены средняя плотность теплозащитных материалов, коэффициент теплопроводности, сравнение с теплозащитными материалами.

ҚМҚ 2.01.04-97\* [5] да цементли фибролит ва арболитлар учун эксплуатация давридаги мувозанатдаги намликнинг миқдори А эксплуатация шароити учун 10 % ва Б шароити учун 15 % қилиб белгиланган. Бу қийматлар мазкур материаллар сорбцион намликларининг ҳаво нисбий намлигининг, мос равишда, ўртача 70 ва 90 % бўлгандаги қийматларига тўғри келади. Агар шу қонуниятни ёғоч кипикларига тадбиқ қиладиган бўлсак, эксплуатация давридаги мувозанатдаги намликнинг миқдорини А эксплуатация шароити учун камида 20 % ва Б шароити учун эса 34-35 % қилиб белгилаш керак бўлади. Бу қийматлар жуда катта қийматлар ҳисобланади.

Шунинг учун ёғоч кипикларидан иссиқлик изоляцияси сифатида фойдаланадиган бўлсак, уларни яхши қуришиб, целлофан пакетларга қадоқлаб, кейин жойига қўйиш йўли билан ундан бажарилган қатламда ортиқча намлик тўпланишининг олдини олишимиз, қолаверса, чиришдан, қурт-қумускалар таъсиридан химоя қилишимиз мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Наназашвили, И.Х. Строительные материалы, изделия и конструкции : [Справочник] / И.Х. Наназашвили. – Москва : Высш.шк., 1990. – 495 с.
2. Маҳмудов М. Экспериментни режалаштириш ва натижаларига ишлов бериш : [Ўқув қўлланма] / М. Маҳмудов. - Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2019. – 164 б.
3. Карасев А.И. Теория вероятностей и математическая статистика : [Учебник] / А.И. Карасев. – Москва : Статистика, 1979. – 279 с.
4. Руководство по расчету влажностного режима ограждающих конструкций зданий / Н.-и.ин-т строительной физики. - Москва : Стройиздат, 1984. – 168 с.
5. ҚМҚ 2.01.04-97\*. Қурилиш иссиқлик техникаси. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари / ЎЗР давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; - Тошкент : 2011. – 98 б. – Тит. в. матн парал. ўзб. ва рус тилларида.

**Калит сўзлар:** строительство, средняя плотность, коэффициент теплопроводности, вермикулитбетон, газобетон, пенобетон, арболитбетон.

This article discusses the average density of heat-shielding materials, the coefficient of thermal conductivity, and comparison with heat-shielding materials.

**Key words:** construction, the average density, thermal conductivity coefficient, vermiculite, aerated concrete, foam concrete, arbitrator.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган янги замонавий материаллар бинолар, иншоотлар ва иншоотларнинг барча таркибий қисмларини қуришда қўлланилиб келинмоқда. Девор изоляция материаллари ва энергия самарадорлиги саноатининг ривожланиши сўнгги йилларда ичида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, янги девор материаллари, айниқса, янги девор изоляция материаллари ишлаб чиқариш қуввати йилига 20% ташкил этиб бормоқда. Анъанавий юқори энергияли қурилиш материаллари аста-секин янги қурилиш материаллари билан алмаштирилиб келинмоқда. Энергия тежайдиган изоляция материаллари мукамал ривожланиш имкониятларини яратмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида. Президентимиз соҳа мутахассислари билан бўлган учрашувда қурилиш материаллари тармоғида энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали таннархни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Уй-жой биноларини иссиқдан ҳимоялаш ва уй-жой фондида энергия самарадорлик муаммолари билан дунёнинг кўпчилиги мамлакатлари шуғулланмоқдалар. Энергия тежамкорлик ва иссиқдан ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида саноати ривожланган мамлакатларда уй-жой фондида истеъмол қилинадиган энергиянинг нисбий сарфи охириги 10 йил ичида 2 ва ундан кўпроққа камайтирилди. Ушбу масалани ечишда энг ҳал қилувчи йўналишлардан бири уй-жой биноларининг ташқи деворлари ва деразаларининг иссиқлик узатишга қаршилигини ошириш бўлди. Техник ривожланган мамлакатларда деворлар конструкцияларининг кўпчилиги кўп қатламли қилиб тайёрланади. Самарали иситгичли кўп қатламли ташқи деворлар йирик панелли деворларнинг умумий ҳажмида: Норвегияда - 100% ни, Венгрияда - 95% ни, Финляндияда - 94% ни, Руминияда -91% ни, Буюкбританияда - 75% ни ташкил этади. Шу билан бирга тахминан 2000 йилларгача МДХ мамлакатларида ушбу кўрсаткич 5-10% ни ташкил этарди.

Мавжуд ва янгидан қурилувчи бинолар ташқи тўсувчи конструкцияларининг энергия тежамкорлик талабларини таъминлаш учун

иссиқликдан ҳимоялаш ва эксплуатацион сифатлари етарлича бўлган кўп қатламли конструкцияларни яратишга асосланган турли техник ечимлар таклиф қилинмоқда.

Ҳозирги кунда самарали иссиқлик ҳимояловчи материалларнинг турлари кенгайиб бормоқда. Биноларни иссиқликдан изоляциялаш учун қўлланилаётган материаллар қаторига газобетон, пенобетон, арболитбетон, пенополистиролбетон, вермикулитбетон ва бошқалар қиради. Иссиқлик ҳимояловчи материаллар яни ўта энгил бетонларнинг зичлиги  $800 \text{ кг/м}^3$  ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $0,08-0,175 \text{ Вт/м} \cdot ^\circ\text{C}$  га тенг бўлган ўта энгил бетонлар қўлланилмоқда.



1-расм. Иссиқлик ҳимояловчи материаллари. а) газобетон. б) пенобетон. в) вермикулитбетон. г) арболитбетон. д) полистиролбетон.

ГОСТ 19222-84 мувофиқ ёғоч-бетон блоклари ишлаб чиқариш учун, ёғоч ишлов бериш чикиндилари, майдаланган қамиш, каноп, гўзапоя, гуруч қобиғи, зиғир фойдаланиш мумкин. Ўртача зичлиги  $\rho=250-1300 \text{ кг/м}^3$ , иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda=0.09-0.54 \text{ Вт/м} \cdot ^\circ\text{C}$ , оловга таъсирга юқори бардошлилик хоссасига эга.

Кўпикбетон блоклари ишлаб чиқариш ГОСТ 25485-89 талабига кўра автоклавсиз қотадиغان кўпикбетонлар кўп функцияли қурилиш материаллари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш технологияси анча оддий ва ишлаб чиқаришда ишлати-

ладиган жиҳозларга метал ва энергия сарфи кам талаб қилинади. Кўпикбетонни ишлатилиш жойи ва ишлатилиш иқлим шароитига қараб хоссаларини яхшилаш ва бошқариш мумкин. Шунинг учун ҳам унинг хоссалари катта интервалда ўзгарувчан ҳисобланади. Ўртача зичлиги  $\rho=100-1200 \text{ кг/м}^3$ , иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda =0.08-0.38 \text{ Вт/м} \cdot ^\circ\text{C}$ .


Тадқиқот натижалари  $10 \times 10 \times 10 \text{ см}$  ўлчамдаги қолипларда олинган натижаларни оптимал миқдори танлаб олинди. Пенобетон қоришма учун цемент 400 гр, сув 100 мл, кўпик учун “Zimpro” 1.5 мл. Газобетон қоришма учун цемент 400 гр, сув 120 мл, газ хосил қилувчи қўшимча “ПАК-3” 0.9 мл. Арболитбетон қоришма учун цемент 400 гр, гуруч қипиғи 160 гр, сув 195 мл, суюқ шиша 7 мл танлаб олинди.

1-жадвал

Ўта энгил бетоннинг мустаҳкамлик чегараси 7;14;28 кунлик натижалари.

№	Намуна	Сиқилувчи куч $\text{кг/см}^2$		
		7	14	28
1	Кўпикбетон	0.9	1.02	1.15
2	Газобетон	1.2	1.87	2.0
3	Арболитбетон	2.3	2.39	2.6

Ўта энгил бетоннинг мустаҳкамлик чегараси  $10 \times 10 \times 10 \text{ см}$  ўлчамдаги қолипларда ҳар бир синаш учун уч донадан намуналар тайёрланди. Намуналарни синаш муддатлари 7;14;28 суткалар деб белгиланиб ушбу муддатларда намуналар ГОСТ 10180-90 талаблари бўйича гидравлик пресс ёрдамида синалиб, намуналарни синаш натижалари аниқланди.



2-расм. Ўта энгил бетонларнинг 7;14;28 кунлик сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги.

1) кўпикбетон. 2) газобетон 3) арболитбетон.

Замонавий иссиқлик химояловчи материаллар шакли ва ташқи кўринишига кўра бир – биридан фарқ қилади. Бунда материалларни донавий ва сочиловчан хилларга ажратиш мумкин. Социловчан материалларга кукунсимон, толали ва донадор материаллар киради. Донавий материалларга эса арболит, базалт толали плиталар, газобетон, кўпикбетон ва поли-

стролбетонлар мисол бўла олади. Ҳозирда қурилишда энг машҳур иссиқлик - химояловчи материаллар ичида донали буюмлар ҳисобланади. Ҳар қандай иссиқлик - химояловчи материалнинг сифати бир қанча кўрсаткичларга кўра баҳоланади. Шулардан бири бу материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти ҳисобланади. Иссиқлик ўтказувчанлик - бу материалнинг иссиқлик энергиясини ўзи орқали ўтказиш қобилияти ҳисобланади. [2]

2-жадвал

Деворларни қуришнинг турли вариантларини ўзаро таккослаш мақсадида ҳар хил материаллардан қурилган деворларнинг кўрсаткичларини келтириб

ўтағиз

Материалларнинг турлари	Ўртача зичлиги $\text{кг/м}^3$	Иссиқлик ўтказувчанлиги $\text{Вт/м} \cdot ^\circ\text{C}$	Термик қаршилиги $\text{и м}^2 \cdot ^\circ\text{C/W}$
Газобетон	700	0.13	0.26
Кўпикбетон	600	0.12	0.19
Арболитбетон	550	0.17	1.17
Вермикулитбетон	480	0.11	0.16
Полистролбетон	420	0.10	0.18

Иссиқлик изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқариш ва қўллаш анъанавий қурилиш материалларига нисбатан қатор афзалликларга эга: бинонинг массаси камаяди, қурилишда оғир ишлар қисқаради, конструкциянинг термик қаршилиги ошади, яхши аррланади, био таъсирга чидамли, иссиқлик ва товушдан юқори изоляцияловчи кўрсаткичига эга, оловга чидамли, цемент қоришмаси билан яхши ишлов берилади, қўл дрелида тешик тешиш осон, миҳни яхши ушлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги замонавий материаллардан фойдаланиш орқали юқори сифатли биноларнинг қурилиш вақтини қисқартириш, қисқа муддатда катта натижага эришиш, иқтисодий жиҳатдан арзонлаштирилган бино ва иншоотларга эга бўлишга эришиш, бинонинг умрбоқийлигини узайтиришни таъминлаш билан бир вақтда, бинонинг ички ва ташқи замон талабларига жавоб бера оладиган даражада қуриб битириш имконини берадиган оптимал вариантларини беради.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

2. Н.А.Махмудова., Х.Н.Нуритдинов “Пардозлаш ва иссиқлик изоляция материаллари” Тошкент 2010 йил.

3. Тошкент архитектура-қурилиш институти “Архитектура қурилиш дизайн” журнали, махсус сон, 61-64 бет Тошкент, 2019 йил.

## Г5 ВА Г6 МАРКАДАГИ ҚУРИЛИШ ГИПСИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ҚУРИЛИШГА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Бозоров И., Абдусаматов К., Турсунов Б., Рахмонов А.,  
Қурбонов З., Сулаймонов Ж., Қодиров Э.  
Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада қурилиш гипси Г5 ва Г6 маркаларининг физик-механик хосслари, қотиш даври ва иссиқлик ажралиб чиқиш кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш, гипс, иссиқлик ажралиб чиқиши, гипсининг қотиши, физик-механик хосслари.

В статье рассматриваются физико-механические свойства, период твердения и термическое разделение строительных гипсов марок Г5 и Г6.

**Ключевые слова:** строительство, гипс, тепловая диссоциация, упрочнение гипса, физико-механические свойства.

The article deals with the physical and mechanical properties, the period of hardening and thermal separation of construction gypsum grades G5 and G6.

**Key words:** construction, gypsum, heat dissociation, hardening of gypsum, physico-mechanical properties.

Қурилиш материаллари маданият ва техниканинг ривожланишида катта роль ўйнади. Уларсиз бино ва иншоотларни кўтаришни имкони йўқ. Қурилиш материалларни ичида биринчи ўринлардан боғловчи моддалар эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида. Президентимиз соҳа мутахассислари билан бўлган учрашувда қурилиш материаллари тармоғида энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали таннархни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Замонавий қурилишнинг асоси - боғловчи моддалардир. Уларни сувоқ қоришмалари ва турли хил бетонларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Тахминан, эрадан аввалги 3-4 минг йилликда боғловчи моддалар сунъий равишда куйдириш натижасида олиними пайдо бўлган. Улардан биринчиси, гипс тошини куйдириш натижасида олинган - қурилиш гипси бўлган. Гипс тоши жинсларни куйдириш натижасида олинган моддалар анъанавий минерал боғловчи ҳисобланиб, инсониятга бир неча минг йиллардан бери маълумдир.

Гипс боғловчи моддалар нафақат сувоқчиликда, балки хажмли қурилиш буюмлари олишда ҳам кенг қўламда ишлатилади. Боғловчи модда олишда хом ашё табиий тоғ жинслари (гипсли тош жинслари, ангидрит).

Жаҳонда ҳаммаси бўлиб 35-40 млн.т. гипс боғловчи моддалари ишлаб чиқарилади, шундан 90% қурилиш ишларида ишлатилади. АҚШ, Франция, Англия, Испания энг кўп миқдорда гипс боғловчи моддалар ишлаб

чиқарадиган давлатлар ҳисобланади. Ўзбекистонда гипс боғловчи моддалар ишлаб чиқариш Бухоро ва Фарғона вилоятларида яхши ривожланган. Тошкент, Фарғона, Самарканд вилоятларида ишлаб чиқариш чикиндиладан фойдаланиб гипс ишлаб чиқариш устида анча ишлаб қилинмоқда.

Гипс боғловчи моддалар - бу кукунсимон минерал модда бўлиб, у асосан сувли сульфат кальцийни дегидратациясидан ҳосил бўлган маҳсулотдир. Гипсли моддалар ишлаб чиқариш учун табиий гипс тоши  $\text{CaCO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  ва табиий ангидрид  $\text{CaCO}_3$ , гилгипс, шунингдек, асосан кальсий сульфат, ҳамда фосфор гипсдан, борогипсдан таркиб топган кимё саноатнинг турли хил чикиндилари хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Гипсининг тишлашиш ва қотиш вақтлари хом ашёнинг хоссаси, уни тайёрлаш шароити, сақланиш муддати ва шароитига, кўшиладиган сув миқдори сув билан гипс нисбати - С/Г, боғловчи модда ва сувнинг температураси, аралаштириш шароитларига ва улар таркибида бирор кўшилмаларнинг борлигига боғлиқ.


Бу ҳол бир қанча ноқулайликларга сабаб бўлади, чунки қорилган гипсни тишлашиб қолмасдан илгари ишлатиш лозим. Агар тишлашиши жараёни бузилса, ҳосил бўлаётган кристалл ўсимталари парчаланиб кетади ва мустаҳкамлиги кескин камаяди. Шу сабабли гипсни тишлашгунга қадар ишлатиб тугатиш учун ёки оз-оз миқдорда қориш ёхуд гипсга тишлашиш жараёнини сусайтирувчи моддалар кўшиш мумкин.

Қурилиш гипси кўпроқ туйилса, жуда майин ва тез тишлашувчи қолипбоп гипс ҳосил бўлади. Қурилиш гипси ўз сифатига кўра икки навга бўлинади. Гипсининг чўзилишдаги мусс-

тахкамлик чегараси 40x40x160 мм ўлчамли қолипга қўйиб тайёрланган намуналарда аниқланади. ГОСТ 23789-2018 талабларини қаноатлантирадиган гипс қоринмасини тайёрлаш учун сув миқдорига катта аҳамият бериш керак.

Лабораторияда Жиззах вилоятининг “Иморат-АДА” илмий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг Г5 ва Г6 маркадаги қурилиш гипси танлаб олинди. Физик-механик хоссалар сифатида қурилиш гипсининг нормал қуюқлиги, тишлашиш муддатлари эгилишдаги ва сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари кўриб чиқилди. 40x40x160 см намуналар лаборатория шароитида тайёрланган. Синов натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтириб ўтилган. Мустаҳкамлик гидравлик пресс кўрсаткичини куб томонининг сирт юзасига бўлиш орқали баҳоланган ҳолда берилган.

Намуналарни синаш муддатлари 2 соат деб белгиланиб ушбу муддатларда намуналар ГОСТ 23789-2018 бўйича эгилишга ва сиқилишга гидравлик пресс ёрдамида синалиб, намуналарни синаш натижалари аниқланди.



1-расм. Гипсининг эгилишга ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлигини аниқлаш. а) эгилиш, б) сиқилиш.

1-жадвал

Қурилиш гипсининг тишлашиш муддатлари, (дақиқа-сония) кузатиш.

№	Гипс тури	Нормал қуйиқлик, см	Тишлашиш муддатлари, дақиқа-сония		Мустаҳкамлик МПа	
			бошланиш вақти	тугаш вақти	Эгилиш	Сиқилиш
					2 соат	2 соат
1	Г5	17,5	1-40	17-55	5,42	5,49
2	Г6	18,0	2-13	18-15	5,62	6,05

Гипсининг қотиш жараёнида унинг ҳажми тахминан 1 % кенгаяди. Бу эса, гипсдан меъморчилик буюмлари тайёрлашда, ёриқларни беркитишда ва бошқа мақсадларда фойдаланишга қулайлик яратади. ГОСТда кўрсатилишича, қурилиш гипси тишлашишининг бошланиши 4 минутдан кейин, охири эса 6 минутдан 30 минутгача давом этиши керак. Демак, қурилиш гипси тез тишлашадиган ва тез

қотадиган боғловчи моддадир.


Олиб борилган натижалар шуни кўрсатдики Г5 маркадаги қурилиш гипсининг қотиш даври 17.55 дақиқагача ва Г6 маркадаги қурилиш гипсининг қотиш даври 18.15 дақиқагача давом этди.

Гипс боғловчи моддани ишлатилиши уни кристалланиш тезлигига жуда катта боғлиқ. Гипс боғловчи моддани сув бирикиши - бу экзотермик (иссиқлик ажралиб чиқиш) жараёндир.



2-расм. Г5 ва Г6 маркадаги қурилиш гипсининг гипсининг иссиқлик ажраб чиқишини аниқлаш. а) Г5 ва б) Г6.


Лабораторияда олиб борилган намуналарининг яъни Г5 ва Г6 маркалардаги қурилиш гипсининг иссиқлик ажраб чиқиш диаграммалари келтирилган.



3-расм. Г5 маркадаги қурилиш гипсининг иссиқлик ажралиб чиқиши жараёнининг диаграммаси.

Олиб борилган Г5 қурилиш гипси синов жараёнида хона ҳарорати 22 °С да эди. 1-дақиқадан бошлаб иссиқлик ажралиб чиқиши, температура 23.2 °С дан ўса бошлади ва 30 дақиқадан сўнг қурилиш гипси энг юқори 39.9 °С га чиқди ва орқага қайта бошлади.

Олиб борилган Г6 қурилиш гипси синов жараёнида хона ҳарорати 22.3 °С да эди. 1-дақиқадан бошлаб иссиқлик ажралиб чиқиши, температура 24.7 °С дан ўса бошлади ва 30 дақиқадан сўнг қурилиш гипси энг юқори 45.2 °С га чиқди ва орқага қайта бошлади.



4-расм. Г6 маркадаги қурилиш гипсининг иссиқлик ажралиб чиқиши жараёнининг диаграммаси.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган Г5 ва Г6 маркадаги қурилиш гипсларининг физик-механик хоссалари ва унинг иссиқлик ажралиб чиқиши кўзатилди. Г5 маркадаги қурилиш

УДК 699.86

### ЭНЕРГОТЕЖАМКОР ГИПС ҚУРУҚ ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛАРИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Файзуллаев З.Б., Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти  
Тилляев А.Д., Самарқанд давлат университети

Замонавий қуруқ қурилиш қоришмаларида (ҚҚК) арзон, энерготежамкор, маҳаллий хом ашёларидан кенгроқ фойдаланиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу йўналишда республикада қатор ташкилот ва корхоналар лабораторияларида эътиборга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бино ва иншоотлар ички деворлари шпукатуркаси учун ишлатиладиган гипс асосидаги қоришмалар технологиялари такомиллаштирилмоқда. Мазкур шпукатуркалар иссиқлик сақловчи хусусиятлари унумдорлигини ошириш бу соҳадаги кенг миқёсда олиб борилаётган ишлардан ҳисобланади.

В производстве современных сухих строительных смесей (ССС) актуальной проблемой является разработка технологий с использованием дешевых, энергосберегающих и местных сырья и материалов. В этом направлении в лабораториях ряда организаций и предприятий республики ведутся значительные научно-исследовательские работы. Совершенствуются технологии производств гипсовых смесей, применяемых для оштукатуривания внутренних стен зданий и сооружений. Улучшение рентабельных теплоизоляционных показателей этих композиций является одной из перспективных направлений строительных материалов.

In the production of modern dry building mixtures (DBM), an urgent problem is the development of technologies using cheap, energy-saving and local raw materials and materials. In this direction, significant research and development work is being carried out in the laboratories of a number of organizations and enterprises of the republic. The technologies for the production of gypsum mixtures used for plastering the internal walls of buildings and structures are being improved. Improving the cost-effective thermal insulation performance of these compositions is one of the promising areas of construction materials.

XXI асрда қурилиш темпларининг бекиёс ўсиши ҳисобига қурилиш материалларининг замонавий, сифатли ва юқори унумдор турларига бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Материаллар номенклатураси айниқса энерготежамкор, иккиламчи хом ашёлар, меҳнат унумдорлигини кескин оширадиган маҳсулотлар ҳисобига кенгаймоқда. Шундай истиқболли, бажариладиган ишлар сифатини ва меҳнат унумдорлигини кескин оширадиган йўналиш, бу - қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш соҳасидир. ҚҚК ишлаб чиқариш жа-

гипсининг нормал қуйиқлиги 17.5 см, котиш даври 1.40 дақиқадан бошланиб 17.55 дақиқада тўғади. Иссиқлик ажралиб чиқиши 30 дақиқада максимал 39.9 °C га чиқди. Г6 маркадаги қурилиш гипсининг нормал қуйиқлиги 18 см, котиш даври 2.15 дақиқадан бошланиб 18.55 дақиқада тўғади. Иссиқлик ажралиб чиқиши 30 дақиқада максимал 45.5 °C га чиқди.

#### Адабиётлар:

1. Samig'ov N. A. Energiya va resurs tejamkor qurilish materiallari va texnologiyalar. -Toshkent, "Mehnat", 2016. -160-169 b.
2. Tursunov B.A., Babakulova N.B. "Study of physical and mechanical properties of gypsum building G10" International journal of advanced research in science, engineering and technology ISSN 2350-0328 Vol. 7 Issue 6, June 2020.

етарли даражада хом-ашё захираларига эга. Биргина гипс маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича аниқланган истикболли хом-ашё захиралари мавжуд ва улардан ҳозирда унумли фойдаланилмоқда. Қурилиш материаллари бозорида KNAUF, BeneFit, Элерон ва бошқа катор брендлар остида ранг-баранг гипсли маҳсулот турлари таклиф этилмоқда.

Ҳозирги кунда курук қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш халқаро стандарт ГОСТ 31189-2015: “Смеси сухие строительные”га кўра куйидаги белгиларига асосан синфларга бўлинган:

- қўллаш шароитига кўра;
- тўлдирувчининг энг йирик заррачаси  $D_3$ га кўра;
- боғловчи турига кўра;
- функционал қўлланишига кўра;
- юзага ётқизиши (суртилиши)га кўра.

Бир турким сувоқ учун мўлжалланган курук қурилиш қоришмалари ГОСТ 31377-2008: “Смеси сухие строительные штукатурные на гипсовым вяжущем” талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар техник-эксплуатацион хусусиятлари ўрганилди. Таркиб қўлланиш шароитига кўра: ички ишларга, боғловчи турига кўра гипсли, тўлдирувчиларининг энг йирик заррачаси  $D_3$ га бўйича ( $0 \text{ мм} < D_{3, \text{max}} \leq 1,25 \text{ мм}$ ), функционал қўлланишига кўра сувоқ учун энгил иссиқлик изоляцион, юзага қўлда ётқизиладиган талабларига жавоб беради [2]. Техник-эксплуатацион хоссаларининг қўйилган талабларга мослигини ўрганиш мақсадида нисбатан кенг тарқалган маҳсулотлар сифатида KNAUF ва BeneFit гипсли сувоқ курук қоришмалари танлаб олинди:



1-расм. Rotband ва Hardrock ҚҚҚ маҳсулоти намунаси

Штукатурка асосини ташкил қилган Г5 маркали гипс ишлаб чиқариш цехларининг технологияси, қўлланилган ускуналари ва гипс тоши қазиб олинаётган конлар маҳсулотлари таркибига боғлиқ ҳолда хом-ашё сифати ва хусусиятлари олинган партиялар учун фарқ қилади. Бунда мустаҳкамлик чегаралари, қотиш вақтлари паст ёки юқори бўлиши мумкин [5].

1-жадвал  
Rotband ва Hardrock ҚҚҚ маҳсулотлари асосий эксплуатацион хоссалари

Кўрсаткичлар номланиши	Сувоқ курук қурилиш қоришмалари намуналари		ГОСТ 31377-2008 талаблари бўйича
	Rotband	Hardrock	
Намлиги, % масса ҳисобида	0,1	0,1	0,30
Уйма зичлиги, $\text{кг/м}^3$	910±20	980±20	-
Энг катта ўлчами, мм	1,2	1,2	5
Қотиши, мин бошланиши охири	45-60 120-140	45-60 120-140	қўлда бажарилганда - > 45 минут, механизациялашган усулда > 90
Сувни тутиб туриш қобилияти, %	98-99	97-98	≥ 90
Материал сарфи (қалинлиги 10 мм қилиб сурилганда 1 м <sup>2</sup> га сарфи), кг	10	10	-
Сикилиш Эгилиш мустаҳкамлиги, МПа	4,7-5 2,5-2,6	4-7 2-2,7*	≥ 2,0 ≥ 1,0
Қотган қоришманинг асос юзасига ёпишиш мустаҳкамлиги, МПа	0,45-0,50	0,50-0,55	≥ 0,30
Иссиқлик ўтказувчанлиги, Вт/м·К	0,25	0,45	-
Махсус қопланиб қадокланган маҳсулот кафолатли сақланиш муддати, ой	6	6	6

\***Изоҳ:** Хардроск штукатуркасининг сиқилиши ва эгилишидаги мустаҳкамлик чегаралари ноаниқлиги ишлатиладиган гипс таркибидаги қумнинг миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Сувоқ учун қоришмалар иссиқлик изоляцион кўрсаткичларини яхшилаш учун ғоваклар ҳосил қилувчи бир қатор маҳаллий органик қўшимчаларлар танлаб олинди ва уларнинг таъсири ўрганилди.

Булар маҳаллий ёғоч қириндилари ва бир йиллик дала ўсимликлари: буғдой сомони, ғўза пояси қипиқлари бўлиб, ҳар йили мунтазам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқиндилари сифатида пайдо бўлувчи иккиламчи хом ашёдир. Барча танлаб олинган чиқиндилар қайта тикланувчи хом-ашлар турига киради. Уларни керакли даражада майдалаб олишда махсус кормодробилка КДУ-20 маркали майдалагичдан фойдаланилди [5, 6].

Ёғоч ва унга ўхшаш маҳсулотлар қуриган

ҳолатда наноўлчамли ғовакликларга эга маҳсулотлар бўлиб, иссиқлик ўтказиш хусусиятлари жуда паст даражада, улар термоизолятор вазибаларини бажара олади. Органик ўсимликлар чиқиндилари: дарахтлар ва бир йиллик ўсимликлар қуритилган қипиқларнинг ўртача кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган [3].

2-жадвал

Ўсимликлар қипиқларнинг ўртача кимёвий таркиблари, %

Маҳсулот номи	Целлюлоза $C_6H_{10}O_5$	Лигнин $C_{14}H_{40}O_{16}$	Пентозан $C_5H_8O_4$	Ўсимлик елими	Кул
дарахт танаси	44,2	24,2	19,1	1,1	2,31
илдиз ва шохлари	41,5	22,1	14,2	1,8	10,8
ўсимлик поялари	34,7	25,9	15,6	3,1	6,8

Таҷрибалар бино ва иншоотлар иссиқлик изоляцияловчи ишларида фойдаланиш учун пардозлаш сувоқ қоришмалари оптимал таркибини топиш мақсадида давом эттирилди.

Таркибдаги боғловчи сифатидаги Г5 гипси ҳажмий массаси миқдорларини камайтириш ҳисобига иссиқлик изоляцияловчи хоссаларни намоён қилувчи терак қипиғи, сомон ва ғўзапояларни майдаланган қириндиларидан боғловчи массасига нисбатан: 2%, 5%, 10% ҳисобида майдаланган ҳолда олинди. Майдаланган целлюлоза маҳсулотларининг донаторлик таркиби қуйида 3-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотланаётган таркибларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари

Т/р	Қўшимчаларнинг турлари	Қўшимча миқдори, %	ҚҚҚ ҳажмий оғирлиги, $кг/м^3$	ҚҚҚ намлиги, %	Лаборатория шароитида таркибларнинг мустаҳкамлик чегаралари, МПа					
					Сиқилишда			Эгилишда		
					7 кун	14 кун	28 кун	7 кун	14 кун	28 кун
1	Терак қипиғи	2	924	2,2	7,66	8,44	8,89	3,59	3,79	3,99
		5	902		7,81	8,24	8,68	3,42	3,61	3,81
		10	875		4,51	4,95	5,39	2,97	3,17	3,37
2	Сомон қипиғи	2	926	2,1	7,1	7,58	7,98	3,64	3,84	4,05
		5	900		5,52	5,83	6,14	3,21	3,39	3,57
		10	877		4,86	4,99	5,30	2,65	2,83	3,01
3	Ғўзапоя қипиғи	2	929	2,2	9,16	9,67	10,2	2,64	2,79	2,94
		5	911		7,84	8,28	8,72	3,22	3,40	3,58
		10	889		4,88	5,15	5,43	2,82	2,98	3,14
4	Hardrock	0	980	2	6,97	6,97	7,00	2,54	2,54	2,68
5	Rotband	0	930	2	4,67	4,67	4,70	2,36	2,36	2,50

Жадвалда келтирилган таркибларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткич - 929  $кг/м^3$  бўлган 2% - ли ғўзапоя қипиғи солинган намуна бўлиб, 28 кунлик қиймати 10,2 МПа ни ташкил қилмоқда. Аммо бундай юқори мустаҳкамлик қоришмалари ГОСТ 31377-2008: "Смеси сухие строи-

3-жадвал  
Органик чикитларни  
кипиқларнинг донаторлик таркиби

Элак кўзи ўлчамлари, мм	Қолган қолдиқ, %	Майдаланган қипиқларнинг йириклик даржасига кўра тақсимланиши, %
5	0,48	29,5 % - қайта майдаланган йирик, дағал қисми
2,5	4,19	
1,25	24,79	
0,63	23,73	60,5 % таркиб тайёрлашда фойдаланиладиган ишчи қисми
0,315	19,07	
0,16	17,67	
0	10,07	чикинди қисми
Жами	100	

Ушбу органик чикиндиларни майдалашдан сўнг ҳосил бўлган қипиқларнинг ҳажмий оғирликлари:

Терак асосидаги қипиқлар, намлиги 7,7% бўлганда - 135  $кг/м^3$ .

Сомон асосидаги қипиқлар, намлиги 3,5% бўлганда - 135  $кг/м^3$ .

Ғўзапоя асосидаги қипиқлар, намлиги 7,1% бўлганда - 203  $кг/м^3$  қийматларда эканлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган натижалардан аниқланишича майдаланган қипиқларнинг сувоқ қоришмалари таркибида фойдаланиладиган қисми 0,16 - 1,25 мм ўлчамлар оралиғида бўлиб, жами миқдорнинг 60,5% қисмини ташкил этади.

Сувоқ таркиблари асосий физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

тельные штукатурные на гипсовым вяжущем" бўйича бу кўрсаткичнинг 2,0 МПа дан паст бўлмаслиги талаб этилади. Бу боғловчи миқдорини камайтириш ва органик қўшимчаларни қўшиш ҳисобига амалга оширилганда икки мақсад кўзланади.

Биринчидан - мустаҳкамликни керакли

микдори саклаб қолган ҳолда боғловчини, яъни гипсни маълум қисмини кипик билан алмаштириш сувоқ учун мўлжалланаётган курук қурилиш қоришмаси таркибини ҳажмий оғирлигини енгиллаштиради, бу эса табиийки иссиқлик ва товуш ўтказувчанлик коэффициентларини яхшилаш имкониятини беради.

Иккинчидан керагидан ортиқ мустаҳкамликни берадиган нисбатан қимматроқ бўлган маҳсулот сифатидаги гипснинг маълум қисмини, баъзи ҳолларда 10% гача, иқтисод қилиш имконияти яратилади.

Оптималь таркибли намуналарнинг структураларини текшириш натижасида кипикларнинг текис таралган ғовакли структураларни юзага келтириганлигини кузатилади. Бундай структуралар бино ичидаги сувоқ қатламларининг зич структурага эга таркибли сувоқларга нисбатан яхшироқ нафас олувчи санитар-гигиеник қатламнинг яратиш имконини беради.



3-расм. Ўсимлик ва ёғоч кипикларининг гипсли намуналар ички структураси кўринишлари. 1 - оддий кўшимчасиз штукатурка; 2 - ғўзапоя кипиклари қоришма массасига нисбатан 5%; 3 - терак кипиклари қоришма массасига нисбатан 5%; 4 - сомон кипиклари қоришма массасига нисбатан 5%; 5 - ғўзапоя кипиклари қоришма массасига нисбатан 10%.

Юқорида келтирилган нуқтари назардан келиб чиқиб, қурилиш-техник хоссалари бўйича оптимал деб танлаб олинган ғўзапоя кипиклари 5% микдорда қўшилган таркибларнинг турли қалинликлар бўйича иссиқлик изоляция хусусиятлари текширилди. Булар ГОСТ 7076-99: “Материалы и изделия строительные”, “Метод определения теплопроводности и термического сопротивления при стационарном тепловом режиме” талаблари асосида намуналарнинг иссиқлик ўтказувчанликлари ИТС-1 “150” ускунасида амалга оширилди. Олинган натижалар кўйидаги 5-жадвалда келтирилган.

3-расмда ёғоч кипикли намуналарнинг кў-

шимчалар микдори микдори ошиб бориши билан маҳсулот сирти умумий кўринишида сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Аммо, бу штукатурка маҳсулотлари учун принципаал характерга эга эмас.

5-жадвал

Ўрганилаётган таркибли намуналарнинг қалинлигига боғлиқ ҳолда иссиқлик ўтказувчанлик кўрсаткичлари

Маҳсулотлар номланиши	Кўшимча микдори, %	Сурилиш қалинлиги, мм	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/м·К*
Терак кипиғли таркиблар	5	10	0,2590
		20	0,3131
		30	0,3672
Сомон кипиғли таркиблар	5	10	0,2515
		20	0,3088
		30	0,3661
Ўзапоя кипиғли таркиблар	5	10	0,2580
		20	0,3150
		30	0,3726
Таққосланаётган “Hardrock” таркиби	0	10	0,4512
		20	0,5085
		30	0,5658
Таққосланаётган “Rotband” таркиби	0	10	0,2580
		20	0,3342
		30	0,3915

\*Изоҳ: Намуналар таркибда 1% сув намлиги бўлган ҳолатда текширилган.

Олинган натижалар кўра маҳсулотларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти кипикнинг келиб чиқиш тури, яъни қандай органик ўсимлик турини кўшиш эмас, балки кўшиладиган кипикларнинг ўлчамлари ва таркибдаги микдори ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Қатламлар қалинлиги ошиб борган сари уларнинг иссиқлик ўтказувчанлик қийматлари пропорционал тарзда ошиб бормоқда. Таркибларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти бўйича энг кичик қийматлар 10 мм қалинликдаги намуналарда эга бўлмоқда. Бу хусусият барча таркибларда кузатилди.

Ўрганилаётган иссиқлик ўтказувчанлик хоссаларини такоимиллаштирувчи ёғоч кипикли кўшимчали таркиблар бренд таркиблар билан маҳсулотлари билан таққосланганда, тақлиф қилинаётган таркибларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти уларга нисбатан анча юқори эканлиги кузатилмоқда. Масалан 10 мм қалинликдаги 5% - ли ғўзапоя кипиғлари қўшилган таркибнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,2580 Вт/м·К, терак кипиғли таркибники 0,2590 Вт/м·К, сомон кипиғли таркибники 0,2515 Вт/м·К бўлган ўзаро яқин кўрсаткичларга эга бўлса, худди шундай қалин-

ликдаги таққосланаётган “Hardrock” таркиби намунасининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини 0,45 Вт/м·К, “Rotband” таркибли намунасининг кўрсаткичлари эса 0,2580 Вт/м·К ни ташкил қилмоқда. “Rotband” таркибли намунасининг юқори иссиқлик кўрсаткичлари ундаги енгил тўлдирувчи – перлитнинг мавжудлиги ҳисобига эканлиги билан изоҳланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маҳаллий хом-ашё ва органик чиқиндилар - мунтазам қайта тикланувчи қишлоқ хўжалиги ўсимликлари чиқиндиларидан фойдаланиб сифат даражаси ва қурилиш техник кўрсаткичлари самарали бўлган сувоқ учун қўлланиладиган қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш мукинлиги аниқланди. Ушбу тақлиф қилинаётган енгил қўшимчали таркибларнинг иссиқлик ўтказувчанлик кўрсаткичлари таққосланган бренд маҳсулотларга нисбатан 1,5 - 2 баробаргача самаралироқ эканлиги ўтказилган тадқиқотларида исботланди ва уларни бино, иншоотларнинг ички пардоз сувоқларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги 4335 - сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
2. Межгосударственный стандарт ГОСТ31189-2015: “Смеси сухие строительные”, М., Стандартинформ, 2015г.
3. Тулаганов А.А. Местная сырьевая база строительных материалов: ўқув қўлланма, Ташкент, 2014, 74-84 бетлар.
4. Парикова Е.В. Сухие строительные смеси: учебное пособие. Новосибирск, 2010, 80-100 бетлар.
5. Исакулов Б.Р. Получение высокопрочных арболитобетонов на основе композиционных шлакощелочных и серосодержащих вяжущих : диссертация на соис. уч. степ. доктора технических наук. Иванова, 2015 г.
6. Камилов Х.Х. Экспериментально-теоретические основы высокопористых композиций на безобжиговых щелочных вяжущих: автореф. дисс. на соис. уч. степ. доктора технических наук. Тошкент, 2020, 12 б.
### Математическая форма использования солнечной энергии при приготовлении горячей воды.

В статье рассматриваются текущие и перспективы развития горячего водоснабжения с использованием солнечной энергии и предложения по способу приготовления горячей воды с использованием солнечной энергии. Разработанная в связи с этим технология предусматривает, что при проектировании зданий учитываются климатические условия места строительства, материалы, используемые для горячего водоснабжения с солнечными коллекторами. Новости, недостатки и предложения в этой области представлены в статье.

**Ключевые слова:** солнечный коллектор, солнечная батарея, ёмкость горячей воды, датчик температуры, смеситель горячей и холодной воды, дополнительное реле, обратный клапан, система подачи воды

### The mathematical form of the use of solar energy in the preparation of hot water.

The article discusses the current and future prospects for the development of hot water supply using solar energy and proposals for a method for preparing hot water using solar energy. The technology developed in this regard provides that the design of buildings takes into account the climatic conditions of the construction site, the materials used for hot water supply with solar collectors. News, shortcomings and suggestions in this area are presented in the article.

**Key words:** solar collector, solar cell, hot water capacity, temperature gauge, hot water and cold water mixer, additional relay, reverse valve, water supply system.

Илм-фан тараккиёти қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илғор усулларни такдим этмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган қурилиш технологиялари биноларни лойиҳалаштиришда бино барпо этиладиган жойнинг иқлим шароити, фойдаланиладиган қурилиш материаллари ҳисобга олинишини назарда тутди. Бу қурилиш ниҳоясига етгач, бинони ёритиш, иситиш ёки совутиш учун қуёш энергиясидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш зарур. Мана, ўн йилдан кўп вақтдан буён мамлакатимиз олимларининг илмий ишланмалари асосида қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар негизида ўй-жой ва ижтимоий объектларни иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш тизими ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа ҳудудларда сувни иситиб берадиган гелиоқурилмалар


ўрнатилган.

1-расмда келтирилган бу лойиҳа асосида юртимизда қуриладиган намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар ва бир қаватли турар-жойларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимларида фойдаланишга мўлжаллаган.

**Афзаллиги:** Иссиқ сув тайёрлашда қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда, анъанавий иссиқлик манбаларидан фойдаланмасдан туриб экологик шароитни яхшилайдиган. Намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар ва бир қаватли турар-жойларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимларида фойдаланишга мўлжаллаган.

Қуёш энергиясидан фойдаланиб иссиқ сув тайёрлаш усулига таклиф.

Қуёш коллекторли иссиқ сув таъминоти қурилмалари билан жиҳозланган 48 квартиралар турар жой биносини ҳисоби.



1-расм. 1-Куёш каллектори; 2-Куёш батареяси; 3-иссиқ сув сиғими; 4-ҳарорат ўлчагич; 5-электр токиниўлчагич; 6-электр аккумулятори; 7-иссиқ сув ва совуқ сувни аралаштиргич; 8-1-1/2 К-6 русумли насос; 9-қўшимча реле; 10- совуқ сув сиғими; 11-тескари клапин; 12-сув етказувчи тизим.

**Қўйдагилар берилган:**

Курилишжойи- Самарқанд шаҳри  $\varphi = 45^{\circ}$  с.ш.); Дублёр манбаи  $\eta_{ном} = 0,7$ . Совуқ сувнинг температураси  $t_{w1} = 15^{\circ}C$ ; Иссиқ сувнинг температураси  $t_{w2} = 50^{\circ}C$ .

Куёш иссиқ сув таъминоти қурилмаларнинг магистрал қувурлар ётқизилганда иссиқлик ташувчиси табиий циркуляцияли қурилмалар учун 0.01 дан кам бўлмаган қияликни кўзда тутилган.

Куёш коллекторларини улаш қувурчаларни қалинлигини бутун узунлиги бўйча 5-10м м қабул қилинди.

Куёш коллектори иссиқ сув таъминоти қурилмалари лойиҳалаштирилганда куёш коллекторининг ойналарини ювиш имкониятлари кўзда тутилган. Ҳисоб китоб (ҚМҚ2.04.16.96 ) $G=1.7500$  л/сут (ҳисоб 3-5 кишилиқ хонадонларга 100л/киши бир кеча-кундуз деб олинган). Бу ерда -G-иссиқ сув таъминоти тизимида иссиқ сувини суткалик сарфи, кг/сутка ҚМҚ 2.04.01-96 бўйича қабул қилинди.

$q_i$  коллектор текислигига тўшаётган радиациясининг интензивлиги қўйдаги формула билан аниқланади.

$$q_i = P_s I_s + P_D I_D, \quad (1)$$

бу ерда:  $I_s$  - горизонтал юзага тушаётган тўғри куёш радиациясининг интензивлиги,  $BT/m^2$ .

Тўғри радиация учун куёш коллектори ҳолатининг коэффициентлари  $P_s$  – ни 3-сон иловадан олинади (ҚМҚ 2.04.16-96)  $b=45^{\circ}-15^{\circ}=30^{\circ}$ .

Жадвалда июл ойи учун  $30^{\circ}C$  да 1.04 га тенг .

$I_D$  -горизонтал юзага тушаётган тарқок куёш радиациясининг интензивлиги,  $BT/m^2$

$P_s P_D$  – Тўғри ва тарқок радиацияси учун мос равишда куёш коллектори ҳолатининг коэффициентлари.

Тарқок радиацияси учун куёш коллектори ҳолатининг коэффициенти

$P_D$  – ни қўйдаги формула билан аниқланади.  $b=45^{\circ}-15^{\circ}=30^{\circ}$

$$P_D = \cos^2 b / 2, \quad (2)$$

бу ерда-куёш коллекторининг горизонталга нисбатан қиялик бўрчаги;

$$P_D = \cos^2 b / 2 = \cos^2 \frac{30^{\circ}}{2} = 0.93 .$$

Тўғри радиация оқими актинометр ёрдамида, йиғинди радиация миқдори эса пиранометр ёрдамида ўлчанади. Соатлар бўйича апрел-октабр ойлари учун  $q_i$  йиғиндисини аниқлаймиз.

Ҳисоблаш параметрлари  $J_D, J_s$  ва  $P_D$  қўйдаги 1-жадвалга келтирилган.

1-жадвал

Соат	8-9	9-10	10-11	11-12	12-13	13-14	14-15	15-16	16-17
$J_s, BT/m^2$	277	399	492	550	573	562	504	446	341
$J_D, BT/m^2$	138	167	191	214	214	225	214	202	167
$q_i, BT/m^2$	406	566	678	766	791	790	720	650	509
$t_{ei}, ^{\circ}C$	26	27.5	27.9	29.2	20.1	31.2	30.2	29.2	27.1

$q_i$  коллектор текислигига тўшаётган радиациясининг интензивлиги  $\sum_i q_i = 5876 BT.c / m$

ўртача температураси  $t_e = 28.7^{\circ}C$ , бу ерда  $q_i$ -коллектор текислигидаги тушаётган куёш радиациясининг интензивлиги  $BT/m^2$ ; (жанубий ориентацияли куёш коллекторлари учун соат 8 дан 17 гача интервалида 3-сон илова бўйича аниқланади. Жанубдан шарққа ёки ғарбга оғанда ҳар  $15^{\circ}$  га вақт интервали 1 соат олдин ёки кейин бошланади.)

Қурилманинг фойдалиш коэффициенти қўйдаги формула бўйича аниқланади

$$\eta = 0.8 \left[ \theta - \frac{9U[0.5(t_1 + t_2)] - t_e}{\sum_i q_i} \right], \quad (3)$$

бу ерда  $U$ - куёш коллекторнинг келтирилган иссиқлик йўқолиши коэффициенти  $BT/(m^2K)$ ;

(Агар коллекторнинг паспот маълумотларида берилган бўлмаса бир ойнали коллекторлар учун  $8 BT/(m^2K)$  ва икки ойнали коллекторлар учун  $5 BT/(m^2K)$  деб қабул қилиш мумкин).

$\theta$  - коллекторнинг келтирилган оптик тавсифномаси; (Коллекторнинг паспот маълумотларида берилган бўлмаса бир ойнали коллекторлар учун 0.73 ва икки ойнали коллекторлар учун 0.63 деб қабул қилиш мумкин.)

$t_1, t_2$ - куёш коллекторнинг киришдаги ва

чиқишдаги иссиқлик ташувчисининг ҳарорати, °C. Чиқишдаги  $t_2$  кўйдаги формула бўйича аниқланади.

$$t_2 = t_{w2} + 5^0 \text{C}, \quad (4)$$

Бу ерда  $t_{w2}$ -иссиқ сувнинг талаб этилган ҳарорати. Киришдаги ҳарорат  $t_1$  кўйдаги формула бўйича аниқланади

$$t_1 = t_{w1} + 5^0 \text{C}, \quad (5)$$

Бу ерда  $t_{w1}$ - совуқ сувнинг талаб этилган ҳарорати;

$$\eta = 0.8 \left[ 0.73 - \frac{9X8[0.5(50+15)] - 28.7}{5876} \right] = 0.48.$$

Дублёрли қурилмаларда қуёш нурини ютиш юзаси майдони  $A_m^2$  кўйдаги формула бўйича аниқланиши лозим.

$$A = \frac{1.16G(t_{w2} - t_{w1})}{\eta \sum_i q_i} \text{ м}^2 \quad (6)$$

Бу ерда  $q_i$ - коллектор текислигидаги тушаётган қуёш радиациясининг интенсивлиги,  $\text{Вт}/\text{м}^2$ ; (жанубий ориентацияли қуёш коллекторлари учун соат 8 дан 17 гача интервалида 3-сон илова бўйича аниқланади. Жанубдан шарққа ёки ғарбга оғанда ҳар 15<sup>0</sup>га вақт интервали 1 соат олдин ёки кейин бошланади)

$$A = \frac{1.16G(t_{w2} - t_{w1})}{\eta \sum_i q_i} =$$

УЎТ: 632.529.

## НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ АВАНКАМЕРАСИДА СУВ УЮРМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Холбутаев Бойбек Тоштемир ўғли – ассистент, Жиззах политехника институти

Насос ишчи паррақларининг ва насос ғилофининг носоз ҳолатга келиши асосан уларнинг кавитация жараёни таъсирида ишлаши натижасида содир бўлади. Кавитация жараёни пастки бьефда сув сатҳининг тушиб кетиши натижасида сув уюрмаларининг ҳосил бўлиши сабабли келиб чиқади. Пастки бьефда сув сатҳининг тушиб кетиш ҳолатлари асосан бош насос станцияларида содир бўлади. Олиб борилган тадқиқот ва кузатув ишларининг натижасида бундай ҳолатда насос станцияси тўлиқ қувват билан ишлаган вақтда пастки бьефда сув юзасида уюрмаларнинг ҳосил бўлиши туфайли насос қурилмаларининг кавитацион режимда ишлашига олиб келиши аниқланди. Насос станциясида олиб борилган кузатув тадқиқотларининг кўрсатишича, аванкамерада сув уюрмалари сув тақсимловчи иншоот деворигача 1,7...2,2 м масофада ҳосил бўлиши 40 % ни, 1,0...1,7 м масофада ҳосил бўлиши 50 % ни ва 1,0 м масофагача бўлган ораликда ҳосил бўлиши 10-15 % ни ташкил қилиши аниқланди. Аванкамерада сув уюрмаларини ҳосил бўлишининг олдини олиш учун қўлланилаётган қурилмалар таҳлили уларни такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлигини кўрсатди.

**Калит сўзлари:** насос агрегати; насос қурилмаси; аванкамерадаги сув сатҳи; сўриш қувири; сув уюрма; сувнинг ҳаракатланиш йўналиши; кавитация; сув уюрмаларининг сув сарфига боғлиқлиги.

### Результаты исследования водоворотов в аванкамере насосных станций.

Выход из строя рабочих колес насоса и корпуса насоса в основном связан с их работой под воздействием процесса кавитации. Процесс кавитации вызывается образованием водяных вихри в результате падения уровня воды в нижнем бассейне. Случаи понижения уровня воды в нижнем бассейне происходят в основном на главных насосных станциях. В результате исследований и мониторинга было установлено, что в таком случае, когда насосная станция работает на полную мощность, образование насосных устройств в режиме

кавитации из-за образования неровностей на поверхности воды в нижнем заливе. Наблюдательные исследования на насосной станции показали, что образование вихря воды в аванкаме на расстоянии 1,7 ... 2,2 м от стены водораспределительного сооружения составляет 40%, образование на расстоянии 1,0 ... 1,7 м - 50% и 1, на расстоянии 0 м пласт составил 10-15%. Анализ устройств, используемых в авангарде для предотвращения образования водяных сгустков, показал, что для их улучшения необходимы научные исследования.

**Ключевые слова:** насосный агрегат; насосное устройство; уровень воды в авангарде; всасывающая труба; загрязнение воды; направление движения воды; кавитация; зависимость расхода воды от расхода воды.

### The results of research of whirlpools in avanchamber of pumping stations


The failure of the pump impellers and the pump casing is mainly due to their operation under the influence of the cavitation process. The cavitation process is caused by the formation of water swells as a result of a drop in the water level in the lower basin. Cases of water level drop in the lower basin occur mainly at main pumping stations. As a result of research and monitoring, it was found that in such a case, when the pump station is operating at full capacity, the formation of pumping devices in the cavitation mode due to the formation of bumps on the water surface in the lower bay. Observational studies at the pumping station showed that the formation of a water vortex in the forecourt at a distance of 1.7 ... 2.2 m from the wall of the water distribution structure was 40%, formation at a distance of 1.0 ... 1.7 m was 50 %, and 1, at a distance of 0 m, and the formation was 10-15%. An analysis of the devices used in the vanguard to prevent water clots has shown that scientific research is needed to improve them.

**Key words:** pumping unit; pumping device; water level at the forefront; suction pipeline; water pollution; direction of water movement; cavitation; dependence of water consumption on water consumption.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясида сув хўжалиги насос станцияларининг энергия самардорлигини ошириш ва фойдаланиш харажатларни камайтириш, шунингдек, насосларнинг фойдали иш коэффициентини оширишни таъминлаш вазифалари қўйилган [1]. Насос станцияси аванкамерасида энг кам сув сарфида ҳам насос агрегатларида кавитация ҳосил бўлишига йўл қўймайдиган сув сатҳи билан таъминланганда насос агрегатлари лойихада белгиланган сув сарфини керакли баландлиққа чиқариш ишончлилиги ва энергия самардорлиги юқори бўлади. Насоснинг элементларидаги оқимнинг бирор нуқтасидаги босим миқдори суюқликнинг тўйинган буғлари (эластиклик) босими даражасига пасайиб кетишини натижасида пуфакчалар ҳосил бўлиши жараёнига **кавитация ходисаси** дейилади. Сув босим миқдори ортиб борган зоналарга ўтганда бу пуфакчаларга бўлган таъсир натижасида уларнинг ёрилиши содир бўлиб, портлашлар оқибатида насоснинг деталлари юзасини емиради, ҳамда унинг иш кўрсаткичларини ( $Q$ ,  $H$ ,  $\eta$ ) пасайишига сабаб бўлади. Кавитациянинг янада кучли ривожланиши эса насоснинг иш тартибини умуман бузилишига ва сўрувчи қувурда, насос агрегати корпусида шовқин ва гидравлик зарба ҳосил қилади, таянч қисмларда тебраниш ёки бошқа салбий жараёнларни келтириб чиқаради [2,4,5]. Насос агрегатларининг кавитацион режимда ишлашига, насос станциялари аванкамерасида сув сатҳининг тушиб кетиши натижасида сув уюмалари ҳосил бўлиб, сўрувчи қувурларга сув билан бирга ҳавонинг сўрилиши сабаб бўлади.

Насос станциялари аванкамераларида сув уюмалари асосан сувни сўриш жараёнида сўрувчи қувурлар олдида пайдо бўлади ва насос агрегати томон ҳаракат қилади (**1-расм**).

Сўрувчи қувур орқали сўрилаётган сув билан бирга кириб келаган ҳаво насос ишчи ғилдирагига етиб бориб, сув тезлиги ва босими ўзгариши ҳисобига ёрилишлари натижасида юзалари емирилиб, уларни ишдан чиқишига олиб келади [5,6].



**1-расм.** Сув уюмаларининг пастки (а) ва сўрувчи қувур томон (б) оқим ҳаракати. ( $h$ -сув уюмаси чуқурлиги,  $D$ -сув уюмасининг пайдо бўлиш диаметри ва радиуси ( $R_0$ ),  $R$ -сув уюмасининг сўрувчи қувурга кириш қисмидаги радиуси, **1,2,3,4**- сув уюмасининг дастлабки ва кейинги ҳолатлардаги ўлчамлари кўриниши)

Жиззах насос станциясида олиб борилган тажриба кузатув ишлари натижасида маълум бўлдики, насос станциясига канал орқали берилаётган сув сарфи тез ўзгарувчан бўлиб, айрим ҳолатларда аванкамерага насос агрегатларига етарли миқдорда сув сарфи кириб келмайди. Насос станцияси меъёрий режимда ишлаши учун пастки бьефда сув сатҳи 6,5 м бўлишини таъминлаш лозим. 2020 йил май-июль ойларида насос станциясидан олинган маълумотлар аванкамерада сув сатҳининг ўртача 4,83 м. гача тушиб кетишини кўрсатди. Тажрибалар олиб борилган даврда насос станциясида ишлаётган

насос агрегатларининг сони 3 та бўлиб, ( 2 таси  $Q = 25 \text{ м}^3/\text{с}$ , 1 таси  $Q = 10 \text{ м}^3/\text{с}$ ), аванкамерадаги сув сатҳи 4,70 м. ни ташкил этган. Шунинг учун насос қурилмалари сўриш қувурлари олдида сув уюрмалари ҳосил бўлган шароитда ишлаб сув билан бирга маълум миқдорда ҳавони сўриб олиб кириб кетиши кузатилди (2-расм).



2-расм. Сўрувчи қувурларга сув тақсимловчи иншооти олдида сув уюрмасининг ҳосил бўлиши.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қилинган хулосаларда сўрувчи қувурлар олдида сув уюрмасининг ҳосил бўлиши ва уларнинг таъсирида содир бўладиган кавитацион жараён натижасида насос ишчи паррақларининг ишдан чиқиши 22% га ошиши аниқланган [3;4;5]. Ҳозирги вақтгача олиб борилган илмий тадқиқот ишларида насос қурилмалари сўрувчи қувурлари олдида сув уюрмаларини ҳосил бўлишини олдини олиш учун бир неча турдаги мослама ва қурилмалар тақлиф этилган. Тақлиф этилган қурилмаларни айниқса сув сарфи юқори бўлган насос станциясида қўллаш натижасида, сувнинг ҳаракатланиш йўналишида суъний тўсиқ ҳосил бўлиб, қаршилиқлар ошиб кетиши, баъзи бир ҳолатларда мосламани сўрувчи қувурларга кириб кетиши ҳолатлари учраган [6;7;8;9]. Аванкамеранинг насос агрегатларига сув етказиб берадиган маҳсус сув бўлиш иншоотлари билан оралиқларга бўлинган бўлиб, ҳар бир оралиқнинг кенглиги 4 метрни ташкил қилади. Сув уюрмаларининг сув тақсимловчи иншоот деворигача бўлган 1,7...2,2 м масофада ҳосил бўлиши 40 % ни, 1,0...1,7 м масофада ҳосил бўлиши 50 % ни ва 1,0 м масофагача бўлган оралиқда ҳосил бўлиши 10-15 % ни ташкил қилиши аниқланди.

Сув уюрмаларнинг пайдо бўлиш вақт оралиқлари сув сатҳига ва ишлаётган насос агрегатларининг сонига боғлиқ бўлиб, сув сатҳи 6,5...5,5 м. га тенг бўлганда ўртача 3-4 мин. да; 5,5...5,0 м бўлганда 2-3 мин. да бир марта пайдо бўлди. Бу маълумотлар насос станциясидаги бир вақтда ишлаётган насос агрегатларининг сонига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

Ҳозирги вақтда насос станциясининг аванкамерасида сув узатиш вақтида сўрувчи қувур-

лар олдида сув уюрмаларини ҳосил бўлишини олдини олиш учун турли хилдаги қурилма ва маҳаллий мосламалардан фойдаланилмоқда. Мазкур насос станция ишчи ходимлари томонидан полимер сув идишларидан фойдаланилиб, идишнинг 1/3 қисмига сув тўлдириб, маҳсус ипга осилади. Айланма ҳаракат натижасида идиш ҳам айланиб, осилган ипда узилиш ҳоллари кўп учрайди. Бу усул билан сўрувчи қувурларга сўриладиган ҳаво миқдорини қисман қамайтиришга эришилмоқда. Бу қурилмаларнинг иш жараёни таҳлил қилинганда уларнинг сув уюрмаларни тўлиқ бартараф эта олмасликлари аниқланди [9]. Сув уюрмалари одатда насос станцияси иш учун бартараф этиш учун ҳозирги вақтда турли хил техник ва амалий ечимлардан фойдаланилмоқда. Насос станцияси аванкамерасида сўрувчи қувурлар сув сўрувчи қисмининг сув юзасида пайдо бўлаётган сув уюрмаларини бартараф этиш, насос агрегатларининг кавитацион режимда ишлашининг олдини олиш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жуда долзарб ва муҳим масала ҳисобланади.

**Хулосалар.** Мақолада насос қурилмаси ишчи ғилдирақларининг ишдан чиқишига уларнинг бири кавитацион режимда ишлаши натижасида содир бўлади. Кавитацион режим аванкамерадаги сув сатҳининг меъеридан пастга тушиб кетиши ва сўрувчи қувурларга сув билан бирга ҳавонинг кириб бориши ҳамда уларнинг ҳаракатланиши даврида ёрилиши насос ишчи паррақлари юзасига катта куч билан таъсир этиб емиришига олиб келади. Олиб борилган кузатув ва тажриба ишларининг натижасида сув уюрмаларининг ҳосил бўлиш ҳолатлари аниқланди, уларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллар таҳлил қилинди.

Насос станциясида олиб борилган кузатув тадқиқотларнинг кўрсатишича, аванкамерада сув уюрмалари сув тақсимловчи иншоот деворигача 1,7...2,2 м масофада ҳосил бўлиши 40 % ни, 1,0...1,7 м масофада ҳосил бўлиши 50 % ни ва 1,0 м масофагача бўлган оралиқда ҳосил бўлиши 10-15 % ни ташкил қилиши аниқланди.

Насос станцияси аванкамерасида сўрувчи қувурлар сув сўрувчи қисмининг сув юзасида пайдо бўлаётган сув уюрмаларини бартараф этиш, насос агрегатларининг кавитацион режимда ишлашининг олдини олиш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жуда долзарб ва муҳим масала ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 10 июлдаги №ПФ6024 “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Тошкент 2020 й.

2. Гловацкий О.Я., Эргашев Р.Р. Некоторые результаты исследований гидродинамики направляющих систем. // *Ўзбекистон журналі. «Механика муаммолари» журналі*. – Тошкент, 2008. – № 2-3. Б. 57-60

3. Эргашев Р.Р., Холбўтаев Б. Канал-насос станцияси тизимида сувнинг текис харакатини таъминлаш муаммолари // *“Суғорма деҳқончиликда сув ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг экологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий- амалий анжумани*. Тошкент -2017. Б.321-324

4. Токарев В.Е. Истечение жидкостей из емкости с образованием воронки. *Известия высших учебных заведений. Серия "Авиационная техника"*. 1967, №3, с89

5. Штарев А. А. Экспериментальное исследование расхода при нестационарном истечении жидкости из заполненной ёмкости // *Изв. РАН. МЖГ*. 2004.

№6.

6. Glovatskiy O.Ya., Ergashev R.R., “Development of new criteria for the quality of pumped water on the systems of water-lifting,” *“Agro Ilm” Agric. House Uzb.*, pp. 36–37, 2008.

7. Зуйков А. Л. Повышение турбулентности циркуляционных течений. *Вестник МГСУ*. М., 2009, 2, 80-85.

8. Холбўтаев Б.Т., Хусанбоева Х.С. “Аванкамерадаги сув уюмларининг насос курил-масига таъсири”. *Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси* 4/2 (78) декабр 2019. 290 б.

9. Гловацкий О.Я., Эргашев Р.Р., Холбўтаев Б.Т., Азизов О.Р., Сапаров А.Б. Новый метод расчета спирального отвода горизонтальных центробежных насосов. *Ирригация ва мелиорация*. Махсус сон. 2019 йил. 37-42 б.

## ЌУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ АТРОФ МУЊИТГА ТАЪСИРИНИ БАЊОЛАШ

**Мусаев Шароф Мамаражабович** – катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада қурилиш материаллари корхоналаридан чиқадиغان чиқиндиларни атроф муҳитга таъсири баҳолаш бўйича қатор маълумотлар берилган. Ҳар бир ишлаб чиқариш цехларидаги атроф муҳитни зарарловчи чиқиндилар кўрсатиб ўтилган. Мақолада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехларининг атроф муҳитга таъсири, уни бартараф этишга қаратилган ускуналар тўғрисидаги маълумотлар берилган.

В данной статье представлена информация об оценке воздействия на окружающую среду отходов предприятий стройматериалов. Перечислены загрязнители окружающей среды с каждого завода. В статье приведены сведения о воздействии цехов производства строительных материалов на окружающую среду и оборудования для его устранения.

This article provides information on the environmental impact assessment of waste from building materials enterprises. Environmental pollutants from each plant are listed. The article provides information on the impact of workshops for the production of building materials on the environment and equipment for its elimination.

**Микрокальцит ишлаб чиқариш цехи.** Цехда микрокальцит ишлаб чиқариш учун бошланғич махсулот “Самарқанд мрамор” корхонаси ҳамда Ургут туманидаги “Қизил Бош” мрамор карьеридан шартнома асосида олинади. Цехда Туркиянинг “EGE AY Otomotiv Makina ins/ Turizm Nakl. San. Tic. LTD Sti” фирмасида ишлаб чиқилган ISO – 9001: 2000 халқаро стандартига жавоб берувчи майдаланган кальцит ишлаб чиқарувчи комплект ускунаси ўрнатилган.

Махсулот химиявий таркиби куйидагича:  $\text{CaCO}_3$  – 99,5%;  $\text{MgO}$  – 0,4%;  $\text{FeO}_3$  – 0,03 %;  $\text{SiO}_2$  – 0,01 %.

Юқори сифатли оқ майдаланган мрамордан (микрокальцит) кальций корбонатли кукун олинади. Микрокальцитдан кўп соҳаларда фойдаланилади:

- Корбонатни тўлдиришнинг бошқа турлари сифатида; курук қурилиш аралашмалари тайёрлашда; пластмасса ишлаб чиқаришда; линолеум ишлаб чиқаришда; қазилма аралашма ингридиенти сифатида; тоза абразив махсулот олишда; медицинада; озик-овқат саноатида; электротехника саноатида.

Ўтган ҳисобот йилида 25900 м<sup>3</sup> мрамор қайта ишланган, шундан 23050 м<sup>3</sup> микрокальцит ва 2850 м<sup>3</sup> курук аралашма олинган. Мраморни қайта ишлаш натижасида атмосферага ноорганик чанг ажралиб чиқади. Цехда 1 комплект электрофильтр ўрнатилган. Қолган манбаларда ҳосил бўлган ифлослантирувчи моддалар атмосферага ташкиллаштирилмаган ҳолда ташланади.

**Гипс ишлаб чиқариш цехи.** Гипс ишлаб чиқариш учун махсулот Нуробод туманидаги Нуссофт ва Бухоро вилояти Когон туманидаги Кончи карьерларидан олиб келинади. Гипснинг солиштирма оғирлиги 1,3 т/м<sup>3</sup> га тенг. Цехда 2 та ёпик омборхона мавжуд бўлиб, олиб келинган махсулот омборхоналарга тушади. Махсулот омборхонадан ортгич-туширгич механизми орқали қабул қилиш бункерига тўкилади. Махсулот таркибида 16 % доломит бўлиб, тебранма элак орқали ажратиб олинади. Қуввати 60 тн/соат, русуми Эткин-қирғич бўлган Туркиянинг майдалаш қурилмаси орқали гипс тошлар майда бўлақларга бўлинади. Майдаланган гипс тошлар элеватор орқали сифими 110 тонналик бункерга тушади. Кейин ўлчаш

тарозисига, тарозидан сизими 54,6 тонналик айлана печга печдан барабанга тушади. 510-700 °C ҳароратда пишади. Фан вакуум ускунаси ёрдамида тепада жойлашган 165 микронгача майдалайдиган тегирмонга тушади. Майдаланган гипс шнек орқали сепараторга тушади. Сепараторда гипс Г-7, Г-5 турларига ажратилади. Пастки тегирмон Г-5 ни 165 микронга майдалайди. Сепаратор орқали олинган маҳсулот Г-7 русумли гипс ҳисобланади. Пастки тегирмон орқали олинган маҳсулот Г-5 ҳисобланади. Г-5 таркибида 1,2-2 % гача кум бўлганлиги учун албастер ҳисобланади. Г-7 гипс 2 та сизими 93,258 тонналик идишга, Г-5 албастер 110,214 тонналик 2 та идишга тушади.

Цехнинг гипс ишлаб чиқариш лойиҳа қуввати 25 тонна соатига, 600 тонна/сутка. Цехга комплект тозалаш ускунаси – циклон ўрнатилган. Тозалаш ускунасининг қуввати 50 минг м<sup>3</sup>/соат, манба баландлиги 25 метр, кўндаланг кесими 0,56 м.

**Қурук аралашмалар цехи.** Цехда 7 хил турдаги қурук аралашмалар буюртмачилар талабига қараб ишлаб чиқилади. Қурук аралашмалар тайёрлаш учун Rotter химикати қўшилади. Ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар: сатин, фаянс, комфорт, экороттер ва бошқалар.

Цехга маҳсулот цементовоз транспорт воситаси ёрдамида олиб келиниб, вакуум узатиш шланги орқали идишларга тўкилади. Цехда 2 та бўлим бор. Ҳар бир бўлимда 4 тадан 60 тонналик сизимга эга бўлган идишлар мавжуд. Қабул қилинган маҳсулот дастлаб тарозига тарозидан миксерга тушади. Миксерда буюртмага қараб маҳсулот аралашмаси тайёрланади. Ҳар бир бўлимда 3 тадан миксер бор. 60 тонна суткасига, 1200 тонна ойига маҳсулот тайёрланади.

**Гранула цехи.** Қопламали микрокальцитни (гидрофобный) ҳолатда қайта ишлаб полипропилен ва химиявий реагентлар асосида полипропилен гранулasi чиқарилади. Асосий таркиби 80% микрокальцит, қолган 20 % химиявий реагентларни ташкил қилади. Гранула цехининг лойиҳа қуввати Туркия технологияси асосида 15-20 тонна/суткани ташкил қилади.

Маҳсулот дастлаб қоришма тайрлаш бункерига тушади. Қоришма тайёрланади. Сўнг тайёр қоришма грануляторга ўтади. Гранулятордан ҳаво вентиляторлари ёрдамида 3 та циклонларга қуритиш учун юборилади. Циклондан чиқиб тебранма (выбраторли) элакка тушади. Ундан чиқиб тайёр маҳсулот бункерга тушади. Тайёр маҳсулот бункеридан маҳсулот қопларга қопланади.

Гранула саноатнинг кўп соҳасида, жумладан: пластмасса ишлаб чиқаришда, қоп ишлаб чиқариш корхоналарида, гилам заводларида, кабел заводларида (изоляция) сифатида, ҳар хил пластмасса идишлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Автогараж. Транспорт бўлими.** Транспорт бўлимида қуйидаги транспорт воситалари мавжуд. Дизел ёқилғиси билан ишлайдиган фронтальный автоюклагич 4 та, кара 3 та, HAVO-371 8 та, шундан 6 таси сиқилган газ (метан)да, 2 таси дизел ёқилғисида ишлайди. Прицепли КамАЗ 2 та дизел ёқилғисида ишлайди. 8 тонна юк кўтариш қобилияти бўлган ISUZU автомашинаси 1 та, автокран 5 та, экскаватор 3 та, енгил автомобиллар кобольт 1 та, Gintiga 2 та ни ташкил қилади.

Ёқилғи омборида 25 м<sup>3</sup> лик дизел ёқилғиси учун 3 та, 10 м<sup>3</sup> лик бензин учун 1 та, дизел мойи учун 1 та сизимлар мавжуд. Олинган ва ишлатилган маҳсулотлари 3,8 тонна дизел ёқилғиси, 1047035 м<sup>3</sup> газ, 280 кг электрод.

### Корхонадаги ускуналар ва қурилмалар тўғрисида маълумот

Т/р	Цех ва бўлим номи	Ускуналар номи, русуми	Сони
1	2	3	4
1	Микрокальцит и/ч цехи	“EGE AY Otomotiv Makina ins/ Turizm Nakl. San. Tic. LTD Sti” майдалаш ускунаси	1 ком.
2		Маҳсулот (мрамор тош) қабул қилиш бункери	1
3		Транспортерлар	4
4		Йирик майдалаш қурилмаси	1
		Элак	1
5		Майда бўлақларга майдалаш қурилмаси	1
		Элак	1
6		Майдаланган маҳсулотни тўлдириш бункери	1
		Транспортерлар	4
8	Электрофильтр циклон тармоғи	1 комп.	
9	Тайёр маҳсулот бункери	1	
10	Гипс ишлаб чиқариш цехи	Гипс тошни қабул қилиш бункери	1
11		Доломитни ажратувчи тебранма элак	1
12		Йирик бўлақларга майдаловчи майдалаш қурилмаси	1
13		Эткин қирғич майдалаш ускунаси	1
14		Узатувчи элеватор	2
15		Юк ташувчи тарози	1
16		Гипс қуйдирувчи ва пиширувчи айланма печ	1
17		Фан вакуум ускунаси	1
18		Электрофильтр циклон	2
19		Сепаратор	1
20		Элеваторлар	2
20		Пастки тегирмон	1
21		Тепа тегирмон	1
22		Тайёр маҳсулот қабул қилиш бункерлари	4
23	ара-лашмалар	Маҳсулот қабул қилиш идишлари (бункер)лар	8
24		Нориялар	2

25		Тарозилар	2
26		Миксер	2
27	Гранула цехи	Қоришма тайёрлаш бункери	1
28		Гранулятор	1
29		Қуритиш циклонлари	3
30		Тебранма элак	1
31		Тайёр махсулот бункери	1
32	Гараж	Фронталний юклагич	4
		Кара	3
		НАВО	8
		Прицепли КамАЗ	2
		ISUZI	1
		Автокран	5
		Экскаватор	3
	Енгил автомашиналар	3	
33	Устахона	Электропайвандлаш қурилмаси	1
34	Ёқилғи сақлаш омбори	Дизел ёқилғи сифими 25 м <sup>3</sup>	3
		Мой сақлаш сифими 10 м <sup>3</sup>	2
		Колонка	2
	Жами:		95

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган ноорганик чангнинг атмосферадаги энг катта улуши 0,86 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,145 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда ноорганик чангнинг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган гипс чангининг атмосферадаги энг катта улуши 0,83 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,13 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда гипс чангининг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва корхона ташқарисида эса РЭС дан ошмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган углеводороднинг атмосферадаги энг катта улуши 0,068 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,048 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда углеводороднинг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган углерод оксидининг атмосферадаги энг катта улуши 0,57 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,17 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда углерод оксидининг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган азот оксидининг атмосферадаги

энг катта улуши 0,218 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,046 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда азот оксидининг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган пайванд чангининг атмосферадаги энг катта улуши 0,06 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,003 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда пайванд чангининг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган марганец оксидининг атмосферадаги энг катта улуши 0,002 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,001 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда марганец оксидининг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

Корхона ҳудудида иш зонасида манбалардан ташланаётган бензапиреннинг атмосферадаги энг катта улуши 0,0001 РЭС га, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида 0,0001 РЭС ни ташкил қилади. Ифлослантирувчи модда бензапиреннинг атмосферадаги улуши корхона иш зонасида ва ташқарисида РЭС дан ошмайди. Қўшимча чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмайди.

#### Адабиётлар:

1. М. N. Musayev. Sanoat chiqindillarini tozalash texnologiyasi asoslari. Toshkent 2011 й. 498 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси».
3. Корхоналарда ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги сифимини аниқлаш қўлланмаси. ОНД -86, Госкомгидромет Л., Гидрометеоздат 1987 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли «Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли «Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ****Такабоев Қўчқор Ўролович** – катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада паррандачилик корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларни атроф муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича қатор маълумотлар берилган. Ҳар бир ишлаб чиқариш фабрикасидан чиқадиган атроф - муҳитни зарарловчи моддалар кўрсатиб ўтилган. Мақолада паррандачилик корхоналари чиқиндиларининг атроф - муҳитга таъсири, уни бартараф этишга қаратилган усуллар тўғрисида маълумотлар берилган.

На данной статье дано ряд информации по оценке степени загрязнения окружающей среды отходами птицеводческой фабрики. Перечислены загрязнители окружающей среды с каждой фабрики. В статье представлены сведения о влиянии отходов птицеводства на окружающую среду и оборудования для его устранения.

This article provides a number of information on assessing the degree of environmental pollution by wastes from a poultry factory. The environmental pollutants from each factory are listed. The article provides information on the impact of poultry waste on the environment and equipment for its elimination.

Паррандачилик фабрикаси таркибига қуйидаги ишлаб чиқариш цех ва бўлимлари киради: товукхоналар; инкубатория; жўжа боқиш хоналари; омухта ем тайёрлаш цехи; омборхона; сўйиш цехи; тухум омбори; гараж; устахона; ёқилғи мойлаш материаллари омбори; маъмурий.

Корхонада она товуклар боқиладиган 10 та товукхоналар мавжуд бўлиб, товукхоналар ҳар қайси 4 ТБК-Е комплет батареялар билан жиҳозланган. Товук боқиш жараёнида манбалардан атмосферага 0,0323 г/с ёки 1,01848 т/йил аммиак, 0,0209 г/с ёки 0,659 т/йил т/йил сероводород ажралиб чиқади.

Инкубатор цехи 6 комплет 4 ТБК-В батареялар билан жиҳозланган. Инкубатордан атмосферага аммиак 0,00192 г/сек, 0,006 т/йил, сероводород 0,00012 г/сек, 0,004 т/йил, формалин 0,00152 г/сек, 0,005 т/йил ажралиб чиқади.

Омухта ем цехидаги манбалар Ц-3 курук механик чанг тутгич чанг тозалаш ускунаси билан жиҳозланган. Омухта ем цехида технолог жараёнларда яъни, майдалаш ускунаси 2 та, шнеklar 2 та, сепараторлар 2 та, гранулалаш ускунаси 2 та, аралаштиригич 2 та, тош ажратгич 2 та фаолияти жараёнларида атмосфера ҳавосига тозаланиш жараёнигача 0,87 г/с, 7,27 т/йил, тозаланиш жараёнидан кейин 0,095 г/с, 0,79 т/йил омухта ем чанги ажралиб чиқиб, тозалаш ускунасининг самардорлиги 81,9 % ни ташкил этади. 2-чи Ц-3 ЧТУдан тозаланиш жараёнигача 0,92 г/с, 7,68 т/йил, тозаланиш жараёнидан кейин 0,114 г/с, 0,95 т/йил омухта ем чанги ажралиб чиқиб, тозалаш ускунасининг самардорлиги 87,6 % ни ташкил этади. Омухта ем омборида емни узатиш жараёнларида атмосферага 0,012 г/с, 0,100 т/йил омухта ем чанги ажралиб чиқади.

Корхонада товукларга озука ем тайёрлаш учун 2 ёпик ғалла омбори мавжуд. Ғалла омборидаги транспортлардан атмосферага 0,0956 г/с ёки 0,715 т/йил ғалла чанги ажралиб

чиқади.

4 та жўжа боқиш хоналари 4 комплет 4 ТБК-С батареялар ва 16 дона ем сақлаш бункерлари билан жиҳозланган. Манбалардан атмосферага 0,0076 г/сек ёки 0,2376 т/йил аммиак, 0,00324 г/сек ёки 0,102 т/йил сероводород ажралиб чиқади.

Товук гўнг сақлаш хандақларида товук гўнг сақлаш натижасида атмосферага 0,06 г/сек ёки 1,892 т/йил аммиак, 0,1106 г/сек ёки 3,36 т/йил сероводород ажралиб чиқади.

Устахонада 1 дона электропайвандлаш курилмаси, 3 дона токарлик ва 1 дона тешадиган курилмалар мавжуд. Пайвандлаш курилмасидан 0,0005 г/сек ёки 0,0021 т/йил пайванд чанги, 0,00007 г/сек ёки 0,0003 т/йил марганец оксиди ажралиб чиқади. Токарлик ва тешадиган курилмалардан 0,014 г/сек ёки 0,058 т/йил металл чанги ажралиб чиқади.

Ёқилғи мойлаш материаллари сақлаш омборида 1 дона 25 м<sup>3</sup> дизел сақлаш, 1 дона 10 м<sup>3</sup> бензин сақлаш сифимлари мавжуд. Йиллик ёқилғи миқдори бензин 21,307 т/йил, дизел ёқилғиси миқдори бензин 2,023 т/йилни ташкил этади. Манбалардан 0,7576 г/с ёки 0,568 т/йил бензин буғи, 0,7901 г/сек ёки 0,00036 т/йил углеводород ажралиб чиқади.

Корхона фаолияти давомида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар қуйидагилар: аммиак; олтингугурт водород; формалин; органик чанг; натий гидроокись (шелоч); ғалла чанги; омухта ем чанги; углеводородлар; бензин буғи; металл чанги; пайванд чанги (темир оксиди); марганец оксиди.

**1-сонли тоқувхона.** 45 минг бош товук боқишга мўлжалланган товукхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари қуйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантйрувчи моддалар миқдори куйидагича ҳисобланди:

**Корхонадаги ускуналар ва қурилмалар тўғрисида маълумот**

№	Цех ва бўлим номи	Ускуна ва қурилмалар номи русуми	Сони
1	2	3	4
1	Товуқхоналар	Батарея 4 ТБК-Е Ем сақлаш бункерлари	10 40
2	Инкубатор	Батарея 4 ТБК-В	6
3	Жўжа боқиш хоналари	Батарея 4 ТБК-С Ем сақлаш бункерлари	4 16
4	Омухта ем тайёрлаш цехи	Омухта ем тайёрлаш ускунаси NKJ-40	2 ком.
		Нория	8
		Шнеклар	2
		Циклон Ц-3	2
		Майдлаш ускунаси	2
		Тош ажратгич	2
		Сепаратор	2
		Аралаштиргич	2
		Гранулятор	2
		Бункерлар	2
		Қуритгич	2
	Тайёр маҳсулот бункери	2	
	Мой сақлаш сиғими 25 м <sup>3</sup>	1	
5	Омборхоналар	Транспортерлар	2
6	Сўйиш цехи	Ишқор ваннаси	1
7	Гўнг сақлаш бўлими	Гўнг сақлагичлар	2
8	Гараж	Юк автомобиллари:	
		ЗИЛ-130	1
		КамАЗ	3
		Иж-2715	1
		Газ-53	1
	Автобус	1	
	Енгил автомобиллар	5	
9	Устахона	Токарлик қурилмаси	3
		Тешадиган қурилма	1
		Электропайвандлаш қурилмаси	1
10	Ёқилғи сақлаш омбори	Дизел ёқилғи сиғими 25 м <sup>3</sup>	1
		Бензин сақлаш сиғими 10м <sup>3</sup>	1
		Мой сақлаш сиғими 3 м <sup>3</sup>	1
		Колонка	2
	Жами:		134

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда аммиакнинг миқдори куйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} =$$

$$= 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

**Олтингургурт водороди (сероводород).**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с, Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда аммиакнинг миқдори куйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} =$$

$$= 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

**2 –сонли тоқувхона.** 45 минг бош товуқ

боқишга мўлжалланган товуқхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари куйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантйрувчи моддалар миқдори куйидагича ҳисобланди:

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда аммиакнинг миқдори куйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} =$$

$$= 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

**Олтингургурт водороди (сероводород).**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с, Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда аммиакнинг миқдори куйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} =$$

$$= 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

**3 –сонли тоқувхона.** 45 минг бош товуқ боқишга мўлжалланган товуқхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари куйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантйрувчи моддалар миқдори куйидагича ҳисобланди:

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантйрувчи модда аммиакнинг миқдори куйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} =$$

$$= 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

**Олтингургурт водороди (сероводород).**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

**4 –сонли тоқувхона.** 45 минг бош товук боқишга мўлжалланган товукхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари қуйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантирувчи моддалар миқдори қуйидагича ҳисобланди:

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

#### **Олтингугурт водороди (сероводород)**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

**5 –сонли тоқувхона.** 45 минг бош товук боқишга мўлжалланган товукхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари қуйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантирувчи моддалар миқдори қуйидагича ҳисобланди:

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

#### **Олтингугурт водороди (сероводород)**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

**6 –сонли тоқувхона.** 45 минг бош товук боқишга мўлжалланган товукхона ён томонидаги сўрувчи ускуналар 17 дона. Ташкиллаштирилмаган манба. Манбанинг морфологик ва динамик параметрлари қуйидагича: Баландлиги – 2 м; Кўндаланг кесими – 0,25 м; Чанггаз аралашмасининг тезлиги – 2,2 м/с; Ҳажми - 0,108 м<sup>3</sup>/с; Ҳарорат - 28 °С.

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда солиштирма миқдори “Агросаноат комплексига қарашли корхоналарда атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш Йўриқномаси” Курск 1989 й. га асосан ифлослантирувчи моддалар миқдори қуйидагича ҳисобланди:

**Аммиак.** Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,00285 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,00285 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,08988 \text{ т/йил}$$

#### **Олтингугурт водороди (сероводород)**

Вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори 0,0019 г/с,

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи модда аммиакнинг миқдори қуйидагича аниқланди:

$$M_{\text{инг}} = V \cdot T \cdot 10^{-6} = 0,0019 \cdot 8760 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,0599 \text{ т/йил}$$

Ҳисоблаш ишлари таҳлили натижаларига кўра корхона манбаларидан чиқаётган ингредиентлар миқдорлари ҳозирги ишлаб турган шароитда ва бундан кейин рухсат этилган сиғим (РЭС) дан ошмаслиги аниқланди.

Корхона учун санитария муҳофаза ҳудуди белгиланган бўлиб, атмосферага ташланадиган ташламалар санитар муҳофаза ҳудудида ҳам рухсат этилган сиғим (РЭС) дан ошмаслиги аниқланди. Бу эса табиий муҳитнинг меъёрдан юқори даражада ифлосланишига олиб келмайди. Инсон ва бошқа тирик организмлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

#### **Адабиётлар**

1. Musayev M. N. Sanoat chiqindillarini tozalash texnologiyasi asoslari. Toshkent 2011 й. 498 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси».

3. Корхоналарда ҳосил бўладиган ифлослангивчи моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги сифимини аниқлаш қўлланмаси. ОНД -86, Госкомгидромет Л., Гидрометеоиздат 1987 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли “Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кели-

шиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

УДК:631.3; 621

## ГИДРОТАРАННИНГ РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИ ВА ИШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШГА ЯНГИЧА НАЗАР

**Мусурмонов А.Т.** т.ф.н. (СамВМИ), **Холдоров Н. ф.м.ф.н.** доцент (СамДАҚИ),  
**Ҳайитов З.Т.** тадқиқотчи (СамВМИ).

The article gives a closer look at the principle of hydrotaran performance and describes how to increase work productivity.

Мақолада гидротараннинг ишлаш принципига тўлароқ назар ташланиб, иш унумдорлигини ошириш йўллари келтирилган.

Табиат бизга пастга тушаётган сув тимсолида нафақат текин энергия манбаини, балки табиий гравитацион энергияни ўзгартиришнинг оддий усулини туҳфа этди. Физика нуқтаи назаридан сувнинг потенциал энергияси унда гравитацион энергиянинг ўзидир. Сувнинг потенциал энергиясини нафақат унинг пастга тушишда тезлигини ошириш учун балки, уни юқорига кўтариш учун ҳам қўллаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда тушаётган сувдан фойдаланишга асосланган энергияни ўзгартиришнинг маълум усулига андиرويد сифатида худди шундай оддий ва табиий, қандайдир ташқи энергия қўлламасдан, сувни юқорига кўтаришга имкон берувчи энергияни ўзгартиришнинг бошқа усули бўлиши лозим. Бундай ўзгартириш усулини топиш учун анча илгари қадам қўйилган.

Ҳеч қандай қўшимча энергия сарфламасдан фақат сувнинг потенциал энергияси ҳисобига сувни юқорига кўтариш ғояси 1775 йилда инглиз олими Жозеф Уайтхест томонидан илгари сурилган.

1797-йилда Француз олими аэростат ихтирочиси Х.Монголфе, шу даврда англиялик олим М.Бултон, ҳамда 1809-йилда америкалик ихтирочилар Семи ва Халлет томонидан ташқи, бошқа қўшимча энергия сарфламасдан сувнинг дастлабки потенциал энергияси ҳисобига юқорига кўтарувчи қурилма учун патент олинди. Бу қурилма кейинчалик гидравлик зарба асосида ишловчи гидротаран номини олди.


Гидравлик зарба ходисаси XX асрда фанга маълум бўлган. Ушбу ходисанинг назарияси биринчи бўлиб рус олими Николай Жуковский томонидан ишлаб чиқилган. 1898-йилда унинг назарияси биринчи марта чоп этилди.

Гидротараннинг умумий чизма кўриниши 1-расмда келтирилган. Гидротаран кашф этилиб шу вақтга қадар токомиллаштирилган вариантлари билан қарайдиган бўлсак, умумий ишлаш

принципи ўзгармаган. [1] Гидротараннинг автоматик тарзида ишлашнинг фақат гидрозарб маҳсули дейиш тўғри бўлмайди, ҳамда бу ғоя ўзини тўлиқ оқлай олмайди. Гидравлик зарба ҳосил бўлишда Жуковский формуласи:

$$P_{г.з.} = c \cdot v \cdot \rho \quad (1)$$

$P_{г.з.}$  – гидрозарба таъсиридаги босим,  $c$  – товунинг сувдаги тезлиги,  $v$  – сувнинг оқиш тезлиги,  $\rho$  – сувнинг зичлиги.



1-расм. 1-сув омбори (захираси), 2-таъминот қувур, 3-зарб клапани, 4-босим клапани, 5-ҳаво қалпоғи, 6-чиқиш қувури.  $h$ -сув захираси баландлиги,  $H$ -сувнинг кўтарилиш баландлиги.

Таърибанинг мазмуни куйдагича. Сув (захирадаги) омбори-1 даги сув таъминот қувури-2 орқали ( $v$ ) тезлик ва ( $P$ ) босим билан ҳаракатланаётганда қувурнинг охиридаги зарб клапани-3, ёпик ҳолатга ўтганда (1-расм) бунда, унга етиб келган сув биринчи зарралари тезлиги сўниб, уларнинг кинетик энергиялари қувур деворлари ва суюқликнинг деформацилаш ишига айланади. Бунда суюқлик оз бўлсада сиқилиш ҳисобига ошишга тўғри келади ва ана шу сиқилиш айнан катта миқдордаги зарб босими  $P_{г.з.}$  ҳосил қилади. Шунда ҳосил бўлган қўшимча босим  $P_{г.з.}$  га мос равишда қувур деворлари чўзилади ва суюқлик эса сиқилади. Биринчи заррачалар кетидан қўшни зарралар етиб келади ва уларнинг ҳам тезликлари сўнади. Натижада ҳосил бўлган босимнинг ортиш чегараси зарб клапани-3 дан сув омбори-

1 томонга зарб тўлкини тарқалиш тезлиги-с билан сиқилиб боради. Босим  $P_{г.з.}$ га ўзгарган соҳанинг ўзи зарб тўлкини дейилади. Зарб тўлкини таъминловчи идишга етиб борганда суюқлик бутун қувур бўйича тўхтаган ва сиқилган бўлиб, қувур деворлари эса чўзилган бўлади. Босимли зарб ортиши қувур бўйича тарқалган бўлади. Бу суюқлик босимлари фарқи  $P_{г.з.}$  таъсирида қувурдан босим клапани-4 орқали ҳаво қалпоғи-5 га оқа бошлайди ва унинг йўналиши тескари томонга бўлиб, тикланган оқимни орқада қолдиради.  $P_0$  -босим тикланиши билан суюқлик ва қувур ўз ҳолига қайтади. Суюқлик массаси бунда зарб клапани-3дан узилишга интилади. Натижада зарб клапани-3 идишга с-тезликда ҳаракатланувчи манфий зарб тўлкини ҳосил бўлади ва у босимни  $P_{г.з.}$  га камайтириб, қувур деворларини торайтиради, ҳаво қалпоғи-5 остидаги суюқликни эса кенгайтиради. Тажрибада цикл кайтарилди.

Гидротараннинг фойдали иш коэффициентини:

$$\eta = \frac{H-h}{H} \cdot 100\% \quad (2)$$


Гидротаранларнинг ишлаш жараёнини кузатадиган бўлсак, [1] ундаги фойдали иш коэффициентининг катталиги чиқиш  $H$ -баладдигининг ортиб бориши билан камайиб боради. Шу билан биргаликда сув исрофининг ортиши кузатилади ҳамда 6-чиқиш қўвиридаги сув ҳажмининг камайиб боришини юзага келтиради. Сув (ресурс) исрофининг ортиши иш маҳсулдорлигининг пастлиги билан изоҳланади.

1-расмдан гидротараннинг иш жараёнини кузатадиган бўлсак, сув-1 омбори (захира-си)даги сув, таъминот қувур-2 орқали зарб клапани-3 га етиб келади ва тўсиққа учрайди, босим клапани-4 орқали ҳаво қалпоғи-5га етиб келади, ҳамда чиқиш қувури-6 орқали юқорига ҳаракат қилиб юқорида келтирилган ҳаракат циклини юзага келтиради.

Оқтим тезлигига қарши ҳосил бўлган  $P_{г.з.}$  зарб тўлкини таъсиридаги сув ҳажми ҳаво қалпоғи остига кирганидан сўнг ана шу ажралган сув ҳажми шунга қадар бўлган системадан бошқа система иштирокчисига айланади. Чунки сувдаги зарб тўлкини ҳаво қалпоғи остига тўпланиши билан бирга бу ерда сўнишга учрайди. Бир сўз билан айтганда гидротаранда сувнинг юқорига кўтарилишида гидрозарбнинг бевосита иштироки кузатилмайди. (гидрозарбага қарши курашишда сўндиргичлар мисол бўла олади)

Сувнинг юқорига кўтарилиши эса бошқа система орқали амалга оширилади. Буни куйидагича изоҳлаш мумкин.

Буни аниқлаш учун гидротараннинг ҳаво қалпоғи остидаги сув ва ҳаво қатлами чегарасини қараб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Сув ва ҳаво чегара фазаси.

Агар фазалар чегарасида молекулаларо таъсир турли хил бўлса, система турли хил фазалардан иборат бўлади [2]. Суюқлик фаза 1 ва газ фаза 2 дан иборат системада, молекулаларо таъсирлашув кучи суюқликда  $F_{1-1}$  газдаги молекулаларо таъсирлашув кучи  $F_{2-2}$  дан катта бўлади.  $F_{1-1} > F_{2-2}$  суюқлик ички қисмдаги жойлашган  $A$  молекула ҳамма томонидан бошқа молекулалар билан ўраб олинганлиги учун таъсирлашув кучлари ўзаро тенг бўлади. Фазаларо сиртда жойлашган  $B$  молекулага бир томондан суюқлик молекулалари, бошқа томондан газ молекулалари таъсир қилади.  $F_{1-1} > F_{2-2}$  экан, суюқликнинг чуқурлигига (тагига) йўналган натижаловчи куч  $P$  пайдо бўлади. Бу куч кўп ҳолларда босим дейилади.

$$P = F_{1-1} - F_{2-2}$$

Чегара фазаларда (сиртларда) молекулаларо таъсирлашув қанча кўп фарқ қилса, ички босим шунча катта бўлади.

Суюқлик сиртидаги молекулага 2 хил куч (2-расм): газ фазадаги ва суюқ фазадаги кучлар таъсир этади. Газ фазадаги молекулаларо ма-софа катта бўлгани учун уларнинг тортишиш кучи, суюқлик ичидаги молекулаларнинг тортишиш кучидан кам. Шунинг учун суюқлик сиртидаги молекула иложи борича суюқлик ичига ҳаракат қилади. Шу сабабли ҳар қандай суюқлик ўз сиртини кичрайтиришга интилади. Бу ўз навбатида ички босимни юзага келтиради. Айнан шу ички босим, гидротаранда (1-расм) гидрозарб тўлкини ҳажмининг ҳаво қалпоғи-5 остига етиб келишига қаршилик қилувчи куч ҳисобланади.

Умуман ҳар қандай суюқлик сиртида молекулаларо тортишиш кучлари мувозанатга келмаган молекулалар борлиги учун сиртки қаватда, (фазаларо) сирт энергия пайдо бўлади. Бу энергия доимо камайишга интилади.

Суюқлик сиртини орттириш учун эса унинг 3-расм (ҳаво қалпоғи остидаги) сирт эркин энергияни энгиш керак. Яъни ташқаридан иш сарфлаш керак бўлади (гидрозарба ҳисобига).

Агар система бир нечта макроскопик қисмлардан ташкил топган бўлиб, улар бири-бирдан чегара сирти билан ажратилган бўлса, гетероген система бўлади. Бундай юзаларда

айрим параметрлар сакраш билан ўзгаради (сирт таранглик сув устида гетероген қатлам мавжуд бўлмаганда қатъий ўзгармас бўла олади), шунингдек сирт таранглиги ҳам [2, 5].

Демак, гидротараннинг ёпиқ системали ҳаво қалпоғи остидаги босими, кичик юзага нисбатан юқорилиги сабабли, сувнинг ана шу қисми юзасида сирт таранглик коэффиценти камаяди. Бу ўз навбатида гидротаранда сувнинг юқорига кўтарилишида гидрозарбнинг бевосита иштироки кузатилмайди деган хулосани беради.


Гидротаран ишлаш жараёнида 1-расм оқиб чиқаётган сув, зарб клапани-3 ва қувур орасида сиқилиш бошланганида, ҳаво қалпоғи-5, остида босим орта бошлайди, ҳамда ҳаво қалпоғи остидаги сув юзасида бекарорлик кучаяди (сув юзаси чўзилувчан бўлиб қолади). Бунинг натижасида юқорида келтирилган ҳаракат цикли давомида сув ҳаво қалпоғи-5 остига киришга эришади. Кириб келган зарб тўлқини ҳаво қалпоғи остидаги ҳаво чегарасига келиб тарқала олмайди, (2-расм) ва сувнинг устки қисмида эгрилик радиусини юзага келтиради.

Гидротараннинг автоматик ишлай олишига, ҳаво қалпоғи остидаги аралашма газларнинг доимий равишда, сиқилиш деформациясига учраши натижасида, сирт қатламнинг сирт таранглик коэффиценти ўзгариб туриши сабабли деб айтиш ўринли бўлади.

Уларда гидрозарбнинг ҳаво қалпоғи остига йиғилиши, айнан сирт таранглиги коэффицентининг ўзгариб туриши сабаб деб айтиш мумкин.

Демак, юқоридагиларни ҳисобга олиб, гидротараннинг иш унумдорлигини ошириш учун, фақат ҳаво қалпоғи остидаги сувнинг сирт таранглигини сирт фаол модда ёрдамида камайтириш зарурияти туғилади. Сирт фаол модда бутун сув ҳажми бўйлаб тарқатиладиган бўлса сувнинг қовушқоқлигининг камайишига олиб келади [2;3;4]. Бу табиий кавитациянинг камайишига сабаб бўлади. Натижада гидротаранда иш унумдорлигининг камайиши юзага келади. Шу мақсадда, фақат гидротараннинг

ҳаво қалпоғи остига, иложборича сувда эримайдиган ва чўкмайдиган сирт фаол модда киритиш маъқул усул ҳисобланади. Бундай сирт фаол модда сифатида парафин ёки баъзи ёғлардан фойдаланиш тавсия этилади.



3-расм. Гидротараннинг ишлаш жараёнида ҳаво қалпоғи остидаги сувнинг: 1- сирт фаол модда қўлланмагандаги ҳолат, 2- сирт фаол модда қўлланган ҳолат.

Ҳаво қалпоғи остидаги сувнинг юзасининг сирт таранглик коэффицентини камайтириб, ҳаво қалпоғи остидаги камраб олинувчи сув миқдори ошишига эришилади. (3-расмдаги 1 ва 2 ҳолат). Бунинг натижасида эса, энергиянинг сақланиш қонуни бўйича, гидротаранда дастлабки сарфланаётган энергиясини нисбатан кўпроқ сувга сарф этилиши, унинг иш самардорлиги оширилига сабаб бўла олади. Қисқача айтадиган бўлса, бу усул ёрдамида гидротараннинг конструкциясига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмаган ҳолда, қўшимча ростланишларсиз иш самардорлигини ошириш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. www.patent.su, www.caspatents.com. Гидротаран патентлар базаси.
2. Коллид кимё. Н.И.Файзуллаев, Н.Қ.Мухамдиев. «Сано-стандарт» нашриёти. Тошкент-2016. (23-24, 28-29, 69, 23-102, 182-232 бетлар.)
3. Физикавий ва коллоид кимёдан масалалар. Т.Холдарова, Ж.Ҳайдаров «Гафаккур Бўстони» Тошкент-2015. (239-283 бетлар.)
4. Сув кимёси ва микробиология. М.Ходжитдинова, А.Ризаев. «Янги нашр» нашриёти. Тошкент-2010. (86-89 бетлар.)
5. Суоқлик ва газ механикаси. Х Худойназаров., А Абдирашидов. «Зарафшон» нашриёти ДҚ. Самарқанд-2017, 32-б.

УДК № 628.

### МАШИНАЛАРНИ ЮВИШДА ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ

**Хушвақтов Б.О., Холов.Ф.М., Мирзаев.М.Н.**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Сорбентларнинг турли турларини қўллаш билан оғир металллардан оқова сувларни тозалашнинг сорбционли усулларининг қиёсий таҳлили кўрсатдики, яъни энг қўлай ва самарали сорбентлар сифатида табиий материаллар ва чиқиндилар ишлатилади. Олинган сорбентларнинг ўзгариши нефт маҳсулотлари ва оғир металллардан сувларни тозалашда биосорбционли комплекс учун самаралидир. Нефт маҳсулотлари, феноллар ва оғир металллардан сувларни тозалашда ҳаммасидан кўра самарали, тупроқ ва қўшимчани қўллаш билан қипик асосидаги комплекс ўзгартирилган сорбентлар экан. Нефт маҳсулотлари, феноллар, сирти фаол моддалар (*ПАВ*) ва оғир металллардан машиналарни ювиш шаҳобчаси оқова сувларини самарали тозалаш учун биосорбционли модулни ишлатиш билан оқова сувларни маҳаллий тозалаш тизимларининг тасвири ишлаб чиқилган.

Сравнительный анализ сорбционных методов очистки сточных вод от тяжелых металлов с применением различных видов сорбентов показал, что в качестве сорбентов наиболее выгодно и эффективно использовать природные материалы и отходы. Получены модификации сорбентов для биосорбционного комплекса, эффективные в очистке воды от нефтепродуктов и тяжелых металлов. Наиболее эффективным в очистке воды от нефтепродуктов, фенолов и тяжелых металлов оказался комплекс модифицированных сорбентов на основе глины и опилок с применением добавок. Разработана схема локальной системы очистки сточных вод с использованием биосорбционного модуля для эффективной очистки сточных вод автомоек от нефтепродуктов, фенолов, ПАВ и тяжелых металлов.

A comparative analysis of sorption methods for wastewater treatment from heavy metals using various types of sorbents has shown that it is most profitable and efficient to use natural materials and waste as sorbents. Modifications of sorbents for the biosorption complex that are effective in water purification from petroleum products and heavy metals are obtained. A complex of modified sorbents based on clay and sawdust with the use of additives proved to be the most effective in cleaning water from petroleum products, phenols and heavy metals. A scheme of a local wastewater treatment system using a biosorption module for efficient treatment of car wash wastewater from petroleum products, phenols, surfactants and heavy metals has been developed.

Машиналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувлар таркибини мураккаблиги ва санат оқоваларининг тозалаш жараёнини мураккаблиги унда феноллар, оғир металллар, сирти фаол моддалар *ПАВ*, муаллақ дисперс моддалар каби ифлосликлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Агар йирик дисперсли аралашма бўлса, механик усул билан сувлардан чиқариш мумкин бўлади, унда микро эмульцияни парчалаш учун сувли эритиш компонентларини олиш сорбция жараёнининг энг яхши самарасини беради.

Машиналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувлар органик ва органик бўлмаган ифлосликлардан (кум, глина, кушлар ахлати, нефт маҳсулоти доғлари, барглар, ўт поялари, ҳар хил уруғлар, майда ҳашорат ўликлари) ювилиши натижасида машиналар ювиш шахобчасига киради.

Шу кунга қадар ватанимиз ва чет элларда машиналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалашда бир нечта усуллар кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда ва улар кўйидагилар: механик тозалаш, биологик тозалаш, физик – кимёвий усуллар, адсорбция, физик адсорбция, кимёвий адсорбция, ион алмашилиш усули, коагуляция ва флокуляция усули, ультрафилтрация, гиперфилтрация усули.

Агар айланма сув машиналарни ювиш жойларисида ишлатилса, қачонки ифлос сувлар тиндириладиган жойда сиғим бўлиши керак. Бу сиғимда ҳар доим ҳарорат ижобий бўлиши керак. Сабаби мана шу ерда бактериялар ривожланиши бошланади, улар кўпайишни бошлайди ва сувда ёқимсиз ҳид ва батқоқ ранги ҳосил қилади.

Бундан ташқари, кейинги машиналар тоза ювилмайди, насослар ва сув сачратгичлар тезда ишдан чиқади. Натижада машиналарни ювиш жойии сальбий номни олади ва бу бактериялар атрофга тарқалади.

Бу сувларни тозалаш учун тиндириш, механик тозалаш, сорбция ёки филтрлаш, дистил-

лаш, кимёвий тозалаш, биологик иншоотларини куришга олиб келади. Бу эса маҳаллий тозалаш иншоотининг таннархини ошириб юборади. Кўпгина статик маълумотларга кўра машиналарни ювиш жойларида асосан сувнинг 80 % айланма сув сифатида ишлатилади ва тозалаш натижасида йўқолган яъни етишмаган 20 % и эса янги сувни ташкил қилади.

Нефт маҳсулотларидан иборат оқова сувларни тозалаш иккита омилга боғлиқ, биринчиси сувларнинг дастлабки ифлослигига ва иккинчиси уларни тиндириш муддатига. Кўшимча муддатини ортиши самарадорлигини оширмайди, бироқ пасая бошлайди. Бу дастлабки сузиб юрувчи глобулларни эришига боғлиқ. Туплагичларда буларни узок вақт бўлиши нефт маҳсулотларининг мустақил равишда биокимёвий бўлинишга олиб келмайди. Натижада тинитишнинг ҳал қилувчи таъсири, нефт маҳсулотларининг эмульгированли фракциялари ўлчами 0,1 дан 100 *mkm*гача ораликда бўлади. Нефт маҳсулотлари улушининг ўзгариши тинитиш муддатига боғлиқ.

Барча ҳолатларда дастлабки 10 – 15 – минут давомида нефт маҳсулотлари улуши 85 – 90 % га камаяди, яъни оқовалардаги йирик дисперсларнинг анча миқдорни ташкил қилади. Шу билан бирга оқоваларда нефт миқдори анча миқдорда қолади. Кейинги тинитишни, яъни 2 соатдан кўп давом эттириш натижасида кичик самарадорликга эришилади.

Нефт маҳсулотларини тутгичда ушлаб қолинган чўкмаларни намлиги 92 – 94 % бўлади ва 20 % атрофидаги чўкма тезгина зичланади ҳамда лойиҳалашда чўкма қатлами ҳаммаси бўлиб 0,1 метр қилиб лойиҳаланади. Сузиб юрувчилари эса тешик орқали кувурга тушади ва у ердан олиб керакли жойга кетилди. Енгил буғландиган нефт маҳсулотлари нефт тутгичлар орқали бензомасло тутгичларга чиқазилади.

Нефт тутгичлардаги жараёнларни тезлаштириш мақсадида коагулянт ва флокулянтлар иш-

латилади. Бу коагулянт ва флокулянтларни ишлатилиши тозалаш иншоотининг мураккаблиги ва қурилма таннархини оширишга олиб келади. Сувсиз органик коагулянтлар улуши 1,0 – 2,0  $mg/l$  ва органик бўлмаган коагулянтлар улуши 35 – 50  $mg/l$  ни ташкил қилади.

Санитар – гигиеник тадқиқотларга мувофиқ, машиналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувларга куйидаги ифлословчи моддалар бензин, керосин, сульфат ангидрид ва сульфид ангидрид, нитрит ва нитратлар, сульфатлар, темир, марганецлар таъсир қилади. Юқорида санаб ўтилган моддалар одамлар соғлигига ҳаммасидан кўпроқ салбий таъсир қилади. Сув ҳавзаларига тушганда, тирик организмларга ва сувларнинг сифатига ёмон таъсир қилади.

Юқори сифатли қурилма, замонавий сорбцион филтрлар ва уларни модификациялаш асосида сувлардан нефт маҳсулотларини чиқаришда сорбентлар фаоллигини ошириш натижасида эришиш режалаштирилади ва тадқиқотлар натижасида сорбционли комплекслар кўпроқ самаралидир. Биосорбцион филтрлар асосида нефт маҳсулотларидан иборат сувларни маҳаллий комплекс тозалашни ишлатиш, машиналарни ювиш жойларининг сувларини мувофиқ равишда меъёрий кўрсаткичларга тозалашга олиб келади. Сув ресурсларини тежаш мақсадида айланма сув таъминотининг ёпиқ занжирли тизимини тадбиқ этишни таклиф этамиз. Сувларни юқори даражада тозалаш натижасида авто мойкага қайта ишлатиш учун жуда қўлай бўлади.

Ҳал қилиш сифатида, органик ифлословчи модда (нефт маҳсулотлари, феноллар) лардан ҳамда оғир метал ионларидан сувларни самарали тозалаш учун ўзгартирилган кипиқлар асосида сорбентларнинг ишлаб чиқилган комплексларини маҳаллий тозалаш иншоотларининг сорбционли модулидан фойдаланишни биз таклиф қиламиз.

Турли ўзгаришли табиий материаллар ва чиқиндилар асосида олинган сорбентлар билан фенолни модулли эритмасини тозалаш самарадорлиги Э таҳлили, 76 % ўзгарган кипиқ асосда ташкил қилинган сорбент энг юқори самарадорли эканлигини кўрсатди. Бу сорбентнинг фенолдан сувларни тозалаш самарадорлиги, маълум сорбент – такқослаш учун эталон

сифатида олинган фаоллаштирилган кўмир БАУ–А билан тозалаш самарадорлигини 3 мартага оширади. Ўзгартирилган пистачка пўчоғи сорбционли колонка орқали модели эритмани ўзқизишда феноллар сорбциясида нисбатан кам самарадоли эканлигини кўрсатади.

Биз ишлаб чиққан тозалаш тизимлари асосида, сорбентларнинг сорбцион хусусиятини яхшилайдиган кипиқ ҳамда турли фаол кўшимчалар асосида донадор комплексли тадқиқот натижасида олинган янги сорбентлар билан тўлдирилган кўп ярусли цилиндрик колонналар кўринишидаги модулли адсорберни олиш мумкин. Мавжуд оддий цилиндрик адсорбердан фарқли равишда, органик ифлословчи моддалардан (феноллар, нефт маҳсулотлар) ҳамда органик бўлмаган ифлословчилар асосан оғир металл ионларидан сувни тозалашда кўпроқ самарали ва селективли сорбентлар билан уч модулли блокларни қўллаш ҳисобига сорбционли тозалашнинг тезлатиришни биз таклиф қиламиз.

Таклиф қилинаётган сорбентлар, сувларнинг сифатли тозалашни сақлашда, фаоллаштирилган кўмир ва силикагеллар кўринишидаги мавжуд ўхшашига нисбатан, арзонроқ ва кенг тарқалган хом ашёдан ташкил топган. Берилган сорбентларни, кичик автокорхоналар ҳамда нефтга ишлов бериш заводларининг фенол ва оғир металлларидан ва тўқимачилик корхоналарининг органик бўёқларидан оқова сувларни чуқур тозалаш учун тавсия қилиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Минаков, В.В. Новые технологии очистки от нефтяных загрязнений / В.В. Минаков, С.М.Кривенко, Т.О. Никитина // Экология и промышленность России, – 2002. – № 5. – С. 7–9.
2. Васильев А.П., Дингес Э.В. Ремонт и содержание автомобильных дорог: Справочная энциклопедия дорожника (СЭД) // Под ред. А.П. Васильева. – М.: Информавтод, 2004. – 507 с.
3. Альков, Н.М. Сорбционное удаление из воды ионов тяжелых металлов / Н.М. Альков, А.В. Павлова, К.З. Нгуэн // Безопасность жизнедеятельности, – 2010. – № 4. – С. 17–20.
4. Даутова С.Н. Очистка сточных вод автомойки с оборотным водоснабжением // Вестник магистратуры 2013, № 5(20).- г. Йошкар-Ола. С. 24-25.

## СУВ МАНБАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ.

Холов Фаррух Мамалатифович, Мирзаев Мурод Номозович,  
Рустамова Дилбар Баходировна

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Мақолада ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар, улардан тўғри фойдаланиш ва тоза ичимлик сувларининг танқислигини олдини олиш тўғрисида фикрлар келтирилган. Мамлакатимизда кўпгина ташкилотлар, саноат-корхоналари қатта ҳажмдаги истеъмолга ярқли сувларни тўғридан-тўғри олиб ишлаб чиқариш

учун ишлатиб келмоқда ва ишлаб чиқаришдан чиққан оқова сувлар эса тозаланмасдан ариқ ҳамда каналларга ташланмоқда, бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлиги учун катта хавф тўғдириб қолмасдан, деҳқончилик, чорвачилик соҳаларида ҳам зарарли таъсирларини кўрсатади. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, хориж технологияларини кенг қўллашимиз, шунингдек айланма сув тизимида ишлатилган сувни яъни оқова сувларни тозалаб саноат-корхоналарида тўлиқ қайта ишлатишга мослаштириш лозим.

**Калит сўзлар:** Чучук сув, музлик, чўкки, захира, ҳажм, ариқ, оқова сувлар, очик кудуклар, иктисодий тежамкорлик, исроф, артезиан.

### Water supply and troubleshooting with drinking water

The article discusses problems with drinking water, their proper use and the prevention of a shortage of fresh water. Many organizations and industries in our country use large amounts of consumer water directly for production, and wastewater is discharged into ditches and canals without treatment, which poses a serious threat to public health and agriculture. also shows its detrimental effects.

It is necessary to make full use of foreign technology, as well as adapt the recycled water supply system to the full use of industrial water for wastewater treatment.

**Keywords:** Fresh water, glacier, peak, stock, volume, pit, sewage, open wells, cost savings, wastewater, artesian water.

### Водоснабжение и устранение неисправностей с питьевой водой

В статье рассматриваются проблемы с питьевой водой, их правильное использование и профилактика нехватки пресной воды. Многие организации и отрасли в нашей стране используют большое количество потребительской воды непосредственно для производства, а сточные воды сбрасываются в канавы и каналы без очистки, что представляет серьезную угрозу для здоровья населения и сельского хозяйства. также показывает его пагубные последствия. Необходимо в полной мере использовать зарубежные технологии, а также адаптировать систему оборотного водоснабжения к полному использованию промышленной воды для очистки сточных вод.

**Ключевые слова:** Пресная вода, ледник, пик, запас, объем, котлован, канализация, открытые колодцы, экономия затрат, сточные воды, артезианская вода.

**Кириш:** Мамлакатимизда сўнги йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Сув ва канализация тармоқларини, шу жумладан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Бирок, бу борада кўриляётган чора-тадбирларга қарамадан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд. Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимида киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир [1].

**Асосий қисм:** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида каттагина ишлар амалга оширилди. Ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича ғоят муҳим дастурлар ва лойиҳаларни изчиллик билан рўёбга чиқариш шаҳар ва туманларда, шу жумладан, қишлоқ жойларда сув таъминоти ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Кейинги олти йилнинг ўзидагина 13 минг километрга яқин сув қувурлари ва водопровод тармоқлари, 1,6 мингтадан кўпроқ

сув чиқариш кудуклари, шунингдек, 1,4 мингта сув босимини ҳосил қиладиган минора ва резервуарлар барпо этилди ҳамда реконструкция қилинди. Натижада, жумладан, халқаро молия ташкилотларининг грантлари ва кредитларини жалб этиш ҳисобига ичимлик суви билан таъминланмаган кўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос келадиган сув билан таъминланди [2].

Ҳозирги фан техника ривожланган даврда сув ва сув ресурсларидан ортиқча, шунингдек ҳеч қачон бу неъмат тўғамайдигандек муносабатда бўлиш инсонлар олдида турган жуда катта хавфдир. Ер юзида сув энг кўп тарқалган модда булсада, уларнинг 98 фоиз захирасини денгизларнинг шўр сувлари ташкил этади. Умумий чучук сувнинг атиги 0,1 фоиздан фойдаланиш имкони бор, холос (қолган сувлар эса ер қутблари ва баланд-баланд тоғ чўққиларида музликлар ва қор тарзида мавжуддир). Сувдан тежамкорлик билан фойдалана олмаслик сабабларидан яна бири такомиллашмаган технологияларга ҳам боғлиқдир. Мамлакатимизда кўпгина ташкилотлар, саноат-корхоналари катта ҳажмдаги истеъмолга яроқли сувларни тўғридан-тўғри олиб ишлаб чиқариш учун ишлатиб келмоқда ва ишлаб чиқаришдан чиққан оқова сувлар эса тозаланмасдан ариқ ҳамда каналларга ташланмоқда, бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлиги учун катта хавф тўғдириб қолмасдан, деҳқончилик, чорвачилик соҳаларида ҳам зарарли таъсирларини кўрсатади [3].

Давлатимиз томонидан яратилаётган имко-

ниятлардан фойдаланиб, хориж технологияларини кенг қўллашимиз, шунингдек айланма сув тизимига ишлатилган сувни яъни оқова сувларни тозалаб саноат-корхоналарида тўлиқ қайта ишлатишга мослаштириш лозим. Республика-мизнинг кўпгина худудларида, айниқса қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви очик қудуқлардан истеъмол қилинади, бу эса санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Чучук сувларнинг қайта тикланиши табиатда сув айланиши туфайли содир бўлади. Бу йилги об-ҳаво шароитида эса ёгингарчилик миқдори кам бўлганлиги сабабли бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайиб кетди. Натижада ерости сувлари истеъмол туфайли ҳар йилгига нисбатан икки-уч ой олдин камайишни бошлади. Сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, ичимлик сувига бўлган талабни қондириш учун энг аввало аҳоли ўртасида сувга бўлган муносабатларни яхшилаш, инсонларнинг сувдан тўғри фойдаланишини шакллантириш, ҳамда ушбу мақсадга қаратилган тадбирларни оммалаштириш зарурдир [4].

Сўнгги 40 йил ичида дунёдаги ҳар бир киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоизга камайганлигини эътиборга олсак, ҳозирда ишлаб турган сув истеъмоли кўп бўлган соҳаларнинг иқтисодий тежамкорлик билан ишлашини амалий ёндашувлар асосида ҳал этиш керак. Маълумот учун: ичимлик суви истеъмоли сўнгги 100 йил ичида 6 мартага ортган, бу кўрсаткич 2050 йилга келиб яна 2 баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу энг аввало ирригация ва қишлоқ хўжалиги талабларидан келиб чиқмоқда. Айрим мамлакатлар эса оддий озик-овқат ишлаб чиқариш учун сув излаш билан овора...

Сўнгги йиллар мобайнида одамлар ҳаёт тарзи ва озикланиш меъёрида ўзгаришлар рўй берди, ўтиш иқтисодиётини бошдан кечириётган мамлакатларда гўшт ва сут маҳсулотлари кўпроқ истеъмол қилина бошлади. Мисол учун бир килограмм буғдойни етиштириш учун 800 литрдан 1000 литргача сув сарфланса, бир килограмм гўшт учун бу миқдор 2000 литрдан 16000 литргачани ташкил қилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 1985 йилларда бир йилда 20 килограмм гўшт истеъмол қилган хитойлик, 2017-2018 йилларга келиб 55-60 килограмм гўшт истеъмол қилишга ўтган. Бу эса Хитой учун 400 км.куб қўшимча сув деганидир. Таққослаш учун 2012 йилда Швециянинг ҳар бир аҳолиси учун 79 килограмм, АҚШ нинг ҳар бир аҳолиси учун эса 128 килограмм гўшт тўғри келган. Инсоният ўз эҳтиёжлари учун чучук сувлардан жуда кўп фойдаланади. Аммо бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида чучук сувнинг етишмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда сайёрадаги шаҳар аҳолисидан 20 фоизининг ва қишлоқ аҳолисидан 75

фоизининг чучук сувга бўлган эҳтиёжи қониқарли даражада эмас [5].

Ушбу ҳолатларни чуқур ўрганиб мамлакатимизда сувга бўлган эҳтиёж ва талабни таъминлаш мақсадида мавжуд истеъмол сувларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сувни тежаб ишлатиш борасида инновациялар яратиши ҳамда исроф бўлишига йўл қўймаслиги шарт. Ўзбекистон Республикасида олинган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжалигида сарфланса, 1,5 фоизи бўлиниб кетади.

Ҳозирда мамлакатимизда 77 та чучук ер ости ичимлик сув манбалари мавжуд ва уларнинг умумий захираси 57,6 млн. метр.кубни ташкил этади. Ушбу чучук сув захираларини муҳофазалаш борасида давлат сиёсати даражасида амалий ишлар йўлга қўйилган.

Эндиликда кам ва кўп қаватли хонадонларда сутка давомида сув билан таъминланган жойларда сувни тежовчи мосламаларни ўрнатиш ҳамда истеъмолчига сув етказувчи маънан эскирган яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларни алмаштириш, шунингдек қишлоқ жойларда сўғориш учун ишлатилаётган артезиан қудуқларнинг сув истеъмоли сарфини сезиларли даражада камайтириш ва сўғориш учун ишлатиладиган сувларни ёгингарчилик бўлган вақтларда сунъий ҳовузлар қилиб ёгин сувларини йиғиш ҳамда сўғоришда ушбу сувлардан фойдаланишни йўлга қўйишни такомиллаштириш лозимдир [6].

**Хулоса:** Ўзбекистон Республикасида сув манбалари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, такомиллашган технологияларни қўллаш ҳамда сув истеъмолини онлайн назорат қилиш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Шундай экан ҳар бир фуқаро бу масалага сидқидилдан ёндашиб, сувни тежамли ва мақсадли йулда ишлатиб, мамлакатимиздаги ичимлик суви танқис худудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва бу билан сув эҳтиёжи муаммоларини ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 4 май “2017-2021 йилларда ер ости ва ер усти сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. Тошкент. 2017 йил.
2. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон республикаси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Тошкент ш., 2013 йил 19 март, 82-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни

(таърифларни) шакллантириш, деклорация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш. 2019 йил 13 апрел 309-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги. Тошкент ш. 2019 йил 6 феврал 95-сон қарори.

5. Ўзбекистон Републикаси нинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс тарзда янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 012 йил 30 ноябрдаги Вазирлар маҳкамасининг қарори. Тошкент 2012йил.

6. O’Dst 950:2011. Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги 200 йил 23 декабр 346-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Т.2011-116.

7. O’Dst 951:2011. Марказлашган хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари. Гигиеник, техник талаблар ва танлаш қоидалари. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги 2010 йил 23 декабр 346-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Т. 2011.-86.

8. ҚМҚ 2.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси –Т.1997.

9. ҚМҚ 2.04.03-97. Сувоқова. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси –Т.1997.

10. “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. ЎзРВМ қарори. 2013й.25-сен. 325.модда Тошкент. 2013.

11. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли таркиби тўғрисидаги низомни тасдиқланганлиги ҳақида. ЎзРВМҚ. 2013й, 12-сон, 155 –модда. Тошкент. 2013й.

12. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонуни. Тошкент. 1992.

13. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” А.Ражабов, П.Нурматов, Б.Норкулов. Маърузалар матни, 2016 йил.

14. Мирзаев А., Якубов К.А., Исследование геометрических характеристик механических смесителей материалы III международной научно-практической конференций 09.01.2018 г.-20.02.2018 г. Волгоград. ВозГГУ. 2018 стр.546-551.

## ПУТИ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА СТРОИТЕЛЬСТВА ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдумоннонов М., Хужамов З.С.

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Ушбу мақолада Ўзбекистон худудида қуриладиган бино ва иншоотлар сифатини оширишда технологик жараёнларини ёритиш масалалари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ундан ташқари қурилиш монтаж ишлари сарф- харажатлари ҳам ҳисобга олинган.

В данной статье рассматриваются вопросы раскрытия технологических процессов в повышение качества строящихся на территории Узбекистана зданий и сооружений, а также затраты производимые при строительно-монтажных работах.

**Ключевая слова:** Генерального плана, проекта дома, строительства объектов недвижимости, коробка, водоснабжение, канализация, электроснабжения, спецификация.

The article is discussing questions of improving the quality of technological processes in construction of buildings and problems of estimating. Besides of this, there are some words about the expenditure of constructions.

**Keywords:** Master plan, house project, real estate construction, box, water supply, sewerage, power supply, specification.

К строительству зданий и сооружений следует приступать только после выполнения соответствующей организационно-технологической подготовки. Следует отметить что, необходимо учитывать при выборе методов и способов строительства.

Организационно-техническая подготовка к строительству обеспечивает: планомерное развёртывание к осуществление строительно-монтажных работ; рациональную организацию их в общей технологической последовательности: снижение себестоимости работ; повышение качества строительства.

Прежде всего осуществляются следующие организационные мероприятия, выполняемые до начала работ на строительной площадке:

— составление генерального плана застройки земельного участка;

— выбор проекта дома, разработка рабочих чертежей и смет;

— подсчёт объёмов работ по видам и конструктивным элементам;

— составление спецификаций для приобретения инженерного оборудования, приборов учёта и контроля, кабельной продукции и других изделий;

— решение вопросов поэтапного обеспечения строительства материалами, изделиями и конструкциями;

— выбор строительной организации для осуществления запланированного строительства;

— достижение соглашения со специалистом-доверенным лицом застройщика о выполнении им функции технического надзора строительного адвоката заказчика;

— определение объёма работ, сроков выполнения и численности рабочих по каждому этапу работ (устройство фундаментов, стен, перегородок, перекрытий, крыши) в соответствии с трудозатратами, указанными в сметах.

Состав работ подготовительного периода застройщику следует иметь в виду, что до начала строительства необходимо ознакомиться с законодательной базой, регламентирующей строительство объектов недвижимости на данной территории.

После выполнения организационных мероприятий начинается подготовительный период, в процессе которого выполняют работу по подготовке площадки к строительству жилого дома и других строений:

- составление строительного плана участка;
- расчистку территории строительной площадки и снос неиспользуемых в процессе строительстве строений;
- выборку плодородных слоёв земли с мест расположения предполагаемых построек и их складирование в отвалы;
- планировку территории и обеспечение временных стоков поверхностных вод;
- обозначение в натуре (на местности) главных осей сооружений;
- искусственное понижение (в необходимых случаях) уровня грунтовых вод;
- устройство временного въезда и выезда автотранспорта на территории участка;
- устройства ограждения участка;
- прокладку временных сетей водоснабжения и электроснабжения;
- устройства площадок и помещений для складирования и сохранности материалов, изделий, конструкций и оборудования;
- подготовка временных помещений и условий для прибивания рабочих;
- обеспечение строительной площадки средствами пожаротушения.

На схемы строительного плана участка обозначают: границы участка; выезд на участок; контуры строящихся объектов; линии временных сетей водоснабжения и электроснабжения; площадки для складирования материалов; место хранения срезанного плодородного растительного слоя; место складирования грунта котлована и других.

Осуществление через перечисленных выше

организационных и инженерно-технических мероприятий по подготовке к строительству зависит от выбора проекта, состава рабочей документации, профессионального уровня тех, кто будет осуществлять строительство.

Затраты на строительство зданий зависят от выбора типа зданий, состава проектной документации, качества инженерного оборудования и применяемых строительных материалов, объёма подготовительных работ и других причин.

Структура затрат на строительство, допустим для дома «под ключ» распределяется примерно в следующем соотношении (таблица 1).

Расходы на строительство «коробки» распределяются ориентировочно в пропорциях, указанных в таблице №2.

Однако эти процентные соотношения затрат для каждого конкретного дома будет по некоторым показателям значительно отличаться.

**Таблица 1. Структура затрат на строительство дома**

№	Наименование	Затраты %
1	Коробка	40
2	Отопление	9
3	Водоснабжение, канализация	7
4	Электричество	6
5	Отделочные работы	38
<b>Всего</b>		<b>100</b>

**Таблица №2. Расходы на «коробку»**

№	Виды работ	Затраты %
1	Фундаменты	15
2	Стены	30
3	Перекрытия и лестницы	12
4	Кровля	18
5	Фасады и проём	25
<b>Всего</b>		<b>100</b>

### Литература:

1. Аханов В.С., Ткаченко Г.А., Справочник строителя. - Ростов-на/ Дон, 2003г.
2. Либман Н.Б., Жилой дом. Строительство без ошибок. - Москва, 1997г.
3. Сергеев В.И., Крыши и кровли. - Ростов-на/ Дон 2000г.
4. www.search.re.uz- Ўзбекистоннинг ахборотларини излаб топиш тизими.
5. www.ddi.uz - “Рақамли ривожланиш дас-тури.”

## МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФЙДАЛАНИБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЙИРИК МАСШТАБЛИ РАҚАМЛИ КАРТАЛАРНИ ТУЗИШ

**Якубов Ғ.З.**, таянч докторант; **Мубораков Х.**, т.ф.н., доцент;  
**Рахмонов Д.Н.**, таянч докторант; **Юсупжонов О.Ғ.**, ўқитувчи  
 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ушбу мақолада йирик масштаби (1:10000) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун хизмат қилувчи ортофотопланларни ва рақамли карталарни глобал навигацион сунъий йўлдош технологиялари

(GNSS) ҳамда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб географик ахборот тизимлари асосида ишлаб чиқиш методикаси ва технологияси масалалари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар.** Масофадан зондлаш, рақамли карта, ортофотоплан, фазовий рухсат этиш қобилияти, Landsat, Sentinel, KOMPSAT.

The article discusses the methodology and technology for creating large-scale (1:10000) agricultural orthophotomaps and digital maps based on geographic information systems using global navigation satellite technologies (GNSS) and remote sensing materials.

**Keywords.** Remote sensing, digital map, orthophotoplan, spatial resolution, Landsat, Sentinel, KOMPSAT.

**Кириш.** Ер Ўзбекистон Республикасининг энг асосий табиий ресурси ҳисобланиб, ундан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланиш, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, суғориладиган ерларни, алоҳида муҳофаза қилиш ва улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган [1]. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 20761,6 гектарни ёки умумий ер майдонининг 46,25% ини, шундан суғориладиган ерлар эса 4210 гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,38% ини ташкил қилади. Республикаимиз иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ерларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида ишончли маълумотлар талаб этилади. Ерларнинг жойлашган ўрни, миқдор ва сифат кўрсаткичлар билан тавсифланувчи бошқа маълумотларни тўлиқ, ишончли ва кўرғазмали тақдим қилишнинг ягона йўли эса уларни план ва карталар оқали тасвирлаш ҳисобланади. Одатда бундай план ва карталар йирик масштабларда, маъмурий-худудий бирликлар бўйича ёки алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари бўйича тузилади.

Бундай мазмундаги план ва карталар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолияти юритаётган вазирликлар, ташкилотлар ва идоралар, шахсий хўжаликлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари учун, шунингдек, инвесторлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун (СФУ) муҳим кўрғазмали манба бўлиб хизмат қилади.

Одатда, қишлоқ хўжалиги карталари картографик, статистик маълумотлардан ёки ер усти ўлчаш усуллари ва Ерни масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб тузилади [2]. Бунда масофадан зондлаш материаллари ўзининг фазовий, спектрал ва вақтий рухсат этиш қобилиятлари орқали жуда муҳим маълумотлар ҳисобланади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик мақсадларида Sentinel-2, Landsat-7, Landsat-8, EOS AM-1 (MODIS) каби космик аппаратларидан олинган съёмка маълумотла-

ридан фойдаланиши мумкин бўлиб [3], улар мультиспектрал диапазонда 10 метрдан 250 метргача фазовий рухсат этиш қобилиятига эга тасвирларни тақдим қилади. Бироқ, ушбу космик аппаратлардан олинган суратлар нисбатан кичик ер майдонларининг (мисол учун фермер хўжаликларининг) йирик масштабли карталарини (1:25000 ва 1:10000) тузиш имконини бермайди [4]. Олиб борилган тадқиқотлар йирик масштабли рақамли карталарни тузиш ва янгилашда жуда юқори рухсат этиш қобилиятига эга космик суратлардан ( $\geq 0,5$  м) фойдаланиш аниқлик, ишончлилик ва самара жихатидан мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда [5].


Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ер ресурсларини мониторинг қилиш ва уларнинг картасини тузишда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 май даги ПФ-5065 сонли фармони қабул қилинди [6]. Ҳозирги кунда ушбу фармонни ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик мақсадлари учун хизмат қилувчи ортофотопланлар ва рақамли карталар глобал навигацион сунъий йўлдош технологиялари (GNSS) ҳамда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб тузиб келинмоқда.

**Материаллар ва тадқиқот методлари.** Ўзбекистон Республикасида “Давергеодезкадастр” кўмитаси мамлакат худудида турли масштабдаги картографик махсулотларни тузиш бўйича бош ваколатли орган ҳисобланади. Кўмитада ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябридаги ПК-2045 сонли қарори асосидаги [7] инвестицион лойиҳаси доирасида ер ресурсларидан оқилона, мақсадли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларида Корея республикасининг KOMPSAT (Korean Multi-Purpose Satellite) космик аппаратидан олинган жуда юқори рухсат этиш қобилиятига эга суратлардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда орбитадаги KOMPSAT-3 космик аппарати бешта спектрал канал бўйича (панхроматик, хаворанг, яшил, қизил, ва инфрақизилга яқин), жуда юқори фазовий рухсат этиш қобилиятига эга (2,8 м мультиспектрал)

тиспектрал режимда ва 0,7 м панхроматик режимда) суратларни олиш имконини беради.

Тадқиқот объекти Жиззах вилояти Широф Рашидов тумани (1-шакл) кишлок хўжалик ерлари рақамли картасини тузиш учун ҳам асосий маълумот сифатида KOMPSAT-3 космик апаратининг жуда юкори рухсат этиш қобилиятига эга Ortho-ready даражасида қайта ишланган космик суратларидан фойдаланилди. Космик суратлар асосида жойнинг ортофотоплани тайёрлаш куйидаги босқичларда амалга оширилди:

- объект худудини рекогносцировка қилиш ва таянч нукталар (опознаклар) ўрнини аниқлаш;
- таянч нукталар координаталарини аниқлаш;
- махсус дастурий махсулотда космик суратларни фотограмметрик ишлаб чиқиш.




1-шакл. Тадқиқот объекти - Жиззах вилояти Ш. Рашидов тумани

Космик суратларни боғлашда объект худудида жойлашган 6 та триангуляция пункти ва унга нисбатан аниқланган 21 та қўшимча таянч нукталаридан фойдаланилди (2-шакл). Бунда жойда геодезик ўлчаш ишлари Stonex S9 III PLUS GNSS приёмнигида RTK режимда бажарилди.

Аниқланган таянч нукталарнинг координаталари ва Ortho-ready даражасида қайта ишланган космик суратлардан фойдаланиб объектнинг ортофотоплани тайёрлаш ишлари PHOTOMOD рақамли фотограмметрик станциясининг PhotoMOD Lite 6. 2 модулида куйидаги босқичларда бажарилди:

- космик суратларда таянч нукталарнинг ўрнини аниқлаш;
- планли асосни зичлаш (фототриангуляция);
- космик суратларни ориентирлаш;

- ортомозайкани ҳосил қилиш;
- ортофотоплани тайёрлаш.



2-шакл. Таянч нукталарнинг жойлашуви схемаси

Ортофотоплан тайёр бўлганидан сўнг тегишли номенклатура бўйича кесиб олиниб, масштаби, проекцияси ва координаталар системаси танлаш орқали 1:10000 масштабдаги объект худудининг ортофотоплани ҳосил қилинди (3-шакл).



3-шакл. Объект худудининг 1:10000 масштабли ортофотоплани

Худудининг контурли картасини яратишнинг якуний ва мураккаб босқичи космик суратларни дешифровка қилиш ҳисобланади. Дешифровка ишлари махсус йўриқнома асосида [8] комбинациялашган усулда амалга оширилди ва расмийлаштирилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Тадқиқот натижаси сифатида кишлок хўжалиги рақамли контурли картаси яратилди (4-шакл). Дешифрлаш натижасида космик суратлардаги кишлок хўжалиги мақсадида фойдаланилаётган ер майдонларининг жойлашган ўрни, ердан фойдаланувчилар чегараси, уларнинг майдони ва бошқа табиий

ёки инсон қўли билан яратган объектлар аниқланди. Бундай карталар бутун худуд бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларини инвентаризация қилиш учун хизмат қилади. Натижада қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларининг ҳақиқий (реал) ҳолатига баҳо берилиб, бемақсад фойдаланилаётган ер майдонлари аниқланади ва улардан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилади.



4-шакл. Ш.Рашидов тумани 1:10000 масштабли қишлоқ хўжалик контурли картаси фрагменти

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай контурли карталар космик суратлар бўйича тупроқ тупроқ шўрланиши карталарини тузиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса.** Жуда юқори рухсат этиш қобилиятига эга космик суратлардан фойдаланиб Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани мисолида қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланувчилар картасини тузиш технологияси кўриб чиқилди. КОМPSAT-3 космик аппаратининг жуда юқори рухсат этиш қобилиятига эга Ortho-ready даражасида қайта ишланган космик суратларидан фойдаланганлик ҳисобига фотограмметрик ишларга кўп вақт сарф қилинмади ва асосий эътибор дешифрлаш ишларига қаратилди. Ердан фойдаланувчиларнинг контурли картаси қишлоқ хўжалигида фойдалани-

лаётган ер майдонлари ҳақида реал маълумотларни тақдим қилади ва кейинчалик улар асосида тупроқ шўрланиши карталарини тузиш, тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси.
2. N. Stupen M.Stupen, O.Stupen. Electronic agricultural maps formation on the basis of gis and earth remote sensing. Scientific Papers Series Management, Economic Engineering in Agriculture and Rural Development. Vol. 18, Issue 4, 2018.
3. И.Родин. Анализ и подготовка данных ДЗЗ из открытых источников для систем точного земледелия. Научно-технический журнал по геодезии, картографии и навигации "Геопрофи". Vol. 6, 2018.
4. V. Lebourgeois, S. Dupuy, É. Vintrou, M. Ameline, S. Butler and A. Bégué. A Combined Random Forest and OBIA Classification Scheme for Mapping Smallholder Agriculture at Different Nomenclature Levels Using Multisource Data (Simulated Sentinel-2 Time Series, VHRS and DEM). Remote Sensing - Open Access Journal, Volume 9, Issue 3, 2017.
5. M. Gianinetto. Updating Large Scale Topographic Databases in Italian Urban Areas with Submeter QuickBird Images. International Journal of Navigation and Observation, 2008.
6. «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юртишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси президенти фармони. ПФ-5065 сон, 31 май 2017 йил.
7. «Миллий географик ахборот тизимини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси президенти қарори. ПҚ-2045 сон, 25 сентябрь 2013 йил.
8. Инструкция по дешифрированию аэрофото-снимков и фотопланов в масштабах 1:10000 и 1:25000 для целей землеустройства, государственного учета земель и земельного кадастра. М.: ГУ Землепользования и Землеустройства, ВИСХАГИ, 1978

УДК 528.942:48

### МАВЗУЛИ ХАРИТАЛАРНИ ЯРАТИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН Фойдаланиш. (Қамаши тумани умумтаълим муассасалари мисолида)

**Гофиров М.Ж.** - катта ўқитувчи, **Жуманов Б.Н.** - катта ўқитувчи, **Мирзаев Ж.О.** - ассистент  
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.

Информацион технология эришган ютуқлардан самарали фойдаланган ҳолда Республикаимизнинг Қашқадарё вилояти Қамаши тумани умумтаълим муассасалари тўғрисидаги маълумотлар ўрганилди. Туман худудидаги умумтаълим муассасалари жойлашган ўрни ва уларни бошқариш, ўқувчи ва ўқитувчилар сонининг ўзгаришларини йиллик ҳисобга олиш мақсадлари учун мавзули карталарини тузиш бўйича тавсиялар берилган.

Меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича:

$$C = \left(1 - \frac{0,01 \cdot 100}{0,02 \cdot 100}\right) \cdot 100\% = 50\% .$$

Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитини яхшилаш орқали йиллик иқтисодий самара қуйидаги формула орқали аниқланади [4,5]:

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_r = \Delta k \cdot \frac{r_j \cdot T_{\text{юк}}}{Q} + U_{\Lambda} \cdot \lambda \cdot Z \cdot \alpha + \\ + T_c \cdot r_j \cdot N \cdot \psi - \sum_{i=0}^n K_i, \end{aligned} \quad (2)$$

бу ерда:  $\Delta k$  - меҳнат шароитларини яхшилаш учун меҳнат хавфсизлиги коэффициентининг ошиши;  $r_j$  - ҳар хил технологик операцияларни бажаришда соатбай ставканинг ўртача қиймати, сўм/соат;  $T_{\text{юк}}$  - поезд диспетчерининг йиллик меҳнат фаолиятини юкланиши, соат;  $Q$  - зарарли меҳнат шароитлари учун базавий тариф ставкасига мукофотнинг табақаланиш коэффициенти;  $U_{\Lambda}$  - олий маълумотли битта поезд диспетчерини ўқитиш қиймати ўртача 40 000 000 сўм;  $\lambda$  - Ягона диспетчерлик марказида ишлайдиган поезд диспетчерларининг сони;  $Z$  - Ягона диспетчерлик марказида кадрлар алмашинуви пасайиш коэффициенти, меҳнат шароитидан норози бўлганлиги сабабли иш жойини тарк этган;  $\alpha$  - Ягона диспетчерлик марказида поезд диспетчерларининг иш билан бандлик коэффициенти (бу диспетчерлар ишининг йиллик умумий вақтининг йилига ЯДМдаги поезд диспетчерларининг ҳақиқий юкига  $\alpha = 0,87$  [6] га нисбати);  $T_c$  - нормал сменанинг давомийлиги, соат;  $N$  - Ягона диспетчерлик марказининг меҳнат шароитлари яхшиланганидан кейин поезд диспетчерларининг иш лаёқати бўлмаган кунларини камайтириш, кунлар;  $\psi$  - поезд диспетчерига ҳисобланган касб касаллигининг моддий оқибатларининг унинг иш ҳақининг ўртача йиллик миқдорига нисбати 1,7 ни ташкил қилади (4.5);  $\sum_{i=0}^n K_i$  -  $i=1,2,3...$  техник

ечимлардан қўшимча харажатлар миқдори. Ягона диспетчерлик марказида поезд диспетчерларининг меҳнат шароитларини яхшилаш учун меҳнат фаолияти хавфсизлиги  $k_{6r}$  коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [4,5]:

$$k_{6m} = \left[ \frac{1}{k_1} + \frac{1}{k_2} + \dots + \frac{1}{k_n} - (n-1) \right]^{-1}, \quad (3)$$

бу ерда:  $k_1, k_2, \dots, k_n$  - омил коэффициентлари;  $n$  - ҳисобга олинган омиллар сони.

Омил коэффициентлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [4,5]:

$$k_i = \frac{\tau_{\text{Ди}}}{\tau_{\text{Нн}}}, \quad (4)$$

бу ерда:  $\tau_{\text{Ди}}$  - омилнинг рухсат этилган (ҳақиқий) таъсир қилиш даражаси, с;  $\tau_{\text{Нн}}$  - стандарт таъсир қилиш вақти = 12 с;

А ва В таққосланган вариантларнинг

бошланғич кўрсаткичлари аниқланди, А вариант - поезд диспетчерларининг иш жойларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чоратадбирлар комплекси киритилгандан сўнг, ЯДМ поезд диспетчерлари меҳнат шароитларининг асосий, Б вариантлари. А ва Б вариантларининг меҳнат фаолияти хавфсизлиги коэффициенти ҳисоблаш учун манба маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

Таққосланган вариантларнинг дастлабки маълумотлар:

1. 12.1.005-76 давлат стандартини (ММСТ) ҳисобга олган ҳолда ишлайдиган ҳудудда углерод оксиди таркибига боғлиқ бўлган коэффициент:

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{12}{12} = 1$$

2. 12.2.019-76 давлат стандарти (ММСТ) бўйича РЭД бўйича токсик бўлмаган чангни бошқариш воситаларининг нафас олиш зонасидаги чангнинг коэффициенти:

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{12}{12} = 1$$

3. Ишлайдиган майдонларнинг товуш даражаси коэффициенти:

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{9}{12} = 0,75$$

4. ВДТ ва компьютер технологиялари томонидан тарқаладиган электромагнит нурланиш коэффициенти:

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{6}{12} = 0,5$$

5. Микроклиматнинг коэффициенти:

а) ҳаво ҳарорати:  $K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{10}{12} = 0,83$

б) нисбий намлик:  $K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{12}{12} = 1$

в) ҳаво тезлиги:  $K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{9}{12} = 0,75$

7. Ёритиш тўлкинининг коэффициенти (ёруғлик тўлкинининг коэффициенти, Кп,%):

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{6}{12} = 0,5$$

8. Стереотип иш ҳаракатлари (қўллар ва бармоқларнинг мушаклари билан) коэффициенти:

$$K_{\phi} = \frac{N_{\phi}}{N_{\phi}} = \frac{40000}{43000} = 0,93$$

9. Поезд диспетчерининг иш ҳолатининг коэффициенти:

$$K_{\phi} = \frac{\tau_{\phi}}{\tau_n} = \frac{25}{87} = 0,3$$

Меҳнат шароити учун хавфсизлик омилининг ўсиш суръатларини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\Delta k = k_{\text{мшхБ}} - k_{\text{мшхА}} = 0,8$$

Таққосланган вариантларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари 3 жадвалда келтирилган. Меҳнат шароити хавфсизлигини яхшилашнинг иқтисодий самарасини ҳисоблаш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, поезд диспетчерларининг меҳнат шароитини яхшилаш орқали йиллик иқтисодий самара қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Theta_r = \Delta k \cdot \frac{r_j \cdot T_{\text{юк}}}{Q} + U_{\Lambda} \cdot \lambda \cdot Z \cdot \alpha +$$

$$+ T_c \cdot r_j \cdot N \cdot \psi - \sum_{i=0}^n K_i = 626407252 \text{ сум}$$

2-жадвал

Таққосланган вариантларнинг дастлабки кўрсаткичлари

№	Меҳнат фаолияти хавфсизлиги кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Рухсат берилган қиймат	Ҳақиқий қиймат	
				Вариант А	Вариант Б
1	Ишлайдиган ҳудуд ҳавосидаги углерод оксиди	мг/м <sup>3</sup>	20	20	20
2	Диспетчерларнинг нафас олиш зонасидаги токсик бўлмаган чанг	мг/м <sup>3</sup>	6	6	6
3	Шовқин овози даражаси, эквивалент товуш даражаси, дБА	дБ(А)	65	68	68
4	Радио частота диапазонининг электромагнит нурланиш: ВДТ ва компьютер технологиялари томонидан	В/м	2,5	3,6	3,6
5	Иқлим кўрсаткичлари:				
	а) ҳаво ҳарорати;	Ҳарорат	24	25	25
	б) нисбий намлик;	%	75	55	55
	в) ҳаракат тезлиги ҳаво	м/с	0,2	0,1	0,1
6	Иш юзасини сунъий ёруғлик ёрдамида ёритиш	лк	300	390	390
7	Ёруғлик тўлқини (пульсация) (ёруғлик тўлқин коэффициенти)	%	20	10	<5
8	Меҳнат жараёнидаги ишнинг стереотипик ҳаракатлари (қўллар ва бармоқларнинг мушаклари билан)	1 смена-да	40 000 гача	43000	<40000
9	Ишлаш ҳолати	%	ноқулай ҳолат, смена вақтининг	ноқулай ҳолат, смена вақтининг	<25

		25% гача.	80% ортик	
--	--	-----------	-----------	--

3-жадвал

## Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Дастлабки маълумотлар	Ўлчов бирлиги	Шартли белгилар	Вариант А	Вариант Б
1	Соатлик тариф ставкаси	сўм	$r_i$	16666	16666
2	Йиллик юкланиш	соат	$T_{\text{юк}}$	8742	8742
3	Битта диспетчерни ўқитиш (тайёрлаш) учун сарфланадиган ўртача маблағ	минг, сўм	$U_{\Lambda}$	40000	40000
4	Моддий оқибатлар коэффициенти	бирлик	$\psi$	1,7	1,7
5	Диспетчерлар сони	инсон	$\lambda$	100	100
6	Кадрлар алмашинувини камайиш даражаси	инсон	$Z$	0,2	0,05
7	Диспетчерларнинг иш билан таъминланганлик даражаси	бирлик	$\alpha$	0,87	0,87
8	Смена давомийлиги	соат	$T_c$	12	12
9	Битта поезд диспетчерининг меҳнатга лаёқатсиз кунлари сони	кунлар	$N$	3	1
10	Меҳнат шароити учун хавфсизлик омилининг ўсиши		$\Delta k$		0,8

Демак, поезд диспетчерларининг меҳнат фаолиятининг хавфсизлик даражасини оширишнинг йиллик иқтисодий самараси поезд диспетчерларининг меҳнат шароитларини яхшилаш учун техник воситаларни ишлаб чиқариш учун кўшимча харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда, 626,4 млн. сўмни ташкил этди.

**Хулоса.** Ҳисоб-китоблар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши поезд диспетчерларининг меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди, касб касалликлари билан боғлиқ йўқотишларни камайтиради, касбий фаолликни оширади, имтиёзлар ҳамда компенсация харажатларини камайтиради.

**Адабиётлар:**

1. Еремин В.Г., Сафронов В.В., Схиртладзе А.Г., Харламов Г.А. Обеспечение безопасности жизнедеятельности в машиностроении: Учебное пособие для вузов. М.: Машиностроение 2000 г., 392 с.

2. Борьба с шумом на производстве: Справочник [Е.Я.Юдин, Л.А.Борисов, И.В.Горенштейн и др.] Под общ. ред. Е.Я.Юдин - М.: Машиностроение 1985 г., 400 с.

3. Методические указания, нормативы и типовые примеры определения экономического эффекта от мероприятий, направленных на улучшение условий труда на тракторах и сельскохозяйственных машинах. М.: НАТИ 1981 г., 152 с.

4. Временная методика определения сравнительной экономической эффективности мероприятий, направленных на улучшение санитарно-гигиенических условий труда на новой модернизированной технике. - М.:1984 г., 34 с.

5. С. Сулайманов, Х.М. Камиллов. Поезд диспетчера меҳнат фаолиятининг видеохронометраж натижалари таҳлили («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ягона диспетчерлик маркази поезд диспетчера мисолида) // Вестник ТашИИТ 2019 год №2, С. 215-220.

УДК 614.88

**ҚУТҚАРУВЧИЛАРНИ РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ БҲЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

**Азимов Х.Г.** катта ўқитувчи, ФВВ Академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти  
**Камолов А.А.**, ўқитувчиси, Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Мақолада қутқарувчиларнинг руҳий тайёргарлигини ошириш усулларининг илмий-услубий асослари келтирилган. Шунингдек қутқарувчилар руҳий тайёргарлиги уч босқичга ажратилган ҳолда, ушбу босқичлар батафсил изоҳланган ҳамда қутиладиган натижа сезиларли бўлиши асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Фавқулодда вазият, қутқарувчи, қутқарув иши, руҳий ҳолат, руҳий зўриқиш.

В статье приводятся научно-методические основы методов повышения психологической подготовки спасателей. Данный навык служит спасателю для преодоления различных непредвиданных испытаний во время проведения спасательных работ.

**Ключевые слова:** Чрезвычайная ситуация, спасатель, спасательная работа, психологическая ситуация, психологическое расстройство.

In given article speech about importance of the rendering well-timed information-psychological help, constant study of the psychological condition, as well as rendering moral and psychological influence on lifeguards at conservation of health and lifes of the lifeguards and people.

**Keywords:** Emergency situation, rescuer, rescue work, psychological situation, psychological disorder.

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш, самарадорлиги қутқарувчиларнинг билим, оқибатларини бартараф этиш ишларининг кўникма, маҳоратидан ташқари уларнинг ру-

хий ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, кутқарувчиларда ўзига бўлган ишонч, тезкорлик, қатъиятлилик каби руҳий ҳолат билан боғлиқ хислатларни шакллантириш муҳим масала ҳисобланади. Шу боисдан мазкур масала меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган [1].

Агар кутқарувчи аниқ бир маълумотга эга бўлмаса, кутқариш ишлари вақтида унга бу кўшимча руҳий зўриқиш, ваҳима ва кўрқув манбаи бўлиб хизмат қилади. Фавқулодда вазиятларда, айниқса, кутқарув ишларининг бошланғич даврида бўлиб ўтадиган ҳодиса ва ҳаракатлар ҳақида содда тасаввурлар – ўқитишни енгиллаштиришнинг чуқур руҳий манбаидир.

Кутқарувчиларнинг кутқарув ишларидаги қийинчиликлар ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш махсус ўқув машқлари орқали амалга оширилади. Бундай машғулотлар янги, ёш кутқарувчиларга салбий таъсир қилиб, уларда кутқариш ишларини ҳалокатсиз бажара олмаслик фикрини уйғотиши мумкин.

Аммо кутқарувчиларда заифлик ҳисси шаклланмаслиги учун уларни кўрқитиб қўймаслик керак. Бунинг учун содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазият шароити билан таништиришни кетма-кетликда ва тартиб билан бажариш, уларга тўғри ва мутаносиб ҳаракатлар имкони ҳам мавжудлигини кенгроқ очиб бериш керак. Мисол учун кутқарувчининг кўлига фойдаланиш учун бериладиган асбоб-анжомлар ишончли эканлигига ишонтириш йўли билан руҳий кўтаринкилик ҳиссини уйғотиш мумкин.

Кутқарувчиларни тайёрлашда хавфли омилларни реал кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Кутқарувчи илгари кўрмаган, эшитмаган ва ҳис қилмаган ҳодисаларнинг барчаси жиддий руҳий зўриқишга олиб келиши, бу эса хатоликлар ва нотўғри қарорларга сабаб бўлиши мумкин [2]. Шунинг учун ҳам кутқарув ишларининг хавфли омилларини ўқув машқларида ташкил этиш ва буни техник воситалар ёрдамида намоиш қилиш зарур. Ўқув машқда ҳақиқатга яқинлаштирилган ҳар хил шароитларда керакли кутқарув асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда, кутқарувчида жасурлик, ўзини қўлга ола билиш, кучли ички руҳий зўриқиш ҳолатида ҳам профессионал ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти шаклланади.

Бундай натижага кутқарув ишида одатий воситалар ёрдамида бажариб бўлмайдиган шароит яратиш орқали эришиш мумкин. Хусусан, ноодатий ҳолатларга кутқарув асбобларининг ишдан чиқиши, нафас олиш баллонларида ҳавоси тугаши, алпинистик арқонларнинг узилиб кетиши, шахсий таркибнинг

сафдан чиқишлари ва ҳ.к.

Шунингдек кутқарувчиларга ташаббус ва мустақил ҳаракатлар шаклланишига хизмат қилувчи сифатлар ривожланишига ёрдам берувчи шароит яратилиши керак. Бунинг учун кутқарув ишлари командирининг кўрсатмаларига кўра “Мустақил ҳаракат қил!”, “Шароитга қараб жойида ҳал қил!” каби буйруқлар берилади. Ўқув машқ шароитининг оддий бўлмаган, ноаниқ ва янги элементлар билан бойитилиши кутилмаган ва янги ҳодисаларга қатъийлик, шароит ўзгарувчанлигини ҳисобга олувчи ҳаракатларга доимо тайёрликни шакллантиради. Бундан ташқари, ҳаракатларнинг янги усулларини изланишга сабаб бўлади, ижодий фикрлашни уйғотади, зукколикни, ўзини қўлга ола билиш қобилиятини ривожлантиради, исталган вақтда кутқарув ишларига шайликни оширади.

Кейинги босқичда аввалдан ўқитиладиган ўқув (амалий) режаларни бирданига ўзгартириш методик усулини қўллаш мумкин. Кутқарув ишларига яқинлаштирилган ўқув машқлари, тўсатдан эълон қилинган “Йигин!” машқларини юқори суръатда ўтказиш, шароитнинг доимий ўзгариши, бирданига қийинлаштирилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Кучли руҳий зўриқиш шартлари чидамлик, ўзини қўлга олиш, чарчоқ чоғида ҳам юқори тезликда, сифатли ҳаракат қила олиш, иродавий сифатларни ривожлантириш учун керак бўлади. Бу нафақат оғир шароитни яратиш билан, балки мураккаб машғулотлар, машқлар вақтининг узайтирилиши, ҳаттоки содда машқларни ҳам кўп маротаба қайтарилиши, кутқарувчилар чарчаган вақтда дарс ўтиш соатларининг узайтирилиши билан амалга оширилади. Ҳақиқий кутқарув ишларининг шу ва бошқа усуллари нафақат махсус руҳий тайёргарлик машғулотларида, балки барча амалий машғулотларида қўлланилиши мумкин.

Умуман олганда кутқарувчини руҳий жиҳатдан тайёрлашнинг кетма-кетлиги уч босқични ўз ичига олади: ташкиллаштиришни машқ қилиш, тактик машғулотлар ва кутқарув ишларини шакллантириш. Шунга кўра руҳий мўлжал қўйилади, шароит яратилади, мураккаблик танлаб олинади.

Биринчи босқич, муаммо ва қийинчиликларни биргаликда ҳаракатланиб ечишни ўз ичига олади. Бу машғулотларни бажаришда оддий шароитдаги ҳаракатларнинг қовушқоқлиги ва ўзаро бир-бирини тушунишига эришилади.

Иккинчи босқич, фавқулодда вазиятнинг мураккаблиги доимий равишда ортиб борадиган шароитда кутқариш ишларининг одатий ҳаракатлари ишлаб чиқилади. Бу бўлиб ўтадиган руҳий тайёргарликнинг асосий бос-

қичи ҳисобланиб, кенгроқ миқёсда ўтказиладиган амалий машғулотларни талаб қилади. Қутқариш ишларининг одатий усулларини ҳисобга олишдаги аниқ ва ҳатоларсиз ҳаракатлар бу босқичнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Бунда бир-бирини яхши тушуниш ва ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қила олиш тажрибаси шаклланади.

Учинчи босқич, юқори профессионал ва руҳий жиҳатдан мураккаб қийинчиликларни енгилда гуруҳ жамоасини чиниктириш, ҳар қандай фавқулодда вазиятда эпчил, эгилувчан ҳаракат қила олиш қобилиятини шакллантиришни ўз ичига олади. Ҳатто қутқарув ишининг энг кутилмаган шароитида ҳам мураккаб вазифаларни тез ва тўғри ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиш, янги ва олдиндан тайёр бўлмаган қарорларни биргаликда топиб қабул қилиш керак. Бу босқичда қутқарув ишларининг барча қийинчиликлари мажмуавий тарзда намоён бўлади. Яъни иложсиз вазиятлар юзага келтирилади, техника, асбоб-ускуналар ва шахсий таркибнинг бир қисми шартли равишда сафдан чиқарилади ва ҳ.к.

Руҳий тайёргарликда доимо умумий қоидалар кетма-кетлигига таяниш зарур: оддийдан-мураккабга, маълумдан-номаълумга. Аввалига қутқарувчи у ёки бу ҳаракатни оддий шароитда машқ қилади, сўнг бу машқлар аста-секинлик билан мураккаблаштирилади ва ниҳоят, фавқулодда вазиятга максимал даражада яқинлаштирилади. Руҳий тайёргарлик умумий методикасининг муҳим саволи-машғулотларнинг сони ва машғулотлар орасидаги вақт ҳақидаги саволдир. Агар руҳий тайёргарлик фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тайёргарлиги, қутқарув ишлари тактикаси ва жисмоний тайёргарлик машғулотлари билан биргаликда олиб борилиши кераклиги ҳисобга олинса, бу ҳолда у узлуксиз давом этиши керак. Шахсий таркиб руҳий тайёргарлигини оширишнинг оз бўлса-да имкони бўлса, ундан фойдаланиш зарур. Юқори руҳий унумдорликка эга бўлган машғулот шакллари, шароитлари ва усулларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай узлуксиз олиб борилган руҳий тайёргарликнинг

натижалари ниҳоятда юқори бўлади. Махсус руҳий усул ва шакллари ҳақида тўхталиб ўтиладиган бўлса, машғулотлар орасидаги вақт ҳақида савол хали ҳам жавобсиз ва тадқиқ этилиши зарур.

Юқорида келтирилган илмий-услубий тавсиялар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг қутқарув хизматлари, иқтисодиёт объектларининг қутқарув тузилмалари шахсий таркибини тайёрлаш жараёнида, уларнинг руҳий тайёргарлигини оширишда фойдаланилади. Чунки, қутқарувчиларнинг руҳий ҳолатини чиниктириш орқали фуқароларимизнинг ҳаётини асраб қолиш самарадорлигини оширишга эришилади. Шунинг учун, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш жараёнига руҳшуносларни жалб этиш тавсия этилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги “Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази” ва Академия ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти “Қутқарув ишларини ташкиллаштириш кафедраси” ўқув дастурларига руҳшуносларнинг мавзуларини киритиб, назарий ва амалий машғулотларда уларни руҳий жиҳатдан чиниктириш, олдиларига қўйилган вазифани мустақил, аниқ ва ҳатоларсиз, тезликда бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш, шунингдек, қутқарувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, руҳий тайёргарлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”. 2008 йил 26 декабрь.
2. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма, Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 2002. - 205 б.
3. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. Т., 1990.
4. Ғозиев Э. Психология., Т., 1994.
5. Олимов Л., Улуғова Ш.М. Экспериментал психология. Фан. 2008.

## ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

УДК-711.168

### МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНING МОҲИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА

Ахматов Н., Сапаров Х., Норқулова М.Р.  
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Мазкур мақолада республикамиз таълим тизимида долзарб бўлган масалардан бири, модулли ўқитиш технологиялари бўйича кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар таҳлили, модулли

ўқитиш технологиясини амалда қўллашда амалга оширилиши лозим бўлган талаблар ва қоидалар тўғрисида, модулли ўқитиш технологиясининг мақсади ва моҳияти ҳамда модулларни ишлаб чиқиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Модул, блок-схема, индивидуаллаштириш, мантиқий занжир, маслаҳат, дидактик мақсад, ўқув элементи, интеграция, консультатив.

In this article, one of the current issues in the educational system of the Republic, the analysis of achievements gained in the following years in modular teaching technologies, the requirements and rules that should be implemented in the practical application of modular teaching technology, the purpose and essence of modular teaching technology and the work that should be done for the development of modules

**Keywords:** module, block-scheme, individualization, logical chain, counseling, didactic goal, educational element, integration, consultative.

Модулли ўқитиш технологияси ғояси ўтган асрнинг 60 – йилларида АҚШда бошланган бўлиб, бу технология тўғрисида халқаро миқёсда дастлаб 1972 йили ЮНЕСКО нинг Токиодаги бутунжаҳон конференцияда сўз юритилди ва 1982 йилдаги Парижда қабул қилинган декларациясида модулга қуйидагича таъриф берилди: Модуль – машқлари, хусусий тезликда диққат билан танишиш ва кетма-кет ўрганиш орқали индивидуал ёки гуруҳ машғулотларида бир ёки бир неча малакага эга бўлиш учун мўлжалланган алоҳида ўргатувчи пакетдир.

Модуллаштириш тизими ва принципи асосан информатика фанидан машқларни ечишда қўлланиладиган блок схемалар усулидан олинган бўлиб, лотинча modulus-қисм, блок ёки яхлит бир бўлакни англатади. Республикаимизнинг таълим муассаларида билим олаётган ўқувчи ва бўлажак мутахассислар билим савияси ва кўникмаларини сифат ва малака жиҳатдан халқаро андозалар даражасига етказишда замонавий таълим технологияларини қўллаш ва уни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг 3-чи бўлимида: «Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйдагиларни амалга ошириш зарур: янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш...» кўринишида ўз аксини топган таълим тизимида модулли ўқитиш технологиясини долзарб масала эканлиги кўрсатиб турибди.

Ҳозиргача республикаимизда таълим жараёнига модулли ўқитиш технологиясини амалда қўллаш ва жорий этиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган. Жумладан, Н.Х.Авлиёкулов ва К.Т. Олимовларнинг педагогик технологияни лойиҳалаш босқичлари ва модулли ўқитиш тамойилларини ишлаб чиқиш борасидаги изланишларини, ҳозирги педагогик технологияларнинг умумий асосларини ёритишга бағишланган тадқиқотларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Модулли ўқитиш технологияси амалда қўл-

ланилиши жиҳатидан икки хил ёндашувга эга бўлиб, булар фан бўйича фаолият ёндошуви ва тизимли фаолият ёндошувидир. Бу ёндошувлар доирасида модулли ўқитиш технологиясининг турли концепциялари ишлаб чиқилган бўлиб, булар замирида фаолият ёндошуви ётади ва шу нуктаи назардан, ўқитиш жараёни тўлалигича ёки муайян фан доирасида, модулли таълим дастури мазмунига мувофиқ касбий фаолият элементларининг ўқувчи томонидан кетма-кет ўзлаштирилишга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясига ўтишнинг асосий мақсадлари сифтида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- таълим беришнинг узлуксизлигини таъминлаш (фанлар ўртасидаги интеграция);
- таълим олувчининг индивидуаллашиши;
- ўқув жараёни учун керакли материаллар банки яратилиши эвазига, мустақил ўзлаштириш самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш; - назарий билимлар сифатини ошириш билан бирга, касбий малака даражасини ошириш.

Модулли ўқитиш технологияси асосида таълим жараёнини ташкил этишнинг моҳиятига тўхталадиган бўлсақ, бунда таълим олувчи фаннинг ҳар бир модули билан ишлашда билим олиш учун ёки фаолиятининг аниқ мақсадларига мустақил равишда, тўлиқ ёки қисман ўқитувчининг маслаҳати ёрдамида эришади.

Албатта, ҳар бир фаолият ёки тизимни самарали ишлашини таъминлаш учун маълум бир кетама-кетликдаги ўзаро боғлиқ мантиқлар занжирини яратиш ва уни ишлаш механизми талабларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг асосий талаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳар бир модулнинг мазмунига барча ўқув элементлари материални ўзлаштириб олиш бўйича мақсадли белгилашни;
- модул бир ва бир неча дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилиши;
- модуллар мазмуни мустақил фикрлаш, мантиқий ўйлаш ва амалий фаолиятга йўнал-

тирилган бўлиши;

- касбий-ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали мазмуни муаммоли тарзда берилишига эришиш шулар жумласидандир.

Модулли ўқитишда таълим оловчиларнинг билим, малака, кўникмаси қатъий равишда назоратнинг рейтинг тизимида баҳоланишини зарурият қилиб кўяди.

Ҳар бир модул бўйича тайёрланадиган ўқув материаллари ўз ичига ўқиш даврини тўлиқ қамраб олган модулли дастур, назарий материаллар (маъруза), ўқув-услубий тарқатма материаллар, индивидуал топшириқлар, ўқув илмий адабиётлар рўйхати, мустақил ишлар учун топшириқлар ва назорат топшириқларини қамраб олади.

Модулли таълим технологиясини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш учун, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- фанни давлат таълим стандартлари асосидаги модулли ўқув режасини ишлаб чиқиш;

- ҳар бир фан бўйича намунавий модулли технология асосида ўқув дастурини ишлаб чиқиш:

- модулли ўқув дастур асосида фаннинг ишчи ўқув дастури (силлабус)ни ишлаб чиқиш:

- силлабусда келтирилган ўқув элементарни учун маълумотлар банки, ҳисоб график ишларни бажариш, мустақил ва индивидуал ишлар учун топшириқлар бўйича услубий кўрсатмалар ва йўриқномалар тизимини яратиш;

- ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси мониторингини амалга ошириш учун оралиқ ва жорий назоратларни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш:

- ҳар бир модул бўйича якуний назоратни амалга ошириш учун тест синовлари саволларини модуллар бўйича яратиш.

Ҳар бир фаннинг модулли ўқитиш технологияси тизимига ўтиш самарадорлигини қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда баҳолаш мумкин:

- кафедранинг фан бўйича замонавий моддий-техник воситалари билан таъминланганлик даражаси;

- фан бўйича профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;

- фан бўйича модулли технология талабларига асосан ўқув-услубий материаллар, воситалар ва информацион электрон маълумотлар базасини яратилганлик даражаси;

- дидактик материалларни тушунарлилиги ва ўзлаштирилганлик даражаси;

- эришилган натижаларни таҳлил қилиш асосида модуллардаги ўқув элементларни тақомиллаштирилиб борилиши;

- ҳар бир ўқув элементи учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўпламини талабага машғулотдан олдин берилиши.

Фан бўйича модулларни тузишда ўқув элементларнинг назарий қисми (маъруза) ва улар билан боғлиқ бўлган амалий дарслар ва лаборатория ишларини мантиқан боғлиқ ҳолда тузиш эвазига, талабалар маълум амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Модулнинг таркибига кирувчи ҳар бир ўқув элементини тайёрлашда, уни кичик блоklarда тизимлаш асосида тузиш, ўқув материалларни блок-схемалар ва визуаллаштирилган ҳолатда тақдим этилиши, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган ахборотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузаларни таълим технологияси ва технологик хариталар кўришида берилиши мавзунини ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Фаннинг хусусияти ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда модулларни қўйидаги таркибда тузиш мумкин:

- тарихий - муаммо, теорема, масала, тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;

- муаммоли - муаммони шакллантириш;

- тизимли - модул таркибини тизимли намоеън этиш;

- фаоллаштириш - янги ўқув материални ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усулларини ажратиб кўрсатиш;

- назарий - асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар, муаммони ифода-лаш, гипотеза (фараз)ни асослаш, муаммони ечиш йўллари очиб кўрсатилади;

- тажрибавий - тажрибавий материални (ўқув тажрибаси, ишни ва бошқаларни) баён этиш;

- умумлаштириш - муаммо ечимининг тасвири ва модул мазмунини умумлаштириш;

- қўлланиш - ҳаракатларнинг янги усулларини ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш бўйича масалалар тизимини ишлаб чиқиш;

- хатоликлар - ўқувчининг модул мазмунини ўзлаштиришда кузатиладиган бир турдаги хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш йўллари кўрсатиш;

- уланиш - ўтилган модулни бошқа модуллар билан шу жумладан ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоеън этиш;

- чуқурлаштириш - иқтидорли ўқувчилар учун мураккаб ўқув материалларини тақдим этиш;

- тест-синови - модул мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини тестлар ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, фанлар бўйича модулли ўқитиш технологиясини тузиш ва амалда қўллаш:

- фанларни ўзаро интеграцияси асосида, таълим жараёнини жадаллаштиришни;
  - мавзуларни ўзлаштиришда модул ичида ва ўзаро бошқа модуллар билан боғлиқлик даражисини оширилишини;
  - фаннинг таркибий қисмини аниқлаш ва тузишда тизимли ёндошувни;
  - модуллар асосида талабалар билимини самарали назоратини;
  - қисқа муддатларда талабаларнинг фанни ўзлаштириш даражисини аниқлаш эвазига кўшимча машғулотлар, консультатив-маслаҳат тадбирларини амалга оширишни;
  - талабалар томонидан фанни ўзлаштиришда ижодий ёндошув қобилиятларини оширишни таъминлайди.
- Хулоса қилиб айтганда ананавий ўқитиш тизимидан ноананавий ўқитиш тизимига ўтишда модулли ўқитиш тизимини ўқув жараёнида қўллаш ва етакчи хорижий давлатлардаги: ма-

салан, Англия, Америка, Япония, Хитой, Малайзия ҳамда бошқа қатор ривожланган мамлакатлардаги ноананавий ўқитиш тизимига асосланган модулли ўқитиш тизимини жорий этиш билан бир қаторда юқори даражадаги натижаларга эришиш мумкин бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Рўзиев Э., Аширбоев А. Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси. – Т., “Янги аср авлоди” нашриёти, 2010.
2. Опыт организации самостоятельной работы студентов. О.Н.Ефремова, ст.преп. Томской Политехнический Университет. Высший образование В России №8-9, 2013 160-162 стр.
3. Рихсибоев Т., Муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш методикаси. Т., “Тафаккур қаноти”, 2011.
4. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А., “Таълимда инновацион технологиялар”. –Т., “Истеъдод”, 2008.

## ДИЗАЙН МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ГРАФИК АХБОРОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Хўжамов З., Норқулова М.Р., Сапаров Х.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнида “Дизайн” ва рассомчилик мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун “Амалий геометрия” фанини ўқитиш ҳамда Чизма геометрия, компьютер графикаси ва компьютерда лойиҳалаш фанларини узвий боғловчи, талабаларни фазовий тасаввурини оширишга ёрдам берувчи мантиқий фикрлашга ўргатувчи жараён модели ёритилган.

**Калит сўзлар:** Стандартлаштириш, сертификация, лицензия, унификация, типлаштириш, геометрик ясашлар ва амалий геометрия.

**Annotation:** in this article, the model of the process of teaching the subject of "Applied geometry" for students studying in the specialties of "Design" and painting in the process of implementation of the "National program of Personnel Training", as well as the logical thinking, which inextricably connects the subjects of drawing geometry, computer graphics and computer design, and helps students to increase their spatial

**Keywords:** standardization, certification, licensing, unification, typification, geometrical construction and applied geometry.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни ҳаётга тадбиқ қилиш ва такомиллаштириш жараёни бошланди. Бу жараён ўқув стандартларини қайтадан кўриб чиқиш, ахборот технологиялари тизими орқали модернизация қилишни талаб қилмоқда. Дизайн мутахассислари кадрларини тайёрлаш учта мантиқдан иборат бўлиб, мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғланади.

• Эскидан қолган бир вариантли лойиҳадан кўп вариантли компьютер графикаси ахборотларини яратиш;

• Ёшларни фазовий тасаввурини мантиқий геометрик ўстириш услубларини яратиш;

• Рассомчиликни мантиқий асосларини янги

график ахборотлари билан бойитиш;

• Меъморий лойиҳалашни мантиқий асосларини стандартлаштириш, сертификациялаш, лицензиялаш, унификация, типлаштириш, гўзаллик критерияларини ахборот технологияларини яратиш лозим бўлади. Ушбу мақолада чизма геометрия, компьютер графикаси ва компьютерда лойиҳалаш фанларини узвий боғловчи, талабаларни фазовий тасаввурини оширишга ёрдам берувчи мантиқий фикрлашга ўргатувчи жараён модели келтирилади.

Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

• Талабаларни бошланғич билимини баҳолаш ва гуруҳларга ажратиш;

• Гуруҳлар қуйидагича тузилади:

- Конструкторлик тўғаракларига жалб қилиш;
- Интернетдан график ахборотларни тўплаш;
- Қўшимча график ахборотларни қайта ишлаш;

- Қўшимча тайёргарлик дарсларини ўтиш.

Ушбу йўналишлар бўйича талабаларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш учун амалий дарсларга фан йўналишлари бўйича ишчи график дафтарлар яратилиши лозим. Ушбу график ахборот базалари орқали талабаларни билимлари жорий баҳолаб борилади. Иқтидорли талабалар гуруҳи ташкил қилинади. 50 тадан ортиқ масалалар тўплами орқали олимпиада гуруҳи тузилади.

Талабаларни бошланғич билим савияси ҳар хил бўлгани учун, гуруҳларнинг пастки қисмларига қўшимча мустақил график ишларни бажариш дарслари ташкил қилинади.

Кафедра ўқитувчилари томонидан тузилган тарқатма график ахборотлар, услубий қўлланмалар, тавсияномалар орқали дизайн гуруҳлари талабалари орасидан конструкторлик гуруҳи ташкил қилинади ва қўшимча график ахборотлар базасини йиғиш учун топшириқлар берилади. Бозор иқтисодиёти шароитига мос келувчи мутахассислар қуйидаги билимларга эга бўлиши керак:

- Рақобатбардош лойиҳаларни тузиш қобилиятига ;
- Замонавий рекламалар тайёрлаш ва график ахборотларни тўплаш қобилиятига;
- Миллий хунармандчилик қонуниятлари асосига янги дизайнерлик ва санъат юмушларини бажариш қобилиятига.

Талабаларни график ахборотларни тўплаш қобилиятига ўргатишдан мақсад «ҳеч қандай тасвирчи геометрияни билмасдан асар ёзолмаслиги» асосида тарбиялашдан иборат. Бўлажак дизайн мутахассислари миллий кадриятларини тиклаш, ўтмиш фан ютуқларини ўрганиш,

тадбиқ қилиш бугунги ва келажак авлодларининг зиммасига тушган юмуш эканлиги, меъморчилик тарихи ва назариясида, меъморий лойиҳалаш фанларида график ахборотлар асосида узлуксиз таълим тизимини яратишлари керак бўлади. Ушбу мақолада Абул Ваво Ал Бузжонийнинг «Хунармандларга геометрик ясашдан нималар керак» асари асосида, «геометрик ясашлар» ўқув қўлланмаси алоҳида ўрин эгаллайди.

#### **Олинган илмий услубий натижаларнинг таҳлили**

Дизайн мутахассисларини тайёрлашга қуйидаги фанларни узвий боғловчи «Амалий геометрия» фанини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

«Амалий геометрия» асосий илмий йўналишларга қуйидаги фанларни тавсия қиламиз:

- Чизма геометриянинг лойиҳалаш назарияси;
- Ҳисоблаш геометрияси фани;
- Амалий геометрия моделларининг дизайн тизими;
- Миллий хунармандчилик амалий геометрияси;
- Архитектура тизимининг ички геометрия структураларининг амалий геометрия ва компьютер графикаси моделлари
- Санъатшуносликда миллий хунармандчилик ва тўқимачилик график ахборотлари.

#### **Адабиётлар**

1. Олий техник таълимини такомиллаштириш концепцияси. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплаш. Т., Шарқ, 2005. 139-бет.
2. Отажонов Р.К. «Геометрик ясашлар методлари». Т., Ўқитувчи. 1978. 190-289 бетлар.
3. Азизхўжаев Н.Н. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат». Т., 2006.
4. Асқаров Ю.А. ва бошқалар. «Чизма геометрия ва компьютер графикаси». Т., 2011.

## Мундарижа – Содержание

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ  
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

<b>Bozorov I., Tursunov B.A., Raxmonov A.R., Sulaymonov J.J., Qurbonov Z., Botirov B.F.</b> Giltuproq va sanoat chiqindilari asosida yo'lak hamda pardozbop keramik plitkalarini ishlab chiqarish.....	3
<b>Бозоров И, Парсаева Н. Ж.</b> Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ундаги муомалар .....	5
<b>Шакиров Т.Т., Базарбаев М.М.</b> “Beton strong 17” кўшимчасининг керамзит асосидаги енгил бетонларнинг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш .....	7
<b>Убайдуллаев А. С.</b> Современные композиционные материалы для усиления железобетонных элементов... 10	10
<b>Rakhimov R. A., Magurova G. R.</b> Influence of hardening accelerators on properties of silicate brick of velvet sand and clay impurities. ....	13
<b>Mahmudov M., Mahmudova Sh.</b> Ёғоч чиқиндилари ва улар асосида олинадиган қурилиш материалларининг ҳаводан нам ютиш хусусиятлари .....	15
<b>Турсунов Б.А., Акрамов Х.А., Агламов О.З.,</b> Энергия самарадор бинолар қурилишида иссиқлик химояловчи материалларнинг қўлланилиши .....	19
<b>Бозоров И., Абдусаматов К., Турсунов Б., Рахмонов А., Қурбонов З., Сулаймонов Ж., Қодиров Э. Г5</b> ва Г6 маркадаги қурилиш гипсининг физик-механик хоссаларини қурилишгатадқиқ қилиш .....	22
<b>Файзуллаев З.Б., Тилляев А.Д.</b> Энерготежамкор гипс қурук қурилиш қоришмалари олиш технологияси .....	24
<b>Абдусаматов К. Б., Холбоев С.</b> Базальт фибраси асосидаги фиброгазобетон хоссаларини ўрганиш .....	28
<b>Muxammadiev B. A.</b> Basic parameters of physical properties of the saline soils in roadside of highways.....	31
<b>Гулиев А.А.</b> Изменение структуры, состава и свойств засоленных грунтов при их замачивании и выщелачивании .....	33
<b>Аблаева У. Ш.</b> Технологические методы улучшения долговечности бетонов в условиях сухого жаркого климата Узбекистана (в примере Джизакской области) .....	34
<b>Асатов Н.А.</b> Исследования влияния тепловой обработки бетона повышенной водонепроницаемости на его прочность .....	37
<b>Бойматов А. А. Испандиярова У. Э.</b> Восстановление теплозащитных параметров наружных ограждающих конструкций .....	41
<b>Ганиев А. Г.</b> Ташқи деворлардаги пардозлаш ва иссиқлик изоляцияси материалларининг хоссаларини аниқлаш .....	45

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ  
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

<b>Махмудов Р.М., Холмуродова З.И., Усмонов Ш.А., Бабаназаров С.Ш., Абдурахмонов Ш. М.</b> Иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги аънанавий ёқилғилар захирасини тежашда атом энергиясидан фойдаланиш .....	48
<b>Рашидов Ю.К., Волкова К.В.</b> Саморезнергоэффективные системы солнечного теплоснабжения на основе вакуумных коллекторов .....	51
<b>Рашидов Ю.К., Айтмуратов Б.</b> Гулируемые стратификационные водяные аккумуляторы теплоты для систем солнечного теплоснабжения .....	54
<b>Сабирова Д.А., Жураев О.Ж.</b> Выбор оптимальных полимерных добавок для формирования динамических мембран в условиях очистки сточных вод красильно-отделочного производства .....	58
<b>Рашидов Ю.К., Файзиев З.Х.</b> Расчёт гидравлического удара в самодренлируемых гелиоустановках .....	60
<b>Якубов К.А. Мургазасев Ф.А. Артикбоев Х.Б.</b> Сравнительный анализ методов опреснения воды .....	63
<b>Хажиматова М. М.</b> Поднятие патрубка в устройстве силой давления газовой смеси .....	66
<b>Нуруллаев У.</b> “DAMAS” Автомобилининг йўлнинг кескин бурилишда устиворлигини тадқиқлаш ва таъминлаш .....	68
<b>Karabekov U. A.</b> Use of the terracing method when developing new lands in uzbekistan.....	70
<b>Норкулов Б.М. - Базаров Д.Р.</b> Сув ташлаш иншоотларида сув оқимнинг гидравлик режимлари .....	72
<b>Xalbekov K.A.</b> Samarqand shahri hududidan o'tadigan kanal va kollektor tarmoqlari holatini yaxshilash borasida amalga oshirilgan ishlar .....	75
<b>Мирзабеков М.С. Хикматов Ш.И.</b> Results улучшение топливно-экономических показателей мобильных машин .....	77
<b>Akhmedova M. A. Boboev S. M.</b> Of dust flow measurement measurement .....	79
<b>Husanov N. G., Nurmanova M. O.</b> Иссиқ сув тайёрлашда куёш энергиясидан фойдаланишнинг афзаллиги ва унинг математик кўриниши .....	85
<b>Холбутаев Б. Т.</b> Насос станциялари аванкамерасида сув уюмларини ўрганиш натижалари .....	87
<b>Мусаев Ш. М.</b> Қурилиш материаллари корхоналарининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш .....	90
<b>Такабев Қ. .Ў</b> Паррандачилик корхоналарининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш .....	93
<b>Мусурмонов А.Т., Холдорев Н. Ҳайитов З.Т.</b> Гидротараннинг ресурс тежамкорлиги ва иш жараёнини ўрганишга янгича назар .....	96
<b>Хушвақтов Б.О., Холов Ф.М., Мирзаев.М.Н.</b> Машиналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш .....	98

<b>Холов Ф. М., Мирзаев М. Н., Рустамова Д.Б.</b> Сув манбаларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	100
<b>Абдумоннонов М., Хужамов З.С.</b> Пути в повышении качества и эффективности процесса строительстве зданий и сооружений в Узбекистане .....	103
<b>Якубов Г.З., Мубораков Х., Рахмонов Д.Н., Юсупжонов О.Г.</b> Масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги учун йирик масштаби рақамли карталарни тузиш .....	104
<b>Ғофиров М.Ж., Жуманов Б.Н., Мирзаев Ж.О.</b> Мавзули хариталарни яратишда геоахборот тизимларидан фойдаланиш. (Қамаши тумани умумтаълим муассасалари мисолида) .....	107
<b>Жуманов Б.Н., Ғофиров М.Ж., Мирзаев Ж.О., Искандаров И.И.</b> Миноралар оғишини электрон таометр ёрдамида аниқлаш. ....	111
<b>Абдурахмонов С.Н., Бердиев Д.Ф., Авилова Н.Ф.</b> Атрибутив маълумотларни маълумотлар базасига геолокациялаб демографик карталарини тузиш .....	112
<b>Журакулов Д.О., Мардонова Н.С., Музропова Ф.И.</b> Автоматизированная система кадастровой картографии, реализующая ГАТ-технологию при разработке кадастровых карт и планов .....	115
<b>Жураев О.Ж., Каюмова Л., Усанова С.А.</b> Ультрафильтрационная очистка сточных вод текстильного производства .....	117

#### ИНЖЕНЕРЛИК ИНШОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

<b>Эсанов Н.Қ., Алимуратов Ш.Н., Яхшибоев Ш.Р.</b> Собственные колебания криволинейных участков трубопроводов с протекающей жидкостью .....	120
<b>Мадатова Ф.А., Нейматов А.Б.</b> Ярим ўқда берилган штурм – лиувилл чегаравий масаласининг спектрал характеристикалари.....	123

#### ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВОМ

<b>Adxamov M., Shodmonov A.Yu.</b> Қурилиш маркетинги самарадорлигини оширишда аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш йўл-йўриқлари .....	126
<b>Сулайманов С., Камиллов Х. М.</b> Поезд диспетчерларининг меҳнат шароитини яхшилашдаги техник ечимларни ижтимоий-иқтисодий томондан мувофиқлигини баҳолаш .....	129
<b>Азимов Х.Г., Камолов А.А.</b> Кутқарувчиларни руҳий тайёргарлигини ошириш бўйича тавсиялар .....	132

#### ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

<b>Ахматов Н., Сапаров Х., Норқулова М.Р.</b> Модулли ўқитиш технологиясининг моҳияти ва қўлланиши тўғрисида .....	134
<b>Хўжамов З., Норқулова М.Р., Сапаров Х.</b> Дизайн мутахассисликлари фаолиятида график ахборотларнинг ўрни .....	137

Муҳаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.  
Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев.  
Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2020 йил 29 сентябрда берилди. Босишга 2020 йил 30 сентябрда рухсат этилди.  
Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.  
Буюртма № 14/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

СамДАҚИ босмаҳонасида 2020 йил 2 октябрда чоп этилди.  
Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email [ilmiy-jurnal@mail.ru](mailto:ilmiy-jurnal@mail.ru)

**ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА  
«Проблемы архитектуры и строительства»**

1. Объем статьи не более 5 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 12 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation.
2. К статье прилагаются: список литературы, аннотации на узбекском, русском и английском языках (объем 5-10 строки). Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).  
Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.
3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.
4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.
5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.
6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

***Редколлегия***